

САИДАКБАР АГЗАМХОДЖАЕВ,  
ЗАХРО УЛУТБЕКОВА

«АЛ-ИСЛОҲ» ЖУРНАЛИ –  
ТУРКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЧИЛИК  
ҲАРАКАТИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА  
ТАРИХИЙ МАНБА


(1915–1918 йиллар)



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

САИДАҚБАР АГЗАМХОДЖАЕВ,  
ЗАХРО УЛУГБЕКОВА

“АЛ-ИСЛОҲ” ЖУРНАЛИ –  
ТУРКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЧИЛИК  
ҲАРАКАТИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА  
ТАРИХИЙ МАНБА  
(1915–1918 йиллар)



«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2021

УЎК: 94:398(575.1)

КБК: 86.38г

А 96

Агзамходжаев С., Улугбекова З.

“Ал-ислоҳ” журнали – Туркистондаги ислохотчилик ҳаракатини ўрганиш бўйича тарихий манба [Мати]: монография / С.Агзамходжаев, З.Улугбекова. – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – 160 б.

Масъул муҳаррир:

**Н. Н. БЕКМИРЗАЕВ**, тарих фанлари доктори

Такризчилар:

**А.Н. РАСУЛОВ**, тарих фанлари доктори, профессор  
**С.Б. ШАДМАНОВА**, тарих фанлари доктори, профессор  
**Н.А. МУХАМЕДОВ**, тарих фанлари доктори, доцент

Монографияда XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаёти, ислохотчилик ҳаракатининг тарихий илдишлари ва, асосий йўналишлари, таълим-тарбия масалалари ҳамда халқ маросимлари, урф-одат ва анъаналарини ислоҳ қилиш муаммолари даврий матбуот, хусусан 1915-1918 йилларда нашрдан чиққан “Ал-Ислоҳ” журналида берилган маълумотлар асосида таҳлил этилди. Шунингдек, матбуот материаллари тарихий манбалар билан киёсий тадқиқ этилиб, кизиқарли маълумотлар илмий истеъмолга киритилди.

Монографияда келтирилган тарихий материаллар ва илмий хулосалардан тарих ва манбашуносликдан илмий тадқиқот олиб борадиган тарихчи ва бошқа ижтимоий фанлар вакиллари фойдаланишларига мўлжалланган. Шунингдек, “Ўзбекистон тарихи”, “Манбашунослик”, “Ислом тарихи”, “Журналистика тарихи” ва бошқа фанлардан дарслар ўтиш жараёнида, ўқув қўлланмалар тайёрлашда тадқиқотнинг фактик материалларидан фойдаланиш мумкин.

*Монография Ўзбекистон халқаро ислом академияси Кенгашининг 2021 йил 10 майдаги 16-сонли йиғилишида нашрга тавсия этилган.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 7.07.2021 йилдаги 03-07/4340-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9943-7402-5-9

© С.Агзамходжаев, 2021

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси ўзининг сиёсий мустақиллигига эришган кунлардан бошлаб, юртимиз тарихи, миллий ва диний кадриятларимизни тўлақонли ўрганиш имкониятига эга бўлди. Маълумки, совет даврида тарихий ҳақиқатни билиш рағбатлантирилмас, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан йоғи борича йироқ сақланди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик.

Мустақиллик йилларида тарихга қизиқиш, ўтмиш ҳақиқатларни ҳолисона ёритишга интилиш ортиб бориш баробарида, ўлкамизда ўтмишда дин, диний сиёсат қандай олиб борилганлиги борасида ҳам қатор тадқиқотлар яратилди. Том маънода виждон эркинлигининг тикланиши каби омиллар миллий тикланиш йўлидаги адолатли қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг кадрини англаб етади”<sup>1</sup>.

Маълумки, XIX аср охири - XX аср бошлари Ўзбекистон тарихида Россия империяси мустамакчилиги даври сифатида ўрин олган. Мана шу даврда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида ислохотчилик фаолияти кенг кўламлилиги билан ажралиб туради. Агар ўтмишга бугунги кун нуқтаи назаридан қарасак, ислохотчилик фаолияти ҳамма даврлар учун ҳам муҳимлигини чуқур ҳис қилиш мумкин.

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2020 йил 1 октябрь, № 207

Шу маънода ушбу монографиянинг долзарблиги куйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, жамиятимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда яқин ўтмишимиздаги ислоҳотчилар ва улар фаолиятларини ўрганишнинг бугунги кун учун аҳамиятлидир.

*Иккинчидан*, динга онд фикр-мулоҳазалар ўз аксини топган манбалар, хусусан, газета ва журналларни тадқиқ этиш борасида давлатимиз томонидан юритилаётган сиёсатнинг ижобий моҳиятини чуқур англашда ўтмишимиздаги тарих сабоқларидан тегншли хулосалар чиқариш ҳам кўп жиҳатдан аҳамиятли.

Миллий истиқлол ўзбек халқининг қадим ўтмиши, ислом дини, урф-одатлар ва тарихий анъаналарни аслидагидек, мафкуравий ақидаларсиз, ҳолисона ўрганишни асосий вазифа этиб қўйгани бежиз эмас. Халқимиз тарихини тўлақонли ёритиш масаласи эса Марказий Осиё минтақасига тааллуқли манбаларни ҳар томонлама чуқур ўрганишни талаб этмоқда.

Маълумки, матбуот соҳаси ХХ аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-маънавий ҳаётидаги янгиланишларнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида намоён бўлди ва миллатнинг уйғонишида муҳим рол ўйнади. Зеро, ХХ асрнинг дастлабки ўн йиллигида газеталар ўзбек миллати учун илм-маърифат ва тараққиёт жарчисига айланган бўлса, иккинчи ўн йилликка бориб диний маърифат, миллат бирлиги, ислоҳот ва тараққиёт учун фаол тарғиботчилик вазифасини журналлар бажара бошлади. Мана шундай журналлардан бўлган “Ойна” билан бир қаторда “Ал-Ислоҳ” журнали ҳам нашр этилди.

*Учинчидан*, ўзбек халқи тарихини ўрганиш доимий равишда биринчи ўринга кўтарилиб, у билан бевосита боғлиқ бўлган диний ва дунёвий омилларнинг ўзаро муносабати ва уйғунлашув жараёнлари эътибордан четда қоларди. Туркистон матбуотида эътибор қозонган “Ал-Ислоҳ” журнали ўз саҳифаларида диний ва дунёвий масалаларни ёритганлиги билан Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, дин давлатдан ажратилганлиги билан уни жамиятдан айри ҳолда тадқиқ этиш бир томонлама бўлар эди.

*Тўртинчидан*, журналда Туркистон халқлари тарихидаги муҳим воқеалар (Биринчи жаҳон уруши, Туркистонда мардикорликка олиш сиёсати ва унга қарши маҳаллий халқнинг оммавий чиқишлари, Февраль инқилоби (1917 йил) ва Октябрь давлат тўнтариши (1917

йил), Туркистон Мухториятининг юзага келиши ва йўқ қилиниши, советлар тузумининг ўрнатилиши ва секин-аста кучая бориши, янгича мустабидлик кўринишига қарши маҳаллий аҳолининг қўзғалиши)га оид муносабатнинг журнал саҳифаларида ёритилишини тадқиқ этиш тарихимизни мукамалроқ билишга ёрдам беради.

*Бешинчидан*, “Ал-Ислоҳ” журнали жадиличлик ҳаракатининг илгор фикрли уламолари томонидан чоп этилди. Унда диний ислохотчилик масалалари, ижтимоий ва адабий эстетик баҳслар ёритилди. Журнал муаллифлари Абдурахмон Содик ўгли (Абдурахмон Сайёҳ), Саидахмад Васлий, Олимхон Тўра, Садриддинхон Аълам, Ҳамза Ҳақимзода Нисзӣ, Фазлулваҳҳоб қори ва бошқалардир. Ушбу журнал жадиждлар дунёқарашига яқин материаллар бериб борди”<sup>2</sup>.

“Уламолар томонидан 1915–1918 йилларда чиқарилган “Ал-Ислоҳ” журнали фаолиятида ҳам маърифатпарварлик, дин, урф-одатлар софлиги ва рус таъсирига қарши кураш устивор эди”<sup>3</sup>.

*Олтинчидан*, журналда ўша давр уламолари, мударрисларининг ислом тарихи, мазҳаблари ва ундаги фикҳий масалалар юзасидан турли мунозаралари ўрин олган. Шунингдек, янги ижтимоий воқелик шароитида халқнинг турмуш тарзига оид фикҳий масалалар таҳлил ва талқин этилади, зарур ўринларда уларга ислоҳ киритиш юзасидан таклифлар билдирилади. Натижада мазкур нашрнинг диний-маърифий қарашлар ривожига ҳам муайян аҳамиятга моллик бўлгани шубҳасиздир. Айни пайтда журналнинг тарихий манба сифатида ўрганилиши ислом тарихи ва манбашунослигида муҳим илмий қимматга эга.

Монографияда тадқиқ этилаётган мавзу бўйича илмий адабиётларнинг тизимли таҳлили шуни кўрсатдики, Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида “Ал-Ислоҳ” журналининг ўрни алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Уларда мавзунинг айрим қирралари, жиҳатлари ёритилган. Шу маънода

<sup>2</sup> Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1870-2000) (қиска маърузалар матни). Тузувчи: Н.А.Абдуазизова. Мирзо Улугбек номили Тошкент Давлат университети. Тошкент-1999. –Б. 26; Дўстқораев Б.А. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1 қисм 1870-1917 йил ноябрь). Дарслик. Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.–Б.240.

<sup>3</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент-2000. –Б. 302.

караганда, мазмун жиҳатидан мураккаб ва даврий фарқларга эга бўлган илмий адабиётларни илмий-концептуал нуқтан назардан уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ: 1. Совет даври нашрлари. 2. Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар. 3. Хорижий муаллифларнинг асарлари.

**Биринчи гуруҳга** оид адабиётларни ўрганиш жараёнида дастлабки маълумотлар совет даврида миллий матбуот тарихи билан шугулланган олим, журналист, ёзувчи Зиё Саиднинг 1927 йилда нашр этилган “Ўзбек вақтли матбуоти (1870-1927)” номли китобида учрайди<sup>4</sup>. Бу китобда Ўзбек миллий матбуотининг пайдо бўлишидан бошлаб, ўтган ярим асрлик даври марксистик дунёкараш асосида ёритилган. 1974 йилда Зиё Саиднинг бир жиллик “Танланган асарлари” чоп қилинди. Бу китобга муаллифнинг “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар” (1870-1927) номли рисоласи билан бир қаторда 27 та мақоласи, ҳажвия ва драматик асарлари киритилди.

Журнал ҳақидаги қисқача маълумотлар Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон асарларида ҳам учрайди<sup>5</sup>.

Совет тарихшунослигида бу журнал ҳақидаги айрим фикр ва мулоҳазалар З. Ражабов, В. Абдуллаев, Б. Валихўжаев тадқиқотларида келтирилган бўлиб, муаллифлар ўз тадқиқотларида ушбу маълумотларни ҳукмрон коммунистик мафкура талаблари асосида атенстик нуқтан назардан баҳолашган ҳамда уни диний-хурофий журнал сифатида талқин қилишган<sup>6</sup>.

**Иккинчи гуруҳга** мустақиллик йилларида мавзуга оид нашр этилган илмий адабиёт, тадқиқот ва мақолалар киради. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин С. Аҳмедов, Н. Абдуазизова, М. Худойқулов, К. Воҳидова, Р. Тожибоев, Б. Дўстқораев, Б. Бабаджанов

<sup>4</sup> Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти (1870-1927). Т.: Туркистон, 1927.

<sup>5</sup> Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш ва филология масалалари (Нашрга тайёрловчи Шухрат Ризаев). –Т.: Университет, 1993. –Б. 122; Чўлпон. Туркистонда матбуот // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 1998. №2. –Б. 56.

<sup>6</sup> Ражабов З. Из истории общественной и политической мысли таджикского народа. Сталинабад. 1951. С. 409; Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Улуг октябрь социалистик революциясининг арафаси ва гражданлар уруши даврида Ўзбек позицияси. / Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат университетининг асарлари, янги серия. –Самарқанд.: ЎзДУ, 1958. –Б.10.

ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида “Ал-Ислох” журнали ҳақида объектив фикр ва қарашлар билдирилди<sup>7</sup>.

Тарихшунослигимизда монография мавзусининг айрим жиҳатлари ёритилганки, зотан, Туркистоннинг XX аср бошларидаги ижтимоий, диний-маърифий ҳаётни ислох этиш тарихчиларни доимий равишда ўзига жалб қилиб келган<sup>8</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётга бағишланган бир қанча илмий адабиётлар<sup>9</sup> ва мақолалар<sup>10</sup> мавжуд. Р.Раджапова, Д.Алимова,

<sup>7</sup> Аҳмедов С. Мунавварқори Абдурашидхонов. Ташланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2003. –Б.32; Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917).–Т.: Академия, 2000. –Б. 197; Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари. –Т.: Университет, 1995. –Б.45; Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси. –Т.: Ўқитувчи, 2001. –Б. 19; Тожибоев Р. XX аср бошида ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фанлари номзоди дисс... –Т.: 1993. –Б. 108; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870-1917 йил ноябрь). Дарслик.– Т.: Ғофур Гулом номдаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б 240; Бабаджанов Б., Паоло Сартори. У истоков советского дискурса о “хорошем исламе” в Центральной Азии // Ab Imperio,3/2018,pp.219-255.

<sup>8</sup> Хайдаров М. Туркистонда совет ҳокимиятининг марказлаштирилиши сиёсати (1917–1924 й). Тарих фанлари номзоди дисс. автореф...–Т.,1998.–286; Қуллиев Х.Г. Туркистонда мустақил тузумнинг иқтисодий ва маънавий асосларининг юзага келиши (1917-1920 йиллар). Тарих фанлари номзоди дисс...– Т., 1998. – 160 б; Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918г. Дисс... док. ист. наук. –Т., 1998. – 347 с; Мингноров А.Т. Туркистонда миллий – озодлик ҳаракатлари давр миллий матбуотида (1917 йил феврал – 1918 йил ўрталари). Тарих фанлари номзоди дисс...– Т., 2000.

<sup>9</sup> Жадидчилик: ислохот, янгилаштириш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш: Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги қизғилар: Даврий тўплам/ Тарих институти/.–Т.: Университет, 1999.; Яхшиликков. Ж., Убайдуллаева Н. Жадидчилик ва Бехбудий. –Т.: Фан, 2004. Мамажоновна Л.А. Жадид мутафаккирларининг ахлоқий-эстетик қарашлари. –Т.: 2007. Маҳмудова Г. Жадидизм ва Туркистонда ахлоқий-эстетик фикр тараққиёти. –Т.: Davt Press, 2006.; Абдурашидхонов М.К. Хотираларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). –Т.: Шарк, 2001.; Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX–I четверти XX вв. – Ташкент: Университет, 1999. – 162 с;

<sup>10</sup> Каримов Н. Қимматга тушган тўлов ёхуд Туркистон мухториятининг вужудга келиши ва тор-мор этилиши сабаблари // Тафаккур. – 1996. – №3. – Б.108; Дўстқораев Б. Туркистоннинг усули идораси қандай бўлмоғи керак эди? Жадидларнинг давлат тузилиши тўғрисидаги қарашлари // Жамият ва бошқарув. – 1997. – №2. – Б.13–16; Раджабов Қ.К. Мустақиллик учун мужодалалар (1917–1935 йй) // Жамият ва бошқарув. – 1998. – №3. – Б.46–49; – №4. – Б.58–64; Раджабов Қ.К.. Бир максадли



С.Агзамходжаев, Қ.Ражабов, Б.Расулов, Д.Зияева, Р.Шарипов, Р.Шигабдинов, Е.Прилуцкий, Б.Кошанов, Ф.Набиев, Х. Куллнев каби бир катор тадқиқотчиларнинг илмий ишларида жуда катта фактик материаллар умумлашган<sup>11</sup>. Бу ишларда Туркистон маърифатпарварла-

нкки Эргаш // Мулоқот. – 2000. – №2. –Б. 33–36; Алимова Д. А. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий–сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури // Жадидчилик: ислоҳот, янгилашни, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1 – Тошкент: Университет, 1999. – Б. 35-52; Аъзамхўжаев С.С. Туркистон Мухторияти – жадидлар миллий демократик давлатчилик гоъларининг амалдаги ифодаси // Жадидчилик: ислоҳот, янгилашни, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам №1 – Тошкент: Университет, 1999.– Б.152-173; Алимова Д., Рашидова Д. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. –Тошкент: Академия, 1999. – 53 б.

- <sup>11</sup> Алимова Д.А. Ўзбекистон мустабид тузум даврида: сиёсий ва мафкуравий таъинқ оқибаглари (1917–1990 йиллар). –Т., 2000.; Алимова Д.А. Историческое мировоззрение жадидов и их проекция будущего Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 8–20; Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917–1918 гг.). Дисс...доктора.нет. наук – Ташкент, 1996. – 289 б.; Агзамходжаев С.С.Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. –Т., 2000.; Агзамходжаев С.С.Туркистон бирлиги учун (мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). – Тошкент: Фан, 1995. – 15 б.; Агзамходжаев С.С. Из истории движения за автономию // Общественные науки в Узбекистане. –1996. – № 1-3.– С. 40–48.; Агзамходжаев С.С. Шўрон ислом асли қандай эди? // Фан ва турмуш. – 1996. – №5–6. –Б.18–19.; Агзамходжаев С.С.Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000.–168 б; Ражабов Қ. Мустақиллик фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар). –Т., 2005.; Ражабов Қ.Фаргона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий босқичлари (1918–1924 йй) – Тарих фанлари номзоди дисс... – Тошкент, 1994. – 175 б.; Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуроли ҳаракат (1918-1924 й.). Тарих фанлари доктори дисс... Т., 2005. – 342 б.; Расулов А. Туркистонда мактаб ва мадрасалар тарихи (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари). –Андижон, 1995.; Расулов А. Туркистон, Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи (1917–1924 йй). Тарих фанлари доктори дисс... – Т., 2005. – 347 б.; Зияева Д. Х. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати XX аср тарихшунослигида (1916 йил қўзғалони ва 1918–1924 йиллар истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари): Тарих фанлари доктори дисс... – Тошкент. 1999.– 321 б; Зияева Д. Х. Туркистон миллий – озодлик ҳаракати. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2000. – 173 б; Зияева Д. Х. Туркистонда мустақиллик учун кураш тарихшунослиги ва уни ўрганиш муаммолари // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Тошкент, 1998.– Б. 25–33; Шарипов Р. Туркистон жадидчилиги ҳаракати тарихидан. –Т. : Ўқитувчи, 2002.; Шигабдинов Р.Н. Ахмад Заки Валиди и идея автономии Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 33 – 39; Прилуцкий Е.А. Национальное строительство в советском Туркестане (1918–1920): Дисс. канд.

рининг ижодида ҳам даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётига онд фикр-мулоҳазалар ёритилган. Уларнинг илм-фан учун аҳамияти шундаки, бу асарларда Туркистон халқлари босиб ўтган мураккаб ижтимоий-тарихий йўл ҳақида жуда қимматли ва муҳим маълумотлар тўпланган.

“Ал-Ислоҳ” журналида ҳам, табиийки, ўз даврнинг долзарб мавзулари юзасидан таҳлилий мақолалар, баҳс-мунозара материаллари чоп қилинган. Улар, албатта, тарихий материал сифатида катта аҳамиятга эга. Шундай бўлса-да, бу даврга онд йирик тадқиқотлардан бири бўлган К.Пардаевнинг номзодлик диссертациясида материаллар публицистик нуқтаи назардан таҳлил қилинган<sup>12</sup>. Унда журналнинг адабий манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш, адабий асарларни аниқлаш, Зафархон Жавҳарий, Баҳриддин Азми, Мулла Ҳошим Ҳайратий, Мубашширхон сингари ижодкорлар асарларини адабий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиб таҳлил қилиш устувор туради ва “Ал-Ислоҳ”нинг ўзбек публицистикаси шаклланишида муҳим манбалардан бири бўлганлиги илмий далиллар орқали исботланади. Бироқ, ушбу тадқиқотда “Ал-Ислоҳ” журналининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида тутган ўрни очиб берилмаган.

Бизнинг тадқиқотда эса, “Ал-Ислоҳ” журнали ислом тарихи ва манбашунослиги нуқтаи назаридан илк бор ўрганилмоқда. Юқорида зикр этилган илмий ишларда кўрсатиб ўтилмаган жиҳатлари, яъни, журналда ёритилган ислоҳотчилик ғоялари, диний-маърифий ислоҳотчилик, урф-одат ва анъаналарни ислоҳ этиш масалалари тадқиқ этилган. Натижада “Ал-Ислоҳ” журналининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида тутган ўрни очиб берилиб, нашрнинг тарихий манбашуносликдаги ўрни ва аҳамияти кўрсатилди.

Учинчи гуруҳга хорижий муаллифларнинг асарлари киритилди, чунки, хорижда ҳам Туркистон тарихини ўрганиш масаласига катта қизиқиш билан қаралади. Турли тилларда, хусусан, рус, инглиз,

---

ист. наук АН УзССР, 1991; Кошанов Б.А. Большевики в Туркестане 1917–1922 гг. Доктрина и реальность.: Автореф. док. ист. наук. – Россия., 1994. 26 с.; Набиев Ф.Н. Политическая борьба за национальную независимость в Туркестане (1917–1924 гг.): Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент. 1995; Куллиев Х.М. Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917–1920 гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С.27.

<sup>12</sup> Пардаев К.У. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-Ислоҳ” журнали материаллари асосида). Филол. фанлари номзоди дисс... Ўзбекистон миллий университети. –Т.: 2008.

француз, немис, турк, италян тилларида эълон қилинган тадқиқотларда Туркистон тарихига онд муҳим маълумотлар, қимматли қарашлар ва турли хулосалар мавжуд. Германияда 30-40 йилларда чоп этилган Р.Олша, Г.Клейнов, Й.Бензинг, Менде Г.Вон, Г.Штаклин, Б.Шпулер, К.Окай сингари Германия тарихчилари тадқиқотлари воқеаларнинг анча тўлиқ таҳлил қилиниши билан ажралиб туради<sup>13</sup>. Немис олимаси Ингеборг Балдауфнинг “XX аср ўзбек адабиётига чизгилар” номли китобида ислохотчиларнинг жадидчилик ҳаракатидаги ўрнига катта баҳо берилган<sup>14</sup>.

Шунингдек, Туркистон тарихи туркий тадқиқотчи олимларидан Закий Валидий Тўғон, Мехмет Сарай, Боймирза Хайит кабилар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилган<sup>15</sup>. Инглиз тилидаги асарларнинг орасида Адиб Халиднинг китобида “Ал-Ислоҳ” журнали ҳақида маълумотлар учрайди<sup>16</sup>. Француз тадқиқотчиларининг ўрганилаётган даврга онд тадқиқотлари ҳам анчагина. “Ал-Ислоҳ” журнали ҳақида маълумотлар А.Бенингсеннинг асари ва Стефан А.Дюдуаньоннинг мақоласида бериб ўтилган<sup>17</sup>. Туркистон ислохотчилигининг тарихий илдизлари Россия олимларининг асарларида ҳам кенг ёритиб ўтилган<sup>18</sup>.

<sup>13</sup> Olzcha R., Cleinow G. Turkestan. Die politische – historischen und Wirtschaftlichen Probleme Centralasiens. 2 Auflage. Leipzig. 1943; Benzing J. Turkestan. Berlin. 1942; Okay K. Enver Pascha, der Gross Freund Deutschlands. Berlin. 1935. Spuler B. Geschichte Mittelasiens. Kolen. 1966.; Staklin K. Geschichte Russlande. Berlin. 1930.; Mende G. Von. Der nationale Kampf der Russlandtuerken. Ein Beitrag zur Nationalen Frage in der SU. Berlin. 1936.

<sup>14</sup> Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. –Т.: Маънавият, 2001. –Б. 16, 37; Қаранг: Унинг ўзи. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире / Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгилавиш, тараккиёт ва мустақиллик учун кураш. –Т.: Маънавият, 2001. –Б. 44-51.

<sup>15</sup> Togan V.Z. Buugunki Turkeli (Turkistan) ve yakin Tarihi. Istanbul. 1981.; Mehmet Saray. Ozbek turkleri tarihi. Istanbul. 1993.; Hayit B. Turkestan devletlerinin milli musadcleri tarihi. Ankara. Turk tarih kurumu. 1995.

<sup>16</sup> Khalid A. The Politics of Muslim Cultural Reform, California. 1998. –P. 100, 124, 125, 150-151, 154, 228.

<sup>17</sup> Bennigsen A. et Lemerrier Quelquejay Ch. La press et le mouvement national chez le musulman de Russie avant 1920. Paris-La Yaye: Mouton & Co, 1964. –P. 165.; Стефан А. Дюдуаньон. Кадимизм: элементы социологии мусульманского традиционализма в татарском мире и в Мавераннахре (конец XVIII-нач. XX вв.) //Ислам в татарском мире: история и современность. Казань 1997. –Б. 62-65.

<sup>18</sup> Кириллина С. Ислам в общественной жизни Египта (вторая половина XIX –

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида ёзилган тадқиқотларда XX асрнинг биринчи ярмида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаёт, дин ва диндорларнинг қатагон қилиниши, мустабид тузумнинг диний сиёсатига оид баъзи фактик материаллар мавжуд, бироқ Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида “Ал-Ислоҳ” журналининг тутган ўрни алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган. Бу масала жиддий ва комплекс илмий тадқиқот яратиш заруриятини юзага келтирди.

*Тадқиқотнинг мақсади* – XX аср бошидаги Туркистон ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида “Ал-Ислоҳ” журналининг тутган ўрнини очиб беришдан иборат. Мазкур мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- журнални тарихий манба сифатида илмий таҳлил этиш;
- журналдаги мақолаларни тарихий, диний ва илмий тадқиқ қилиш асосида Туркистондаги ислоҳотчиликнинг тарихий илдишлари ва манбаларини ўрганиш;
- Туркистондаги ислоҳотчиликнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш;
- ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид материалларни таҳлил қилиш;
- Туркистонда таълим-тарбия масалалари ҳамда халқ маросимлари, урф-одат ва анъаналарни ислоҳ қилиш муаммоларини ёритиш;
- диний масалаларга оид мавзулар, баҳс-мунозараларни таҳлил этиш;
- ислом дини тарихи ва таълимотини ўзида акс эттирган мақолаларни тадқиқ этиш;
- Туркистоннинг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётини ўрганиш.

*Тадқиқотнинг даврий чегараси.* Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётини “Ал-Ислоҳ” асосида ёритиб беришда 1915–1918 йиллар оралигидаги давр қамраб олинди. Чунки, журнал айнан шу йилларда нашр қилинган.

---

начало XXв.). –Москва: Наука, 1989; Амирханов Р. Татарская дореволюционная пресса в контексте «Восток – Запад». –Казань: Татарское книжное издательство, 2002; Мухаметшин Р. Татары и ислам в XX веке. –Казань: Фэн, 2003; Хабутдинов А.Ю. Лидеры нации. –Казань: Татар.кн.изд-во. 2003; Хабутдинов А., Мухетдинов Д.

Общественное движение мусульман – татар: итоги и перспективы. Нижний Новгород, 2005; Хабутдинов А.Ю. Российские муфтии (1788–1950). Нижний Новгород, 2006.

*Тадқиқотнинг илмий назарий ва методологик асослари.* Мавзунинг ёритиш жараёнида тадқиқотнинг методологик асослари сифатида илмийлик, ҳолислик, қиёсий таҳлил, тарихийлик тамойилларига асосланган. Тадқиқот жараёнида мавзуга миллий ва умуминсоний кадрлар, миллий истиқлол гоёсидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида ўтказилган ислохотларда “Ал-Ислоҳ” журналнинг тутган ўрни қуйидаги ҳолатларда кўрсатиб берилди:

1. Ислохотчилик гоёлари XIX аср охири ва XX аср бошида шаклланган жадидлар ҳаракатига ҳам таъсир кўрсатган. Бинобарин, жадидлар ҳам ўз фаолиятида маълум даражада ислом ислохотчилиги гоёларига асосланган, янги усулдаги мактаблар ташкил қилишда, маориф ва тарбия соҳасида ислом дини тамойилларини янги талқин қилиш йўлидан боришган. Бу эса Туркистондаги ислохотчилик гоёларининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

2. “Ал-Ислоҳ” журнали Туркистоннинг XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётини ўрганишда ноёб манба деб ҳисоблаш мумкин.

3. Халқ маросимлари, урф-одат ва анъаналарини ислоҳ қилиш муаммоларини, диний ва дунёвий масалаларни журналда уйғунликда акс эттирилиши бугунги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан қадриlidir.

4. Журналда ёритилган соф ислом таълимотини баён этувчи мақолалар турли фирқа ва оқимларнинг бузғунчи ҳамда нотўғри карашларига зарба беришда мустаҳкам манба бўлиб хизмат қилади.

5. Журналда ўз даврининг долзарб масалаларига савол-жавоблар шаклида асосли жавоблар берилган. Шу боис “Ал-Ислоҳ” журнални таҳлил ва тадқиқ этиш ҳозирги кунда ҳам бу борадаги масалалар ечимини топишда амалий ёрдам беради.

*Тадқиқотнинг илмий янгилиги* XX аср бошида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва диний-маърифий ҳаётини “Ал-Ислоҳ” журнали асосида биринчилар қаторида комплекс ўрганиб, таҳлил қилишда, уларда илгари сурилган умумлашма ва хулосаларнинг янги ёндашувлар ва бирламчи манбаларга асосланганлигида кўринади. Жумладан, журналдаги мақолаларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги асосий янгиликларга эришилди:

– XX аср бошида Туркистон ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида журналнинг катта ўрни тутганлиги аниқланди;

– журналнинг ислом тарихи ва манбашунослигидаги аҳамияти белгилаб берилди ва ислом тарихи ва манбашунослиги нуқтаи назаридан биринчилар қаторида комплекс тадқиқ қилинди;

– ислоҳотчилик гоялари ақс этган мақолаларни таҳлил этиш асносида журналнинг Туркистондаги ислоҳотчилик гояларига таъсири бекиёс бўлганлиги ўз исботини топди;

– Туркистондаги ислоҳотчилик гояларининг тарихий илдизлари Шаҳобиддин Маржоний, Абу Наср Курсавий, Жамолиддин Афгоний, Муҳаммад Абду каби ислоҳотчиларнинг гоялари таъсирида бевосита юзага келганлиги кўрсатиб берилди;

– Туркистондаги ислоҳотчилик гояларининг тадқиқ қилиш асносида уларнинг диний-маърифий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотчилик йўналишларида бўлганлигини очиб берилди;

– журналдаги ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий мазмундаги мақолалар таҳлил қилинди;

– журналнинг бошқа диний оқим ва мазҳабларга муносабати тадқиқ этилиб, унинг ҳанафий мазҳаби тарафдори бўлганлиги очиб берилди.

*Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.* Миллий ва диний кадриятлар тикланаётган ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳолисона янги тарихини яратишда, ислом тарихшунослигига оид дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда тадқиқотнинг фактик материаллари ва илмий хулосаларидан фойдаланиш мумкин.

# I БОБ. XX АСР БОШИДА ТУРКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

## 1.1. ИСЛОҲОТЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

XIX аср бошидан XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган бир ярм асрлик давр ислом динининг ривожланишида муҳим буриллиш босқичи бўлди. Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тузилишидаги ўзгаришлар, миллий озодлик ҳаракатининг авж олиши – буларнинг ҳаммаси ислом динининг жамиятдаги мавқеига бўлган қарашларда ҳам, ижтимоий ҳаётдаги янгиликларни ислом динининг нуқтаи назаридан баҳолашда ҳам ўзгаришлар ясади. Исломи диний-фалсафий ва ҳуқуқий меъёрларининг янги тарихий шароитга мослашиш жараёни XIX аср ўрталаридан бошланиб, ҳозиргача давом этмоқда. Бу жараённи кўпгина тадқиқотчилар “Исломи ислоҳотчилиги” деб атайдилар.

Афғонистонлик машхур мутафаккир Жамолиддин Афғоний ва унинг мисрлик издошлари Муҳаммад Абду, Абдуллоҳ Надим ва Қосим Амин, Ҳиндистон мусулмонлари орасида машхур бўлган мутафаккир, арбоб Сайид Аҳмадхон, суриялик файласуф Абдурахмон Кавокибий ва бошқалар исломи ислоҳотчилигига асос солишган. Кейинчалик исломи ислоҳотчилиги ғоялари бошқа мусулмон мамлакатларига ҳам ёйилган. Исломи ислоҳотчилиги мафкурачиларининг қарашлари Россия мусулмонлари ислоҳотчилиги ғояларига ҳам таъсир кўрсатган. Қозонда Муса Бегиев, Петербургда Арслон Гирей Датиев, Кавказда Аҳмадбек Цаликов ва бошқалар иш олиб боришган.

“Исломи ислоҳотчилиги дунёвий ҳаётнинг турли жиҳатларини диний нуқтаи назардан қайта баҳолашда намоён бўлди ва соф диний масалаларга у қадар дахли бўлмади. Мисрда Муҳаммад Алининг ислоҳотлари ва Усмонийлар салтанатидаги ислоҳотлар туфайли исломнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеида муайян ўзгаришлар рўй берди. “Мисрдаги ислоҳотлар Муҳаммад Алининг бошқаруви

остида (1805–1848) давлат иқтисодининг юксалтириш, мустақил ривожланишга қаратилган эди”<sup>19</sup>.

Шунингдек, XIX асрнинг охирида Шарқ мусулмон мамлакатлари орасида кенг ёйилган Жамолiddин Афгоний (1839–1897), Муҳаммад Абду (1834–1905) номлари билан характерланувчи диний ислохотчилик, Европа мустамлакачилигига қарши бирдамлик борасидаги фикрларни ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди.

Ислохотчилик ҳаракатининг энг йирик намоёндаларидан бири Жамолiddин Афгонийдир. Жамолiddин Афгоний фаолиятининг асосини у Мисрда яшаган даврда (1871–1879) ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнаган сиёсий мустамлакачиликка қарши ислохотчилик тарғиботи ташкил қилди. Жамолiddин Афгонийнинг “диний ислохотчилик” гояларини унинг издоши, шогирди Муҳаммад Абду ривожлантирди. У дастлабки даврда ислохотчилик ҳаракатининг машҳур раҳнамоси, бир қанча ислохотларни амалга оширишда ташаббусчи бўлиб танилди. Унинг қарашлари энг аввало “Тафсир ал-Қуръон ал-Ҳаким”, “Рисолат ат-Тавҳид” номли асарларида ўз ифодасини топди. Афгоний исломнинг диний, ижтимоий-фалсафий тизимини мустамлакачиликка қарши кураш вазифалари асосида қайта кўриб чиқиш заруриятини Шарқ маърифатпарварлари орасида биринчилар қаторида тушунди. У Шарқ ҳам Ғарб босиб ўтган йўлни босиб ўтади, ислом шиорлари эса мусулмонлар дунёсида христиан тафаккурининг турли оқимлари зиммасига тушгани сингари жипслаштирувчи ролни ўйнаши лозим, деган фикрга ўз маслакдошларини ишонтиришга ҳаракат қилди. Афгоний ва унинг шогирдлари 1888 йилда Россияда бўлиб, мусулмонлар билан учрашган чоғида фақатгина исломни ислох қилиш ва янгилаш ҳақида эмас, балки мусулмонларнинг фан ва техника ютуқларини эгаллаш вазифалари тўғрисида ҳам сўзлади. Аммо бу, уларнинг фикрича, Европа маданияти элементларини Шарқ муҳитига юзаки жорий этишни англамасди. Бу ўринда Шарқнинг бой маданияти ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, иккала маданиятларни бири-бирига уйғун ҳолда яқинлаштириш ва шу тариқа ўз миллий уйғониши учун шарт-шароитларни яратиш муҳим эди.

<sup>19</sup> Кириллина С.А. Ислам в общественной жизни Египта (вторая половина XIX–начало XX в.). – Москва: Наука, 1989. – С. 11.



Афгонийнинг ислом ҳақидаги фикрлари кўпроқ машҳур француз файласуфи Э.Ренон билан баҳсларда шаклланди. Хусусан, XIX аср 80-йиллари бошида Ренон Сарбонна университетида “Ислом ва илм-фан” мавзусида маъруза ўқийди. Маърузадаги асосий фикр “ислом илмий тараққиётга тўсик бўлган бир диндир” деган исломни рад этувчи гояга бўйсундирилган бўлиб, исломнинг жаҳоний илм-фанни исломдан ташқари тутарди. Ренон маърузаси “Дес дебатс” журнаlining 1883 йил 29 март сониди босилиб чиқди. Ренон Афгонийнинг фикрларидан илҳом олгани ва таъсирланганини айтди, ён бергандек бўлди, бироқ асосий фикридан қайтмади. “Мусулмонларни диндан қайтармоқ уларга қилинадиган энг буюк хизматдир”, деб ёзди ва исломни “бўйинтуруг” деб таърифлади.

Афгоний унга кескин раддия жавобини берди ва бу жавоб “Дес дебатс” нинг ўша йилги 16 май сониди нашр этилди. Кейинчалик аксадо сифатида Туркиянинг Париж элчихонаси котиби Ибкур Решод Али Фарруҳ, Петербург имоми ва мударриси Атоуллоҳ Боязидов раддиялари бирин-кетин пайдо бўлди. Уларнинг барчасида ислом илмга тўсик бўлувчи манба эмас, ривож берувчи манба сифатида қаралди. Бугунги Европа ўз илм-фани ва маданияти асосларини исломдан олган деган фикр илгари сурилди.

Илмий баҳс-мунозаралар кўп ҳолларда сиёсат билан ёнма-ён кечди. Бунинг асосий сабаби – капиталистик Европанинг ислом оламига тажовузи, ўз асрий анъаналари, турмуш тарзи билан яшаётган мусулмонларнинг мол-мулкдан ҳақ-ҳуқуқларигача тортиб олинаётганлигида эди. Шундай бир вазиятда мусулмонларнинг муайян гояга таяниб ўзларини бирлашиб ҳимоя қилишга урнишлари табиий хол эди. Шундай бир куч дин, диний эътиқод бўлди”<sup>20</sup>. Жамолиддин Афгонийнинг гоялари мусулмон давлатларини Европа мустамлакачилигидан озод қилишга, бу мақсадга эришиш учун мусулмон мамлакатларини бирлаштириш, парламентаризм орқали монархия ҳокимиятига чек қўйишга қаратилди.

“Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талаблари мусулмон ислохотчилари ва ҳуқуқшуносларини исломнинг бир қанча анъанавий қондаларини янгича талқин этишга мажбур эта бошлади. Бироқ, бу жараён осон кечмади ва узоққа чўзилиб кетди. Ушбу масала мусулмон

<sup>20</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: Маънавият 2002. –Б. 81.

мамлакатларида банк тизимини яратиб жонзми (ёки жонз эмасми) деган масала юзасидан бошланган мунозарада ўз аксини топди. 1899 йили муфтий Муҳаммад Абду банк омонатлари ва улардан фонд олиш судхўрликка кирмайди, бинобарин, у ман қилинган рибо, ҳисобланмайди, деган фатво чиқарди<sup>21</sup>. Бу фатво мавжуд молни тизимини сармоядорлар манфаатига мослаштирди. Мусулмон мамлакатларида тадбиркорликнинг авж олиши шариат қоидаларини ҳам, мусулмончиликдаги бошқа анъанавий тамойилларни ҳам янгича талқин қилишга олиб келди. Бу даврда ислом динидаги барча мусулмонларнинг бирлиги тўғрисидаги анъанавий қоидаси янгича маъно касб этди. Жамолиддин Афғоний мусулмонларнинг бирдамлиги ғоясини кўтариб чиқди. Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду, Рашид Ризо ва бошқаларнинг ғоялари миллий-озодлик ҳаракатларига туртки бўлиб, кўпчилик мусулмон мамлакатларининг сиёсий мустақиллигига эришувида ижобий роль ўйнади. Айни вақтда “ислом бирдамлиги” ғоясига асосланган ислом ҳаракати шакллана бошлади.

Юқорида келтирилганидек, Жамолиддин Афғонийнинг шогирди ва издоши Муҳаммад Абду жамоат арбоби эди<sup>22</sup>. У Қоҳирадаги машхур ал-Азҳар университетида таҳсил олган (1869–1877). Миллий-озодлик ҳаракатида иштирок этгани учун ҳибсга олиниб, кейинчалик Мисрдан чиқариб юборилган (1883–1888). 1884 йилда Парижда Жамолиддин Афғоний билан биргаликда “Ал-Урват ал-вусқо” (“Мустаҳкам бирлик”) яширин жамиятини тузган, бу жамият мусулмон зиёлилари орасида катта таъсир кучига эга бўлган, шу номда газета ҳам нашр этган. 1889 йили яна Мисрга қайтиб келиб, қозилик ва ал-Азҳар университетида мударрислик қилган. 1898 йил “ал-Манар” журнаliga асос солган. 1899 йилдан то умрининг охиригача Миср муфтийи бўлган. Муҳаммад Абду ижтиҳод ҳуқуқини илгари суриб, ҳар бир даврнинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда ислом ақидаларини талқин қилиш зарур деб ҳисоблаган, баъзи урф-одат ва тақиқларни енгиллаштиришни ёқлаб чиққан. Муҳаммад Абду “Тафсир ал-Куръон ал-ҳаким”, “Рисолат ат-тавҳид”, шунингдек, шариат, таълим тизимини ислоҳ қилишга оид 30 га яқин асарлар муаллифи бўлган. У ал-Азҳар

<sup>21</sup> Бу масала “Ал-Ислоҳ” журналида ҳам ёритилган бўлиб, кўпгина мунозара ва баҳсларга сабаб бўлган. Бу ҳақда қараг: 1915 йил, 21-сон. 1916 йил, 4, 10, 12-сонлар.

<sup>22</sup> Мумтоз Эр-Туркун. Жамолиддин Афғоний, Анкара, 1994. –Б. 53.

университетини қайтадан ташкил этиш ва Миср бош муфтийси сифатида фатволар чиқариш орқали ислохотчилик гояларини амалга оширишга интилди.

Мусулмон мамлакатларидаги ислохотчилик жараёнларининг мақсади халқни гарб жамиятига рақобатдош қилиб, жамиятни тубдан ўзгартириш, ислох қилишдан иборат бўлган. Бу мақсад йўлида ҳаракат қилган мусулмон маърифатпарварлари сафига Рифъат-Тахтавий, Сайид Аҳмадхан, Хайриддин ат-Тунисий, Абдуррахмон Кавокибий кабиларни киритиш мумкинки, улар исломни замонавий шароитларга мослаш зарурлигини англаб етганлар. Ислоом модернизмининг етакчилари мусулмон давлатлари ислом цивилизацияси ютуқларини рад этмасдан тараққий этишига ишонганлар. Уларнинг мақсадлари араб давлатларини Европа мамлакатларининг мустамакачилигидан озод қилиш бўлган. Ислоом асосларига зид бўлмаган ҳолда Европа цивилизацияси таъсирида ривожлантириш гояларига эътибор берганлардан Рифъат-Тахтавий (1801–1873) ал-Азхар университетини битирган, Мисрда имом қилиб тайинланган.

“Европа фани ва маданиятини тарқатиш йўли орқали жамиятнинг замонавий эҳтиёжлари билан исломни мослаштириш гоясини мусулмон маърифатпарварлиги орқали олиб чиққанлардан Сайид Аҳмадхан (1817–1898) – Ҳиндистонда мусулмон маърифатпарварлиги асосчиси бўлган. 1864 йилда Сайид Аҳмадхан зодагонлар ҳаракатини маъқуллаб, илмий жамият тузди. Ат-Тахтавий каби, бошқа мусулмон модернистлари ҳам Ислоом кадриятлари ва маданиятига эътибор бермай, Европа цивилизацияси ютуқларини мусулмонлар қабул қилиши фойдали эканлигини таъкидлашган”<sup>23</sup>.

Мана шундай ислохотчилик гояларининг тарғиботчилари Туркистонда ҳам ўз фаолиятларини олиб боришгани маълум. XIX аср ўрталарида яшаб ижод этган Аҳмад Дониш (1827–1897) шундай илгор карашлари билан ном қозонган мутафаккир, маърифатпарварлардан бири бўлган. У Бухорода туғилиб, шу ердаги мактаб ва мадрасаларда таълим олган. Аҳмад Дониш 1857, 1869 ва 1874 йилларда Бухоро элчилари таркибида Петербургда бўлади, Европа маданияти, илм-фани ютуқлари билан яқиндан танишини имкониятига эга бўлиши

<sup>23</sup> Ghannouchi R. Al-Hurriyat al-'Ammah fil-Dawlah al-Islamiah. –Arab Unity Studies Centre. Beirut. 1993. -P. 252.

мутафаккир дунёкарашида катта бурилиш ясайди, ўз таассуротлари асосида у Бухорода мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш лойиҳасини олга суради. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари “Наводир ул-вақое”, “Рисолан мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони мангития” каби асарларида ўз аксини топган. Бу икки асар орқали Аҳмад Дониш ижтимоий тараққиётга гов бўлиб қолган феодал ижтимоий-сиёсий тузум, тартиб ва муносабатларни танқид остига олади. У ўрта аср фалсафасида кенг тарқалган таваккул назариясини танқид этиб, бундай ёзади: “Агар киши таваккулга ишониб, ҳаракат қилмаса, меҳнат қилмаса ва қийинчиликда, камбағаллик билан ҳаёт кечирини ёки мўл-кўлликда яшаш қисматда бор экан, деб айтса, ундай киши хато қилади. Демак, у ақлли эмас”<sup>24</sup>. Бухоро хонлигини Европа мамлакатлари, хусусан Россия билан таққослаган Дониш ўз ватанини иқтисодий, маданий жиҳатдан орқада қолганлигини кўрсатиб беради ва бу колоқликдан чиқиш учун ижтимоий-сиёсий тузумда ислохотлар қилиш зарурлигини тушунтиради.

Мутафаккир ўз ватанини колоқликдан чиқариш йўлларини тинмай излайди. “Киши ўз ватанини ҳимоя қилсагина, ўз халқи билан бирга бўлсагина, – дейди Дониш, – у донмо барҳаётдир”. У Шарқ мутафаккирлари таълимотини ўрганиш билан бир қаторда Фарбда тарқалган ижтимоий-сиёсий таълимотлар билан ҳам қизиқади. Дониш бу таълимотларни қабул қилмаган бўлса-да, буларга бўлган муносабати, орзулари унинг теран фикрловчи мутафаккир эканлигидан далолат беради. Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик ғоялари ўз даври учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Марказий Осиё ижтимоий фикр ривожланиши тарихида муҳим ўрин тутувчи шахслардан бири Сатторхон Абдулғаффаровдир (1843–1901). У 1862 йили Тошкентдаги “Шукурхон” мадрасасини битириб, то 1864 йилгача Чимкент шаҳрида муфтийлик қилади, 1873 йили Чимкентда очилган биринчи рус-тузем мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Шу вақтдан бошлаб умрининг охирига қадар Сатторхон илм-фан, дунёвий билимларнинг толмас тарғиботчиси бўлиб қолади.

<sup>24</sup> Аҳмад Дониш асарларидан келтирилган барча парчалар И.М.Мўминовнинг “Ўзбекистонда XIX аср охирида XX аср бошларида ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан” китобидан олинди. Мўминов И.М. Ташланган асарлар. Биринчи том. –Т., 1969.

Сатторхон Чимкентда икки йил ўқитувчилик қилгач, 1876 йилнинг апрель ойида Қўқон шаҳри қозиси этиб тайинланади. Ўша йилнинг июль ойида Сатторхон Санкт-Петербургда Шарқшунослар Халқаро съездида иштирок этиб, олимлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ҳақида сўзлайди.

1883 йили Сатторхон “Туркистон вилоятининг газети”га таржимон бўлиб ишга киради, Европа маданияти ва билимларини тарғиб этувчи бир қатор мақолалар ёзади. У 1884 йилдан 1889 йилгача Тошкент ўқитувчилар семинариясида ўзбек ва форс тилларидан дарс беради ва маърифатпарварлик фаолиятини изчил давом эттиради. 1889 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси шаҳарлари ўқитувчиларининг съезди ишида фаол иштирок этиб, маҳаллий ёшларни янги мактабларга жалб қилиш, бу йўлдаги барча тўсиқларни тугатиш чоралари ҳақида сўзлайди, чор ҳукумати маъмурларининг айрим тадбирларини хато деб билиб, уларни танқид остига олади ва нислоҳ этиш йўлларини кўрсатади.

“Сатторхон жамият тараққиётини илм-фанда, халққа маърифат тарқатишда деб билди. Унинг фикрича, ҳар қандай жамиятнинг фаровон яшаши учун ақлга мувофиқ билим бўлмоғи зарур. Инсон нима? У нима учун яратилган ва қаерга боради? Унинг бахти нимада? Бу саволларнинг қалити,— дейди Сатторхон,— билимдадир”.

Тарғиботчи илм-фаннинг кишилик жамияти тараққиётини таъминловчи асосий воситалардан бири эканлигини таъкидлаш билан бирга, унга турли миллат ва динларга мансуб бўлган халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи куч деб қаради. Мана шу фикрларга қатъий амал қилган ҳолда Сатторхон ўз халқининг бошқа халқлар, жумладан, Европа билан алоқа қилиши заруриятини уқтирди. “Шу туфайли биз умуминсоний ҳаёт ва илмий тараққиёт иштирокчилари бўлишимиз мумкин”, деган эди.

Сатторхон халқ тақдирини учун қуюнди, уни жаҳолат ва зулмат дунёсидан олиб чиқиш ҳақида қайғурди, жамиятдаги адолатсизликларга нафрат билан қаради ва ўзбек халқининг тараққиёт учун олиб борган курашига ўз хиссасини қўшди.

Маърифатпарвар инсонлардан бири бўлган Исҳоқхон Ибрат ҳам Октябрь тўнтаришига қадар ва ундан кейинги 20 йилдан ортиқ вақт давомида Тўрақўрғон ва Хонобод қишлоқларида халқ қозиси бўлиб

ишладн. Исҳоқхон Иброт 1910 йили қозилик мансабига ўтказилган сайловлар муносабати билан «Туркистон вилоятининг газети»га берган қатор мақолаларида ўғрилик, порахўрлик, зўравонлик билан шугулланувчи одамларнинг қози бўлиб олишларига кенг йўл очиб берган чор ҳукумати қонун-қондаларининг ўз ичига олувчи «положения»лардан қаттиқ норози эканини дадил ифодалайди, халқ тақдирини шундай қабих инсонларга топшириб қўйилишидан афсусланади: «Положенияда 223 инчи бобида зикр қилингандурки, эътибори бор, етти кундан зиёда ҳибс бўлмаган, ўтгуз сўмдан зиёда штраф тўламаган, ёши йигирма бешдан паст эмас одам (қози) бўлар экан. Олим ёки оми, аҳмоқ киши, ё шарнат ҳукмини биладурган ва низом биладурган демаган... Кўрасиз, кимларни(нг) қўлларига бу катта шариат ҳукмини топширадурлар. Фикр-андиша қиладурган киши йўқ. Андиша қиладурган одамни одам ҳисоб қилмайдилар... Положения бобиға мувофиқ эллиқбоши дсган кимгаки шар қўп тушса ани ёзар экан. На қилсунлар, бу хил қилсалар положенияга мувофиқ. Положенияда шариат биладурган мулладан деган эмас экан...»<sup>25</sup>

Туркистонда ислохотчилик XIX асрнинг 80-йилларида Русия мусулмонлари, хусусан, Кавказ ва Волгабўйида ёйилган шу номдаги тараққийпарварлик ҳаракатининг бевосита таъсири ва самараси сифатида юзага келди. Бунда Исмоил Гаспринскийнинг 1883 йилдан чиқа бошлаган «Таржиймон» газетаси ва 1884 йилда очилган «усули жадид» (иккинчи номи – усули савтия) мактаби ҳал қилувчи роль ўйнади. Шунингдек, XIX асрнинг бошларидаги эски мактаб-мадраса тизимидаги норозиликлар, хусусан тараққиётга тўсиқ бўла бошлаган Бухоро мактаб-мадраса тизимини кескин танқид қилувчи А.Курсавийнинг «Ал-Лавойих» («Равшанликлар») ва Ш.Маржонийнинг «Вафиййатул аслаф ва таҳиййатул ахлаф» («Салафлар вафоти ва авлодлар дуоси») номли китоблари маълум аҳамиятга эга бўлди.

XIX аср татар маданияти тарихида катта из қолдирди. Бу асрда ўзларининг қимматбаҳо илмий меросларини қолдирган ажойиб олим, мутафаккир ва маърифатчилардан Абу Наср Курсавий, Шаҳобиддин Маржоний, Хусайн Файзхонов, Қаюм Носирий ва Ризо Фахрутдиновларни келтириш мумкин.<sup>26</sup>

<sup>25</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1910, 21 март, 22-сон.

<sup>26</sup> Хайруллин А.Н., Ш.Марджани и Р.Фахрутдинов /Марджани: ученый, мыслитель, просветитель. –Казань: Татарское книжное издательство, 1990. –С. 57.

XVIII аср охири XIX аср бошларида татар диний ислохотчилик ҳаракатини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин: шаклланиш даври (XVIII аср охири – XIX аср бошлари), Абдурахмон бин Гусман Утўз-Имяни ал-Булгари (1754–1834)<sup>27</sup>, Абу Наср Курсавий (1776–1812) ва тараққиёт босқичи – XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ислохотчилар, яъни, Шаҳобиддин Маржоний мероси ва унинг издошлари билан бевосита боғлиқ<sup>28</sup>.

Абу Наср Курсавий – исломдаги ислохотчилик ҳаракати ва татар маърифатпарварлигининг асосчисидир. У маҳаллий мадрасада сабоқ олгач, XIX аср бошида Бухорога келади ва нақшбандия-муҷаддидия тариқатининг машҳур шайхларидан бири бўлган Ниёзқули ат-Туркманий кўлида таҳсил олади. Бухоро мадрасаларидаги ўқув тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўз дастурини ишлаб чиқади. Ақонд ва калом масалаларида Бухоро уламолари билан тортишиб қолади. У йирик илоҳиётчи олим Саъдадин ат-Тафтазоний (1390 й. в.э.) китобига ёзган шарҳида ўз қарашларини ошқора баён қилади. 1808–1809 йилда Бухоро амири Ҳайдар ҳузурда бўлган уламолар мажлисида ўз қарашларини қатъият билан ҳимоя қилса ҳам, даҳрийликда айбланади ва қисқа муддат тутқунликда сақланади. Бухородаги мударрис устозлари талаби билан озодликка чиқарилади. Курсавий ўз юрти Қозон яқинидаги Юқори Курса қишлоғига қайтиб, маҳаллий мадрасада мударрислик қилади. У ўз қарашларини машҳур “ал-Иршод лил-ибод” рисоласида баён қилган. Маккага ҳаж сафари пайтида Истанбулда вафот этди ва ўша ерда дафн қилинди. Курсавий гоёлари ҳаётлик чоғида унчалик шуҳрат топмади. XIX аср иккинчи ярмида Маржоний асарлари орқали Курсавийнинг ислом илоҳиётчиси ва маърифатпарварлик гоёлари тарқатувчиси эканлиги тан олинди. Туркистонда унинг қарашлари кенг тарқалган ва кўплаб тарафдорлари бўлган.

Ислохотчилик гоёларини Туркистонда кўп тарқатган ислом ислохотчиларидан бири Шаҳобиддин Маржонийдир. У ҳаёти давомида йирик маърифатпарвар ва файласуф, тарихчи ва илоҳиётчи олим, татар халқи илмий тарихининг асосчисига айланди. “1838–1843, 1845–1849 йилларда “Қўқалдош” ва “Мир Араб”, 1843–1845 йилларда

<sup>27</sup> Абдурахмон бин Гусман Утўз-Имяни ал-Булгари – шоир, мутафаккир, олим,

<sup>28</sup> Очерки истории татарской общественной мысли. – Казань: Татарское книжное издательство, 2000. – С. 94.

Самарқанддаги “Шердор” мадрасаларида ўқиди ва дарс берди”<sup>29</sup>. С.Айнийнинг ёзишча, у амр Насрулло таъқибидан сўнг қисқа муддат Самарқандда яшайди. Бухоро ва Самарқандда араб ва форс тилларини пухта ўрганади, шарқ фалсафаси ва тарихи билан чуқур танишади, математика ва астрономия билан шугулланади. У “Кўкалдош” мадрасасининг бой кутубхонасидан унумли фойдаланади. Маржоний Бухорода олим сифатида шаклланди ва Курсавий илмий мероси билан танишди. У Курсавийнинг исломдаги ислохотчилик фаолиятини давом эттириб, Бухоро мадрасаларидаги ўрта асрларга хос ўқув тизимини танқид қилди. Маърифатпарвар Аҳмад Дониш билан ҳамкорликда маърифатпарварлик ғояларини тарқатишда жонбозлик кўрсатди.

Маржоний Бухорода “Мовароуннаҳр машҳур уламоларининг аҳволи ва ишлари” ҳамда Курсавийнинг Бухородаги фаолияти ва маҳаллий ҳокимият билан мураккаб муносабати тўғрисидаги асарини ёзди. Туркистон тарихи ва географиясига оид кўплаб асарлари мавжуд, хусусан, унинг X–XII–асрларда Мовароуннаҳр хонақолари ва тасаввуфнинг аҳволи, бу заминда етишиб чиққан буюк алломалар ҳақидаги тадқиқотлари диққатга сазовор. У 1850 йилда Қозондаги катта жомеъ масжиди имомни, 1867 йилда муҳтасибни этиб тайинланади. Кейинчалик Қозон татар ўқитувчилари мактабида дарс беради (1876–1884), Қозон университети ҳузуридаги “Археология, тарих, этнография жамияти” аъзоси бўлган.

Маржоний ўзининг фалсафа ва илоҳиётга онд асарларида диний ислохотчилик ва маърифатпарварлик ғояларини ривожлантирди. 30 дан ортиқ йирик асарлар яратди<sup>30</sup>, булардан бир қанчаси чоп эттирилган<sup>31</sup>, 7 жилдли “Вафийят ал-аслаф ва тахийят ал-ахлаф”<sup>32</sup>, 2 жилдли

<sup>29</sup> Ибрагимов Т.К., Султанов Ф.М., Юзеев А.Н. Татарская религиозно-философская мысль в общемусульманском контексте. – Казань: Татарское книжное издательство, 2002. – С. 126.

<sup>30</sup> Абдуллин Я.Г. Марджани и его место в истории общественной мысли // Марджани: ученый, мыслитель, просветитель: Тез. докл. науч. Конф. – Казань: Татарское книжное издательство, 1990. – С. 9

<sup>31</sup> Қаранг: Маржани Ш. Хакк ал-маърифат ва Хусн ал-идрак. – Казань, 1880.; Назурат ал-хакк фи фардифт ал-аша ва ан лям яғибш-шафак. – Казань, 1870.; Хакк ал-баян ва-т-таъсир ли-масалат худус алам ал-амр ва-т-тақдир. – Казань, 1888.; Би-т-тарикат ал-мусли ва-л-ақидат ал-хусна. – Казань, 1980.

<sup>32</sup> Қаранг: Маржани Ш. Муқаддима китаб вафийят ал-аслаф ва тахийят ал-ахлаф. – Казань, 1883.



“Мустафод ал-ахбар фи ахвали Козон ва Булғор<sup>33</sup>” асарлари шулар жумласидандир. Ингирма икки йил мобайнида юзга яқин шогирд етиштирди. Ҳаттоки, Исмоил Гаспринский устози Маржоний ижодидан самарали таъсир олгани ҳақида кўп ёзгани ҳам бежиз эмас. Курсавий, Маржоний, Аҳмад Донишларнинг ислом динини ислоҳ қилиш ва маърифатпарварлик гоялари кейинчалик жадидчилик ҳаракатини вужудга келишида муайян даражада хизмат қилди.

“Ал-Ислоҳ” журналида Шаҳобиддин Маржонийнинг таржиман ҳоли ва фаолиятига бағишланган мақола берилганки, унда маърифатпарварнинг таржиман ҳоли ва асарлари ҳақида батафсил маълумот келтирилади. Мақолада жумладан куйидаги сатрларни ўқиб мумкин: “Ислом уламоларининг дини исломга буюк хизмат қилганларидан бири, албатта, домла Шаҳобиддин Маржоний жаноблари бўлса керак. Чунки, бу зот душман ва ҳасадчиларнинг ҳар қандай сўзларига сабр қилиб, асло хизматларини камайтирмадилар. Энди у зотнинг таржиман ҳоллари ҳақида мухлисона сўз ёзишга мажбур бўлдим... У зот тақлид сарфини мақбул кўрмай таҳқиқ билан сўзлаганлари сабабли, мўътазиллий зиндик (кофир) деб ҳукм қилганлар. Аммо Мулла Муҳаммад Абдулҳай, Мулла Сиддик Ҳасанхон, Мулла Абдулатиф, Мулла Муҳаммад Мурод Ал-Маккий, домла Олимжон ал-Борудий, Ризоуддин ва Мусобеклар у зотни муҳаққиқ, мужаддид деб ҳукм қилганлар. Мен ҳам у зотнинг кўпгина китобларини мутолаа қилиб чиқдим. Ҳаммаси мақбул бўлди...”<sup>34</sup>.

Шаҳобиддин Маржонийнинг шогирдларидан бири бўлган Хусайн Файзхонов 1826–1866 йилларда яшаган. У Қозон университетидан Шарқ тилларидан дарс берган, 1853 йилдан бошлаб Петербургда яшай бошлайди ва бир оздан кейин Императорлик Археология жамиятига аъзо этиб сайланади. Қадимий қабр тошдаги булғорча ёзувни тадқиқ қилиш асносида эски булғор тилининг чуваш тили билан бир илдиздан келиб чиққанини исботлаб беради. Устози Маржоний билан ҳамкорликда миллий маданият самараларини тадқиқ этади. “Ислоҳи мадорис” номли

<sup>33</sup> Қаранг: Маржани Ш. “Мустафод ал-ахбар фи ахвали Козон ва Булғор”. –Казань. 1889.

<sup>34</sup> Абдугофур Тухурий. Шаҳобиддин ал-Маржоний хазратлари. //Ал-Ислоҳ, 1916, 21–сон.

рисоласида мадрасаларда дунёвий фанларни ўқитиш, европача тизимли лицейларни очиб зарурлиги ҳақида фикрларни илгари суради<sup>35</sup>.

Россиядаги ислохотчиликнинг яна бир намоёниси Олимжон Баруди (1857–1921) эди. У 1906 йилда “Ад-дин ва ал-адаб” газетасининг муҳаррири бўлиб ишлайди<sup>36</sup>. Олимжон Баруди 1875–1882 йилларда Бухородаги “Мир-Араб” мадрасасида ўқийди ва таълим-тарбия дастури асосларини ишлаб чиқади.

Ислохотчилардан Ж.Афгоний, М.Абду, А.Курсавий, Ш. Маржонийларнинг тарафдори ва ихлосманди Ризоуддин Фахриддин (1859–1936) бўлган. Ризоуддин Фахриддин ўз фаолиятини хотин-қизларни таълим олишга чақириш, маърифий ислохотчилик ҳақидаги асарлари билан бошлади. У жадидчилик, ислохотчилик ғоялари асосида татар тилида 5 та ўқув-услубий китоб<sup>37</sup> ёзади, 1886 йилда Ш.Маржоний билан учрашгани Қозонга боради, машҳур мусулмон ислохотчиси Жамолиддин Афгоний билан эса Петербургда учрашади. Ризоуддин Фахриддин Афгонийнинг қуйидаги сўзларидан таъсирланади: “Мусулмон шариятини тозалаш ва яхшилашда бизнинг асосий вазифамиз – мусулмон бўлмаган халқлардан намуна олиш керак. Ислום уммати эса бундай вазифани бажаришга ҳали тайёр эмас”<sup>38</sup>. Ризоуддин Фахриддин бу сўзлар моҳияти мусулмонлар замонавий билимларни ўзлаштириши лозимлиги ҳақида эканлигини тушунди.

1851–1914 йилларда яшаган Исмоил Гаспринский Россия жадидчилиги ҳаракатининг раҳнамоси эди. Туркистонда XIX асрнинг охири – XX аср бошларида кўзга ташланган янгиланиш ҳаракати, ислохотчилик ғоялари кўп жиҳатлари билан шу номга, унинг 1918 йилгача чиққан “Таржимон” газетаси билан боғлиқдир. Шу боис унинг ижодий фаолияти, айниқса, маслак ва интилишлари билан танишиш Туркистон ислохотчилиги ғояларининг шаклланиши, жадидчилик ҳаракатининг мазмун-моҳиятини англашда, йўналишларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Гаспринский Шарқ халқлари маънавий ҳаётида,

<sup>35</sup> Қаранг: Хабутдинов А.Ю. Хусайн Фаизханов: у истоков общественного движения мусульман-татар. –Н.Новгород, 2006.

<sup>36</sup> Қаранг: Хабутдинов А.Ю. Лидеры нации. –Казань: Татарское книжное издательство, 2003. –С. 53–60.

<sup>37</sup> “Китабет-тафсир”, “Китабель-игътибар”, “Хадиятель-ляхфан”, “Ат-тахрир аль-мусаффа”, “Тэрбияле бала”.

<sup>38</sup> Хабутдинов А.Ю. Российские муфтии от екатерининских орлов до ядерной эпохи (1788–1950). –Нижний Новгород: Медина, 2006. –С.45

хусусан, мактаб-маориф ишида чинакам инкилоб ясаган, “усули жадид” номи билан тарихга кирган жадидчиликни бошлаб берди. Гаспринский 1893 йилда Туркистонга келади<sup>39</sup>. Самарқандликлар тезда “усули жадид”ни йўлга қўйиб, иш бошлашди. Унинг Туркистонга иккинчи сафари 1908 йилга тўғри келади. Сафар тафсилотлари “Бухорода на кўрдим?” сарлавҳаси билан “Таржимон”нинг ўша йилги 47, 50, 57–59, 64, 78 сонларида босилган. Гаспринский фақат мактаблар эмас, мадрасалар ҳам ислоҳ қилиниши лозим, имкон бўлса, янги замонавий олий ўқув юртлари – университетларни қуриш керак, деган фикрга 1885 йилдаёқ келган эди.

Шундай қилиб, у XX аср Шарқнинг машҳур ва тараққийпарвар ҳаракатига – жадидчиликка асос солди. Гаспринский барча туркий халқларни яхлит, ягона миллат деб билди. Уларни ҳам илм-маърифатда, ҳам ҳақ-ҳуқуқ бобида дунёнинг тараққий қилган миллатлари билан тенг кўришни орзу қилди. Вазиятни ўзгартириш учун уни англатиш керак, бунинг учун эса минбар зарур. “Таржимон” мана шундай зарурият туфайли юзага келди. “Миллатнинг икки асоси бор: тил бирлиги, дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўқотиш учун шуларнинг биттаси бузилиши кифоя”, дейди Гаспринский<sup>40</sup>. 1885 йилда унинг “Оврўпо маданиятига бир назарни мувозана”<sup>41</sup> деган кичик рисоласи босилиб чиқди. “Маданияти исломия”, “Туркистон уламоси” китоблари ва қўплаб насрий асарлари мавжуд. Гаспринский Туркистон халқларининг бой маънавий меросини Россия мусулмонлари орасида янгилашиш ва ислоҳотчилик ҳаракатлари учун маънавий асос деб билади. Айни пайтда, бутун вужуди билан Туркистон учун нажот йўлини излайди ва буни ислоҳотда кўради. Шунга кўра, унинг қарашлари ҳам Туркистон билан бевосита боғлиқ эди. Шу боис бу қарашлар Туркистонда ёйилиб, туркистонлик тараққийпарвар зиёлилари учун дастуруламал вазифасини бажарди.

<sup>39</sup> Бу сафар таассуротлари Гаспринскийнинг мақолаларида (“Машинали мактаб”–бу ҳақида қаранг: Бурҳон Шараф. Абдулгани Ҳусайиновнинг таржиман ҳоли ҳам Ҳусайиновлар фирмасининг тарихи, Оренбург, 1913; Мажид Ғанизода, “Таржимон” г., 1906, 15–сон ) ёритилган.

<sup>40</sup> Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Тошкент: Маънавият, 2004. –Б. 228.

<sup>41</sup> Европа маданиятига бетарафона бир назар. Рисола бир оз қисқартиришлар билан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг 1996 йил 4–сонни (26 январь)да босилган.

Шундай қилиб, юқорида номлари зикр этилган зиёлиларнинг аксарияти Бухоро, Самарқанд ёки Хива мадрасаларида таҳсил кўриб, Марказий Осиё ҳудудларида пайдо бўлган муайян бир ислоҳот йўлини туттишган эди. Уларга ўрта асрларда яшаб ижод этган мутафаккирларимизнинг асарлари қанчалик маънавий озуқа берган бўлса, ўз навбатида ўзлари илгари сурган гоёлар ҳам шунчалик Туркистон ислоҳотчи ҳаракатига қатта таъсир кўрсатди.

## **1.2. ТУРКИСТОНДА ИСЛОҲОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Марказий Осиё минтақаси ижтимоий ривожланишининг туб бурилиши босқичида ислоҳотчилик ҳаракати юзага келди. Маҳаллий ватанпарварларнинг мустамлака Туркистонда инқирозли ҳолатни, ўлқанинг умумжаҳон жараёнларидан тобора ортда қолаётганини, туб аҳолининг эркпарварлик ҳаракатларига кескин зарба берилаётганини ҳамма жойларда бостирилишини, маънавият соҳадаги тургунликни идрок этишлари жамиятни атрофлича ислоҳ этиш керак деган гоёнинг юзага келишида туртки бўлди.

Бирок бу ислоҳотчилик ҳаракати тарихий мураккаб йўлни босиб ўтди. Ислоҳотчилик жамият ривожланишининг истикболларига оид турли фалсафий фикрлар ва дунёқарашларнинг тўқнашув майдонига айланди. Бу ижтимоий ривожланишнинг асосий масалалари ва энг аввало, мустамлакачиликнинг асосларини бузиш гоёсини концептуал жиҳатдан идрок этишда кўринди.

Биринчи босқичда мазкур ҳаракат иштирокчилари асосий эътиборни бутун ижтимоий тизимни ўзгартиришдан кўра, маънавият соҳасини янгилашга қаратдилар. Ислоҳотчиларнинг асосий қисмини ташкил этган жадидлар янги усулдаги мактабларни очиш, газеталар чиқариш, табиий фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш, ғарб техника ва технологиясини ўрганиш заруриятини, Европа маданияти ютуқларидан фойдаланишни тарғиб этиш орқали миллий дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш, миллий ўзлиқни англашни юксалтиришга замин яратдилар.

Туркистонда дастлабки ислоҳот гуруҳлари XIX аср охирида юзага келди. Ислоҳотчиларнинг таниқли вакиллари миллий зиёлиларнинг

Ўзагини ташкил этган кишилар эди. Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Аҳмад Заки Валидий, Тошпўлат Норбўтабеков, Абдурауф Фитрат ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ислохотчилик бошланғич босқичида кўпроқ мусулмон мактаблари ислохоти ва европача таълим унсурларини киритишни кўтариб чиққан тор даражадаги маданий-маърифий жадидчилик ҳаракати сифатида шаклланди. Дарҳақиқат, жадидлар ҳаракатининг дастлабки йилларидаги мафқураси ҳали миллий озодлик учун кураш вазифаси билан бевосита боғлиқ эмасди. Шунга қарамай, у илк йилларданоқ миллий уйғониш учун шарт–шароитлар ҳозирлаш, Ўрта Осиё халқларини жаҳон цивилизацияси ютуқлари билан ошно этишга қаратилган эди.

Бу ҳаракат ташаббускорлари Туркистон халқларининг боши берк кўчага кириб қолганликларидан чуқур ташвишга тушдилар. Ҳам чоризм, ҳам маҳаллий амалдорларнинг иккиёклама зулми остида қолган кенг омманинг беҳад қашшоқлиги, дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларидан ҳаддан зиёд ортда қолганлиги, маданий қолоқлик, фикрлашдаги турғунлик жадидларда нҳтимоний тараккиётни тезлаштиришнинг амалий воситаларини излаш фикрини уйғотди.

Юзага келган шароитларда илғор мусулмон зиёлилари ўлқанинг истибодод занжирига тушишининг, мамлакат қоқоқлигининг асосий сабабини халқнинг маърифий қоқоқлигида деб билдилар. Шу боис жадидлар таълимни ислох қилишни дастлабки босқичдаги асосий масала қилиб қўйишганди. Улар бу борада нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий томондан ҳам кўп куч-ғайрат сарфлашди. Жадидлар янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар, ўқув заллари очишди, дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзишди. Жумладан, ўлка ҳудудида янги усулдаги мактаблардан дастлабкиси 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла томонидан ташкил этилган. Ўша йили жадид мактаби Тўқмоқда ҳам очилган. 1899 йилда Маннон қори Тошкентда ва Шамсиддин домла Андижонда янги усулдаги мактаблар очишган.

1900 йилдан бошлаб Туркистонда янги усулдаги мактаблар тармоғи изчил равишда кенгая борди. Шу йили таникли мутафаккир, журналист ва педагог Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли янги усулдаги “Намуна” номли ўзбек мактабини ташкил этди, уни ўзи бошқарди ва дарс берди. У қисқа муддатда жуда машхур бўлиб кетди. Бу мактабнинг

самарадорлиги шу қадар юқори эдики, бу ҳол бошқа жойларда ҳам шундай ўқув юртларининг ташкил этилишига туртки бўлиб хизмат қилди. 1903 йилда Маҳмудхўжа Бехбудий Самарканд яқинидаги Жомбой деган жойда ўз маблағи ҳисобидан мактаб очди. Ҳожи Муин ва Абдуқодир Шақурий каби машҳур маърифатпарварлар у билан бирга дарс беришган.

Ислоҳотчилар фаолиятининг бошқа йўналиши маърифат гоёларини оммавий тарғиб этишда кўринди. Бироқ чор цензурасининг зўравонлиги, маъмурий тақиклар оқибатида бу борадаги ишлар аср бошларида чекланган эди.

Бошланғич даврдаги ислоҳотчилик ҳаракатининг маърифатпарварлик йўналишида бўлганини қайд этган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, жадидларнинг “маърифат” гоёси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва кўп қиррали бўлди. Унда ҳозир ҳам долзарб саналувчи тарихий вазифалар бўлмиш дининг маънавий камолатни такомиллаштирувчилик хусусияти, бозор ва ҳуқуқий маконни шакллантириш жараёнларини кучайтириш, демократик муассасаларни юзага келтириш, ўзига хос миллий ривожланиш йўлини ишлаб чиқиш қабилар жамлангани.

Таълим ислоҳоти ҳақидаги талаблар моҳиятан илк жадидлар мафкуравий қарашларининг умумий жиҳатини ўзида ифода этган. Улар ўша пайтдаёқ Туркистон жамиятини тадрижий ислоҳ этиш бўлгуси моделининг кўпгина муҳим гоёларини ўз фаолиятларида намоён этишганди.

Агар илк ислоҳотчилар назарий қарашларига тарихий нуқта назардан қаралса, уларнинг бундан кейинги бутун мафкураси асосларини ташкил этган бир неча муҳим қоидаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. **Биринчидан**, маърифатпарварлар халқни маърифатли қилмасдан, кенг оммани рус ва жаҳон маданияти ютуқларига ошно қилмасдан, Туркистоннинг тараққий эта олмаслигини тушуниб етдилар. Улар халқнинг турмуш шароитини яхшилаш учун мустамлака зулми ва оғир мажбуриятлардан халос бўлиш, маънавий эркинликка эришиш зарур, дея тўғри фикр юритишди. Улар ўз асарларида ҳокимиятнинг қонунсизлик ва порахўрлик, ҳаддан зиёд оғир солиқлар каби зулмкорлиги кўринишларини аямай танқид қилишди. Ислоҳотчилар мустамлака Туркистонни маҳаллий маъмурияти вакилларининг сайлов тизимини қоралашди, чоризмнинг солиқ сиёсатига норозилик билдиришди.

**Иккинчидан, ислоҳотчилик ҳаракатининг йўлбошчилари тарихий тараққиётни тезлаштиришни, исломни янгилаш, маданий бозор маконининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини яратишни шакллантириши билан чамбарчас боғладилар.**

Европа ва Россиянинг кўпгина маърифатпарварларидан фарқи ўларок, Туркистон маърифатпарварлари динни рад этишмади, чунки, улар атеист эмасдилар. Аксинча, улар исломни ижтимоий тараққиётга эришиш учун мусулмонларни бирлаштирувчи муҳим омил, ўлка халқларини юксак ахлоқийлик, ватанпарварлик, дўстлик, биродарлик, инкирозли аҳволдан чиқишдаги курашда жипслаштирувчи куч сифатида саклаб қолиш тарафдорлари бўлиб чиқишди.

Ислоҳотчилар ислом динида маънавий юксалишнинг муҳим воситасини кўрдилар. Улар учун исломни янгилаш фан ва илғор технология ютуқларини эгаллашда, илк даврдаги мусулмон дини ақидалари ва замонавий шароитларни ҳисобга олиш билан чамбарчас боғлиқликда кўринди.

Биринчи босқичда ислоҳотчилик ҳаракатининг йўлбошчилари қотиб қолган диний таълимга қарши чиқишди, янги усулдаги таълим учун курашишди. Бироқ, уларнинг исломни ислоҳ қилиш мафқураси ривожлана бориб, анча чуқур мазмун ва ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари билан ўзаро алоқадорлик касб эта борди.

Жадидлар дунёвий таълимни фаоллаштиришга интила бориб, анъанавий таълим ислоҳоти, янги усулдаги мактаблар ва театр труппаларини яратиш, ҳар бир мусулмоннинг банк ва молиявий капиталнишида иштирок этиш имконияти тарафдорлари бўлиб, математика, география, грамматика ва бошқа фанларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришдаги алоҳида аҳамиятини тан олишди.

Ислоҳотчилик илғор эстетик ва маънавий - иқтисодий ғояларни ўзига жамлади ва инсоннинг қонунчилик асосида таъминланган сўз матбуот, виждон, шахс дахлсизлиги эркинлигини ҳимоя қилди.

Маърифатпарварлар ўз халқини маърифатли ҳолда кўришни истидод ҳар қандай қуллик, хурофотга берилиш, миллий биқикликдан озод бўлишга интилди. Улар ўз фаолияти бошларидаёқ Туркистон аҳолисига жаҳон цивилизацияси ютуқлари билан ошно бўлишнинг ўз йўлини таклиф этдилар. Бу йўл миллий ва диний-маънавий кадрятлардан во

кечмиш эмас, балки, аксинча, улар асосида, бундан кейинги ривожланиш ва тараққиётга ҳалақит берувчи эскирган ақида ва хурофотлардан тозаланиш ва ўзгаришлар йўлига секин - аста, зўравонликларсиз ўтишни таклиф этди.

Ислоҳот гоёлари аҳолининг турли қатламлари орасида қизгин қарши олинди. XX аср бошларидаёқ ислоҳотчилик ҳаракати Туркистоннинг йирик шаҳарлари - Тошкент, Самарқанд, Кўкон, Андижон, Наманган, Маргилон, Каттакўргонда кучли мавқега эга бўлди.

Ислоҳотчилик ҳаракатининг ташкилий ва мафкуравий ривожланишига биринчи рус инқилоби сезиларли таъсир кўрсатди. 1905-1907 йилларда жадидлар қарашларида сиёсий қирралар орта бошлади, улар муҳитида кескин чора - тадбирларни амалга оширишга интилиш кучаяди. 1905-1907 йиллардаги Россия инқилоби даврида Туркистонда жадидчилик ҳаракати ташкилий ва гоёвий жиҳатдан чиникди.

Ислоҳотчиликнинг фаоллашуви муҳим кўрсаткичи сифатида наشريёт, хусусан, матбуот фаолиятининг кескин жонланганлигини кўриш мумкин. Туркистон жадидларининг биринчи миллий газетаси 1906 йил 27 июнда “Тараққий” номи билан чиқди, унга таниқли жамоат арбоби Исмоил Обидов (Габидов) муҳаррирлик қилди.

“Тараққий” билан бир қаторда Тошкентда туркистонлик жадидларнинг 1906 йилда “Хуршид”, 1907 - 1908 йилларда “Шухрат”, “Тужжор” газеталари чиққан. “Хуршид” ва “Шухрат” газеталари Туркистонда ислоҳотчилик ҳаракатининг бўлғуси йўлбошчиларидан бири Мунаввар қори, “Тужжор” газетаси эса тошкентлик йирик бой Саидқаримбой Саидазимбой ўгли томонидан нашр этилди.

Туркистонда бундан кейин бир қатор жадид газета ва журналлари - “Осиё”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Ойна”, “Эл байроғи”, “Турон” ва бошқалар пайдо бўлди. Жадидларнинг бу босма нашрлари 1905 йилда Россия Конституцияси юмшатирилган цензурани қабул қилгандан сўнг юзага кела бошлади. Уларнинг кўпи қисқа муддат ичида чиқса-да, ислоҳотчилар тафаккурини тарқатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ислоҳотчиларнинг янги шароитлардаги фаолиятлари бир неча йўналишлар бўйича кечади. Маърифатпарварлик устивор йўналишлардан бири сифатида қолади. Жумладан, улар чор тузумининг зулми нисбатан юмшаган шароитда янги усулдаги мактабларни ташкил этиш



бўйича куч-гайратларини сезиларли даражада кучайтиришди. 1910 йилга келиб бундай мактаблардан ўлканинг турли жойларида 50 га яқини ташкил этилди. Тошкент ва Кўкон жадид мактабларининг йирик маркази бўлиб қолди<sup>42</sup>.

“Диний ва дунёвий таълим интеграциясида жадидларнинг роли жуда катта эди. Жадидчиликни икки bosқичга бўлиш мумкин: 1880-1905 йиллар – анъанавий диний таълимни ислох қилиш даври, 1905-1917 йиллар – турк-татар халқларини таълим масаласида европалаштириш билан боғлиқ маърифатпарварлик фаолияти”<sup>43</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларида шаклланган жадидлар ҳаракатига ҳам бу гоёлар катта таъсир кўрсатди. Бинобарин, жадидлар ўз фаолиятида маълум даражада ислом ислохотчилиги гоёларига асосланганлар, улар янги усулдаги мактаблар ташкил қилишда, маориф ва тарбия соҳасида ислом принципларини янгича талқин қилиш йўлидан борганлар.

“XIX аср охири – XX аср бошлари диний таълим доирасида ислохотлар ўтказиш асри бўлди”<sup>44</sup>.

XX аср бошларида Россиядаги мусулмон мактабларининг буюк ислохотчиси ва (1883 йилдан Қримда чиқа бошлаган) “Таржимон” газетаси ташкилотчиси Исмоил Гаспринскийнинг номи бутун Шарққа машҳур бўлиб кетган. У Богчасаройда эски мактабларнинг мураккаб ўқиш усулига нисбатан енгил кироат усулига асосланган янги мактаб очиб, унда ўзи дарс берган, дарсликлар ёзган, чоризмнинг Шарқдаги сиёсатини фош қилувчи ўткир асарлари билан Туркистон жадидлари етакчилари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Тавалло, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқалар дунёқарашига катта таъсир ўтказган, унинг фаолияти янги усул мактабларининг вужудга келишида туртки бўлган.

Туркистон жадидларининг етакчиларидан бўлган Мунаввар қори Абдурашидхонов сўнгги уч аср давомида вужудга келган, рус

<sup>42</sup> Ўз МА. ф. 12/с-Туркистон район мухофаза бўлими; т. 1021, л. 18.

<sup>43</sup> Хабутдинов А.Ю. Воспитание личности мусулманина в системе джадидского образования в медресе/ Система мусульманского религиозного образования у татар: история, проблемы, перспективы: Сборник материалов научно-практической конференции. 13 октября 2004 г. –Казань, 2005. –С. 24.

<sup>44</sup> Мухаметзянов А., Миннуллин И. Трансформация институтов мусульманской общины Татарстана (1920 – 1930-е годы). –Нижний Новгород: Медина, 2008. –С. 23.

истибдоди туфайли янада чуқурлашган маданият таназзули ҳосиласи бўлмиш миллий жаҳолат ва гафлатни йўқотиш учун биринчи навбатда маорифни қайта тиклаш ишига киришди. У 1901-1904 йилларда қримлик дўсти раис Расм Кешод ёрдамида Тошкентдаги ҳовлисида «усули савтия» мактабни очди. Бундай мактаблар тармогини кенг қулоч ёйдиришда қалдирғоч бўлган унинг «Намуна» мактаби катта шуҳрат қозондики, мустамлака маъмурияти ҳам бу ҳолдан ташвишга тушди. Чунки, янги усул мактабларни руслаштириш сиёсатининг томирига болта урарди. Империя Ички ишлар вазирлигининг 1900 йил 31 декабрда Тошкентдаги махфий цензори Н.П.Остроумовга юборган кўрсатмасидан ана шундай таҳлика сезилади. Ички ишлар вазирлигининг полиция департаменти Туркистонда маҳаллий халқлар ўртасида янги усулдаги мактаблар очиш ҳаракати бошланиб, бу ҳақда матбуотда турли мақолалар эълон қилинаётгани, шу боис Туркистон бўйича мақола ёзиш, мактаб очиш ва дарс бериш ишида қатнашаётган барча шахслар ҳақида мукамал маълумот тўплаш, шахсан Ички ишлар вазирига маълум қилиш учун зудлик билан полиция департаментига юбориш вазифаси Остроумов зиммасига юклатилганлигини маълум қилгани бежиз эмас эди, албатта. Жадидлар чоризм мустамлака сиёсати стратегиясига жиддий заифлантирувчи ўзгаришлар қилишга қодир ватанпарвар сиёсий куч сифатида айна шу пайтда XX аср бошида тарих сахнасига чиқа бошлади.

1917 йил Феврал инқилоби бошларига келиб чор ҳукумати томонидан Туркистонда 4 мингдан ортиқ бола ўқийдиган 100 га яқин янги усулдаги мактаблар рўйхатдан ўтказилган, шулардан: 39 таси - Сирдарё, 30 - Фарғона, 18 - Еттисув, 5 - Самарқанд вилоятларида жойлашган<sup>45</sup>. Уларнинг ҳаммаси хусусий маблағлар ҳисобига фаолият юритган. Ўқиш пуллик бўлган, унинг миқдори ойига 50 тийиндан 3 сўмгача эди.

Янги усулдаги мактаблар хусусий ташаббус билан юзага келган, бино ва маблағлар билан таъминланмаган бўлишига қарамай, маҳаллий аҳоли рағбатини қозонди ва шу қадар оммавийлашиб кетдики, ота - оналар рус-тузем мактабларидаги бепул ўқишдан кўра янги усул мактабларидаги тўловли ўқишни афзал кўрди.

<sup>45</sup> Ўз МА, ф. И-47, оп. 1, д. 955, л. 230.

Янги усулдаги мактабларда саводга ўргатиш овоз чиқариб ўқиш усули бўйича олиб борилди. Туркистоннинг таниқли маърифатпарварлари томонидан тузилган янги дарсликлар чоп этилди. Сандрасул Сандазизовнинг «Устоди аввал», Мунаввар қорининг «Адиби аввал», Абдулла Авлюнийнинг «Биринчи муаллим», Рустамбек Юсупбековнинг «Таълими аввал» дарсликлари шулар жумласидандир.

Туркистонда ислохотчилик гоёларининг кенг тарқалиши, чархланишида Волгабўйи матбуотининг роли катта бўлди. Хусусан, татар матбуотининг қизғин пайти 1905 йилдан кейинги даврга тўғри келади. “1905–1907 йилларда татар тилида расман 33 та матбуот (21 та газета, 12 та журнал) нашрдан чиққан”<sup>46</sup>. “Татар тилида газета чиқаришга 1809 йилдан ҳаракат бошланган бўлса-да, чор ҳукумати бунга узоқ вақт йўл бермай келди. Биринчи татар романи “Хисамуддин мулла” (1886)нинг муаллифи Мусо Оқйигит (1864–1923) Туркияга бориб (1888) “Мулкия” номли ўқув юртида ўқиган ва шу номда газета чиқарган”<sup>47</sup>.

1900–1908 йилларда Петербургдаги татар зиёлилари “Миръот” номли журнал чиқардилар. Комил Муттий (1883–1940) Уральскда 1904 йилда “Ал-аср ал-жадид” (“Янги аср”) журнални чоп этди. Татар тилидаги биринчи газета 1905 йилнинг 2 сентябрида Петербургда нашр этилган “Нур” газетаси бўлиб, 1914 йилгача чиқиб турган. Муҳаррири Атаулло Боязидов бўлиб, унда таниқли адиб Шариф Камол ва журналист Кабир Бакирлар ишлаган. Шариф Камол (1884–1942) машҳур ўзбек журналисти Мирмуҳсин Шермухамедов (1895–1929) билан 1918–1919 йилларда “Ишчлар дунёси” газетасида бирга ишлашган. Кабир Бакир (1885–1944) 1917 йил Феврал инкилобидан кейин Тошкентга келди ва “Улуғ Туркистон” газетасини нашр этди.

1905 йил 17 октябрда сўз ва виждон эркинлиги ҳақида Россия Императори Манифести эълон қилиниши билан газета-журналлар бирин-кетин майдонга чиқа бошлади. Манифест эълонининг 12-қунида, (1905 йилнинг 29 октябрида) “Қозон муҳбири” чоп этилди, газета муҳаррири Сандгирей Алкин (1867-1919), асосий иш юритувчиси – котибн туркчилик, исломчилик гоёси асосчиларидан бўлган Юсуф

<sup>46</sup> Амирханов Р.У. Татарская демократическая печать (1905–1907). –М., Наука, 1988. –С. 10.

<sup>47</sup> Гайнуллин М.Х. Татарская литература XIX века. –Казань, 1975. –С. 198–200.

Ақчура эди. 1906 йилнинг 5 январида Петербургда “Улфат” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. 1906 йилнинг 15 январида Қозонда “Юлдуз” газетаси дунё юзини кўрди ва анча вақт чикиб турди, фақат 1918 йилнинг 21 июнида советлар томонидан тўхтатилди, муҳаррири Аҳмад Ҳодий Мақсудий (1868–1941) бўлган. 1906 йил 1 февралдан “Озод” газетаси нашр этила бошлади, расмий муҳаррири Абдулла Апанаев (1862–1919) ҳисобланса-да, асосий ишни Алиаскар Камол (1879–1933) олиб борди. Қозонда 1906 йил 31 мартда “Баёнлуҳак”, 18 майда “Тонг юлдузи”, 4 июнда “Озод халқ” газеталари нашрдан чиқа бошлади”<sup>48</sup>.

1906 йил 21 февралдан Оренбургда таникли адиб Фотих Каримий (1870–1937) муҳаррирлигида “Вақт” газетаси иш бошлади. Газета қисқа вақт ичида шуҳрат топди. Унинг яқин ҳамкорларидан бири таникли дин ва маданият арбоби Ризоиддин Фахриддин (1858–1936) эди. “Вақт” газетаси 1918 йилнинг 26 январигача давом этди, унинг 2309 сони чиқди. “Вақт” Туркистон ҳаётига катта эътибор берди, ўз қардошларининг маиший турмушидан то ижтимоий-сиёсий аҳволига қадар кенг ёритиб борди. Туркистон ўлкаси шаҳарларида газетанинг Кабир Бакир, Аҳмаджон Бектемиров, Нуриддин Сайфулмулуков, Маҳмуд Будайли каби кўплаб мухбирлари иш олиб борди.

Бундан ташқари, ўлкада юз берган турли ходисалар муносабати билан Бурҳон Шараф (1910 йил Бухородаги шиа-сунний жанжали), Шаҳид Муҳаммадёров (1916 йилдаги мардикорликка олиш воқеалари) сингари таникли қалам эгалари Туркистонга келиб туркум мақолалар уюштиришди. “Идора” номидан “Сайёҳ”, “Бир мусофир”, “Самарқандий”, “Бухороли”, “Қардош”, “Мухбир” имзолари билан ёки умуман ҳеч нарса қўйилмасдан бир қанча мақолалар чоп этилди. Мақолаларда Туркистон ҳаёти акс эттирилган бўлиб, жумладан, “Вақт” газетасида Йўлдош ўғли исмли муаллиф “Туркистон тупроқлари” номли мақоласида Россия мустамлакачилик сиёсатини танқид қилади. Муаллиф яқин 20–30 йил ичида Туркистоннинг ички Россияга айланиб қолишидан, туркистонликларнинг эса гафлат уйқусидан ҳануз уйғонмаганлигидан ташвишга тушади. “Лекин, нечиккина бўлса-да, Туркистонни қутқарувга тиришув лозимдур, –деб ёзади Йўлдош ўғли, –

<sup>48</sup> Амирханов Р. Татарская дореволюционная пресса (в контексте “Восток – Запад”). –Казань: Татарское книжное издательство, 2002. –С. 46.

ул тирилса, Русия мусулмонлари учун ишончли бир асос бўлажак. Мусулмонлар керак чоғда анга таяна олажақдир”<sup>49</sup>.

“Вақт” газетасида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Фарёди Туркистон” (1907, 132-сон), “Дума ва Туркистон мусулмонлари” (1907, 239-сон), Абдуқодир Шакурийнинг “Туркистонда мактаб ва тарбия” (1907, 147-сон) ва бошқа туркистонликларнинг мақолалари босилди. Хусусан, Бехбудийнинг мақоласида илм ва маорифнинг ночор аҳволи, порахўрликка асосланган иш-идора усуллари кескин танқид қилинади.

Қозон шаҳрида “Ал-Ислох” номи демократик ёшларнинг газетаси<sup>50</sup> нашр этилган бўлиб, 1907 йил 3 октябрдан 1909 йил 22 июлга қадар жами 68 та сони чиққан. Кейинчалик худди шу ном билан 1915–1918 йилларда Тошкентда ҳам журнал чоп этирилди.

Газета-журналлар биргина йирик марказий шаҳарлардагина эмас, Уральскда 1906 йил 1 июндаги “Ўқлар” журнали, Астраханда 1907 йил 7 сентябрдаги “Идил” газетаси чиқиб турган. “Онг”, “Тарбия”, “Яшин”, “Ялт-юлт”, “Шўро”, “Чўкич”, “Ўқлар”, “Тарбиятул атфол” номи журналлар чоп этилган. Улар орасида энг машҳур “Шўро” бўлиб, 1908 йилдан 1918 йилгача Оренбургда бир ойда икки марта, жами 240 та сони чиқди. Унга машҳур маърифатпарвар олим Ризоиддин Фахриддин муҳаррирлик қилди. “Шўро” миллатни илмли, маърифатли этмак ҳақида машварат мажалласи ўлароқ чиқади. “Истаган одам ушбу мажлисда сўйлар ва истаганлар тинглар”<sup>51</sup>, деб ёзган эди Ризоиддин Фахриддин.

“Шўро” журнаlining 10 йил давомида чиққан 240 та сониди Туркистон ҳаётига оид 323 та материал босилган. Шундан, мақолалар – 138 та, хатлар – 90 та, бадний асарлар – 71 та, хабарлар – 21 та, фотосуратлар – 3 та. Мақолалар тарих (38), таълим-тарбия (25), ижтимоий ҳаёт (23), дин (4), сиёсат (6), матбуот (13), адабиётшунослик (12), сафарнома каби соҳаларни қамраб олган. Жумладан, тарих ҳақидаги мақолаларда юртимиз ўтмиши, буюк аждодларимиз ҳаёти, осори- атиқаларимиз, муқаддас кадамжоларимиз ёритилган бўлса,

<sup>49</sup> Йўлдош ўғли. Туркистон тупроқлари / “Вақт” газетаси, 1908 йил, 282 –сон.

<sup>50</sup> Қаранг: «Ал-Ислах» газетасининг библиографик кўрсаткичи. Тузувчи: Р.Ф.Мардонов. Қозон университети нашриёти 1991.

<sup>51</sup> Шўро, 1908, № 1.

таълим-тарбияга онд чиқишларда мактаб-мадрасаларнинг умумий аҳволи, ўқув дастурлари, молиявий ҳолати, ўқитиш савияси, усуллари, Туркистонда саводхонлик, тил-имло бирлиги билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилган. Шунингдек, Туркистоннинг сиёсий аҳволи, давлат қурилиши, идора усули, аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий-иқтисодий муаммолари, ислом тараққиёти, диний муассасалар масалалари билан боғлиқ мақолаларга ҳам кенг ўрин берилган.

Сафарномаларда Туркистонга қилинган сафар таассуротлари акс этган. “Муросала ва мухобара” рукнида Туркистон билан боғлиқ 86 та савол ва уларга жавоблар берилган.

“Журналдаги Туркистонга онд барча материаллар 112 муаллифга мансуб бўлиб, улардан 84 нафари маҳаллий халқ вакиллари бўлган”. Улар орасида таникли маърифатпарварлар Бехбудий, Сўфизода, Ҳожи Муин, Чўлпон, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Лутфулла Олимий, Садриддин Айний, Сиддиқий Ажзий, Мўминжон Муҳаммаджонов, Фахриддин Рожий ва бошқаларнинг бўлиши, бу “Шўро” журналида Туркистонга катта эътибор берилганига далилдир. Қолаверса, туркистонлик ислоҳотчиларнинг ўз миллатдошлари аҳволи ва тақдири ҳақидаги фикр-қарашлари умумрусия мусулмонлари билан ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади<sup>52</sup>.

Ўзбек нашриётлари ва миллий театрининг пайдо бўлиши маърифатпарварлик, миллий уйғониш гоёларини тарқатишнинг муҳим самарали воситаси бўлди. Тошкентлик ва қўқонлик ислоҳотчилар ноширлик фаолияти орқали миллий шоир ва ёзувчилар асарлари халққа етказдилар, улар орасида, айниқса, Алишер Навоийга алоҳи эҳтиром кўрсатилди. Хўжа Аҳмад Яссавий, Мирзо Бедил, Сўфи Олло каби мутафаккирларнинг диний ва фалсафий асарлари нашр этилди. Улар ислоҳотчилик тафаккурига янги туртки берди. Ислоҳотчилар ўз ўқувчиларини миллий уйғониш даврини бошдан кечираётган бошқа мусулмон Шарқи мамлакатлари - Эрон, Туркия, Миср, Сурияда нашр этилган китоблар билан ҳам таништирдилар.

Мазкур даврда барча тараққийпарварларни бирлаштириш мумкин бўлган муайян дастур йўқ эди. Уларнинг ҳар қайсиси миллий

<sup>52</sup> Соатова Ш. Ризониддин Фахриддин ва Туркистонда жадидчилик. (“Шўро” журнали материаллари асосида) Т., 1999 йил, -Б. 28-30.

ривожланиш йўлини ўз ҳолича таклиф этарди. Турлича фикрлар, баъзан бир-бирига зид қараш ва таклифлар, ихтилофлар мана шундан келиб чиққан бўлиб, улар халққа турлича таъсир кўрсатган. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу тарихий даврда ўз тақдирини ўзи белгилаш гоёси ҳам шаклланимаган эди. Бирок, бу йўналишда айрим нишонлар кўрина бошлайди.

Туркистон ислохотчилари Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатишди, Россияда юзага келадиган сиёсий партияларнинг дастурларини, фаолиятларини ўрганишди. Улар миллий менталитетнинг ўзига хослиги, ўзбек халқининг тинчликсеварликка мойиллиги ва Россия демократик кучлар тажрибасидан келиб чиқиб, инқилоб йилларида чор ҳукуматидан тинч йўл билан - ижтимоий арзномалар, Давлат думасида оммавий баҳслар олиб бориш ва бошқа қонуний воситалар орқали ўзларни учун сиёсий ён беришларга эришиш ҳамда дастлабки босқичда, ҳеч бўлмаса, Туркистон миллий ривожланишининг объектив эҳтиёжларига жавоб берувчи бир қатор шароитлар яратиш учун интилдилар.

1905 - 1907 йиллар Россия инқилоби даврида ислохотчилик илғор сиёсий ҳодиса сифатида намоён бўлди. У Туркистондаги туб аҳолининг уйғонишига, миллий - озодлик ҳаракати мафқурасининг шаклланишига ёрдам берди.

1908 – 1916 йиллар оралиғидаги даврда ислохотчилар орасида сиёсий ажралиш рўй берди. Шунда “жадид”, “тараққийпарвар”, “қадимчи” деган тушунчалар юзага келди. Айни пайтда ислохотчилик ҳаракати, маданий хусусиятлардан кўра, ёрқин намоён бўлган сиёсий белгиларга кўпроқ эга бўла борди.

Ислохотчилар мафқуравий қарашларининг бундан кейинги тадрижий ривожланиши Биринчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Уруш бошланиши билан юзага келган умумий маънавий инқироз туфайли ижтимоий онгнинг кўплаб анъанавий шакллариغا нисбатан ўзгартиришлар юз берди. Янги гоё ва қарашларни қабул қилиш учун йўлларни тозалаш жараёни борди. Кўпгина ислохотчиларни маданий - маърифий фаолият доирасидаги биқиклик энди қониктирмай қўйди.

Биринчи жаҳон уруши ислоҳотчилар тафаккурини қатъийлаштиришга имкон яратди, улар муҳитида расмий мафкураининг асосий қондалари, сиёсий ҳаётнинг механизмининг танқид қилиш кучайди. Айни пайтда, ривожланган Европа мамлакатларида юзага келган демократик сиёсий - ҳуқуқий институт ва тартибларга кизиқиш кучайди. Хусусан, улар парламентар монархия ва бошқарувнинг республика шакли, демократик ҳуқуқлар ва фуқаролар эркинликлари ҳақида, фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришдаги, давлат органларини шакллантиришдаги, қонун яратувчилик ишидаги иштироки шакллари ҳақида ёза бошлашди.

Кўриниб турибдики, миллий зиёлиларнинг мафкуравий ва ижтимоий-амалий фаолиятидаги сиёсий йўналганликнинг кучайиши ислоҳотчиларнинг соф маданий-маърифий ишлар тарафдорлари ва ижтимоий-сиёсий институтларни ислоҳ қилиш ҳамда мустамлакачилик қишанларидан озод бўлиш тарафдорларига бўлинишлари учун шарт-шароит юзага келтирди.

1917 йил февраль инқилобининг бошларига келиб, туркистонлик ислоҳотчиларнинг кескин чоралар кўриш тарафдорлари бўлган қисми кенг сиёсий талабларни олға сура бошлади. Бу талаблар орасида ўлкани бошқаришни тубдан ислоҳ қилишда маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтиришга эътибор бериш, уларнинг вакилларига Давлат думасидан тегишли ўрин ажратиш, асосий демократик эркинликлар, энг аввало - миллий матбуот эркинлиги, яққа ҳокимликни алмаштириш ва ҳокозолар бор эди. Шу билан бирга бирон-бир ҳужжатда бу талаблар жамланган ҳолда расман баён этилмади. Аниқ сиёсий дастур халққа очик баён этилмай қолди.

1917 йил Россиядаги февраль буржуа-демократик инқилоби Туркистон ўлкасидаги мусулмон аҳолисининг сиёсий уйғонишида, ўсиб келаётган демократик жараёнларга бошчилик қилишга ўзининг интилишини баён этган янги кучларнинг сиёсий майдонга чиқишида бурилиш босқичи бўлди, дейиш мумкин. Унинг таъсири остида миллий сиёсий партия ва ташкилотлар ташкил этилди, янги газеталар (“Турон”,



“Улуғ Туркистон”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Хуррият” ва бошқалар) нашр этила бошлади, улар демократик кайфиятдаги миллий зиёлилар ва маҳаллий аҳоли турли қатламларининг қарашлари, манфаатларини ақс эттирди.

Инқилобий ўзгаришлар жараёнида ислохотчилар маҳаллий аҳолининг ижтимоий турли қатламларини ўз ортидан эргаштира олди, улар онгида мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш фикрини уйғотишга муваффақ бўлди.

Ислохотчилар дастурий ҳужжатлар, амалий ҳаракатлар стратегияси ва тактикасини фаол ишлаб чиқа бошладилар. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ислохотчилик ҳаракатида ҳали 1914–1915 йиллардаёқ пайдо бўлган бўлиниш февраль инқилобидан сўнг сезиларли кучайди ва 1917 йил октябрь арафаларига келиб яққол киёфага эга бўлди.

Халқларнинг маданий ва миллий ўз-ўзини бошқариши ҳақидаги инқилобий демократик шнор жадидларнинг халқ оммасини маърифатли қилиш ва уларни миллий умумдемократик манфаатлар учун кураш учун отлантришга йўналтирилган фаолият билан чамбарчас боғлиқ эди.

Ислохотчилар мактаб таълимини ислох қилиш масалалари билан бир қаторда ижтимоий–сиёсий тузумни ислох қилишнинг долзарб муаммоларини ҳам кўтара бошлашди.

**Шундай қилиб, биринчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:**

1. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон анча мураккаб ва зиддиятли, бироқ шу билан бирга умидбахш босқични бошдан кечирди. Россия, Миср, Туркия ва Эронда вужудга келган янгилиниш, ислохотчилик ҳаракатлари Туркистонни ҳам четлаб ўтмади.

2. Абу Наср Курсавий, Шаҳобиддин Маржоний, Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду, Исмоил Гаспринский, Олимжон Баруди, Ризоуддин Фаҳриддин, Хусайн Файзхонов каби ислохотчиларнинг ғоялари Туркистонга кириб келиб, Туркистон маърифатпарварларининг ислохотчилик ғоялари билан уйғунлашди ва унинг тарихий илдизларига айланди.

3. XIX аср охири – XX аср бошларида шаклланган жадидлар ҳаракатига ҳам ислоҳотчилик ғоялари таъсир кўрсатган. Бинобарин, жадидлар ўз фаолиятида маълум даражада ислом ислоҳотчилиги ғояларига асосланганлар, янги усулдаги мактаблар ташкил қилишда улар маориф ва тарбия соҳасида ислом принципларини янгича талқин қилиш йўлидан борганлар.

4. Ислоҳотчилар Туркистонда XIX асрнинг охирида юзага келган илғор усулларни ёқлаган маърифатпарварларгина бўлиб қолмай, айни чоғда туркий-исломий ҳуқуқий мероснинг миллат ичида кенг ёйилиши, ҳурфикрлик, тараққиёт ва миллий истиклол учун ҳам курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

## II БОБ. ТУРКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ “АЛ-ИСЛОҲ” ЖУРНАЛИДА ЁРИТИЛИШИ

### 2.1. ИСЛОҲОТЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ТУРЛИ ТАЛҚИНЛАРИ

1905 йилги рус буржуа-демократик инқилоби Туркистондаги мустабидлик ва ҳарбий полиция кўринишидаги мустамлакачилик тизимига зарба берди. 17 октябрда эълон қилинган манифест туфайли, Россия фуқароларига эркинлик берилганлиги билдирилди. Бунда мустамлака халқларига ҳам эркин яшаш, билим, ҳунар эгаллаш, ўз миллий матбуотига эга бўлиш каби қатор ваъдалар берилди. Бундан руҳланган илғор зиёлилар янги номдаги газета ва журналлар чиқаришга кириша бошлади.

Туркистон матбуоти 1905 йилги манифестдан сўнг тарихан қисқа муддат ичида катта босқични босиб ўтди, натижада кўплаб газета ва журналлар нашр этилди. Уларни илк марта жамлаб фикр билдирганлардан бири Чўлпон бўлди<sup>53</sup>. Абдулла Авлоний эса “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақоласида 1905–1917 йиллар ораллигида ўлкада ўзбек тилида 22 та газета, 8 та журнал нашр этилганини хабар беради<sup>54</sup>. 1927 йилда “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870–1927)” тадқиқотини чоп эттирган Знё Саиднинг аниқлашича ўтган ораллиқ даврда 45 та газета, 36 та журнал дунё юзини кўрган<sup>55</sup>. Бу ҳақда матбуотшунослик билан боғлиқ тадқиқотларда ҳам маълумотлар берилган<sup>56</sup>.

<sup>53</sup> Бу ҳақда қаранг: Чўлпон. Туркистонда матбуот. «Жамият ва бошқарув» ж., 1998 й., 2-сон. Нашрга тайёрловчи Т. Тоғаев.

<sup>54</sup> Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Нашрга тайёрловчи Ш. Ризаев. Китобда: Миллий уйғониш Т.: Университет 1993. –Б. 115-123.

<sup>55</sup> Знё Саид. Танланган асарлар, Т., 1974. –Б. 113-116.

<sup>56</sup> Қаранг: Эрнazarов Т.Э. Ўзбекистонда вақтли матбуот (1870-1924) Т., 1959; А. Жалолов, Х. Ўзганбоев. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг роли, Т. Фан, 1993; Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикасининг шаклланиши ва равнақи (XIX аср охири-XX аср), Т., 1998 ва ҳ.к.

1905 йил инқилобидан кейинги даврда чоп этилган миллий матбуот намуналаридан “Тараккий” (1906–1907, Тошкент, муҳаррири Исмоил Обидов), “Хуршид” (1906–1907, Тошкент, муҳаррири Мунаввар корн), “Шухрат” (1907–1908, Тошкент, муҳаррири Абдулла Авлоний), “Осиё” (1908, Тошкент, муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров), “Бухорои Шариф” (1912–1913, тожик тилида, Бухоро, муҳаррири Мирзо Жалол Юсуфзода, ношири Мирбадалов), “Самарқанд” (1914, Самарқанд, муҳаррири Маҳмудхўжа Бехбудий), “Садон Фаргона” (1914–1915, Кўкон, муҳаррири Ашурали Зоҳирий, ношири Обиджон Маҳмуд), “Садон Туркистон” (1914–1915, Тошкент, муҳаррирлари Мунаввар корн ва Убайдулла Хўжаев) газеталари шулар жумласидандир<sup>57</sup>.

Жадидчилик ҳаракатининг катта ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиқишида Туркистоннинг ўзида ҳам асосий омил бўлиб хизмат килган замин ва шарт-шароит этилган эди<sup>58</sup>. Бу омил матбуот соҳаси билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди.

Жадид матбуотчилиги 1905 йилдан кейин 17 Октябрь манифести берган муайян эркинликлар самараси сифатида майдонга келди. Бироқ бунда икки омил: 1. Туркистондаги мавжуд ўзбекча (айтиш мумкинки, ягона) нашр – “Туркистон вилоятининг газети”; 2. Усмонли турк, Кавказ орти, Волгабўйи матбуотининг ҳам роли катта бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Туркистон матбуоти умумрусия мусулмон матбуоти билан қадам-бақадам борди, ўлка аҳолисининг турмуши, бу ердаги диний аҳвол, одамларнинг турли хурофотларга берилиб кетганлиги ва миллий тараққиёт билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқди ва уларнинг ечимини топишга интилди<sup>59</sup>.

Тадқиқотимиз объекти бўлган “...“Ал-Ислоҳ”–журнали жадидчилик ҳаракатининг илғор фикрли уламоларга яқин ўнг қанот вакиллари томонидан чоп этилди. “Ал-Ислоҳ”да диний ислоҳотчилик масалалари: ижтимоий ва адабий эстетик баҳслар ёритилди. Журнал муаллифлари: Абдурахмон Сайёх, Васлий, Олимхон Тўра, Садриддинхон Аълам,

<sup>57</sup> Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти.Т.: Маънавият. 2004. –Б.36.

<sup>58</sup> Жадидчилик мохиятининг янгича талқини Б.Қосимов, О.Шарафиддинов, А.Аҳмедов, А.Алиев, Ҳ.Зиёев, Н.Каримов, Д.Алимов, Ш.Турдиев, Ҳ.Содиқов, М.Ҳасанов, Х.Болтабоев, С.Аъзамхўжаев, С.Холбоев, С.Аҳмедов, Ш.Ризаев, Р.Шамсутдинов каби олимларнинг қатор асар ва мақолаларида ўз аксини топган.

<sup>59</sup> Б. Қосимов. «Миллий уйғониш», Маънавият,Т.: 2002. Б. 36.

Ҳамза Ҳакимзода, Фазлулваҳҳоб қори ва бошқалардир. Ушбу журнал жадидлар дунёкарашига яқин материаллар бериб борди”<sup>60</sup>. Адабиётшунос К.Пардаев ўз тадқиқотида: “Ал-Ислох” жадидларнинг “Ойина” каби нуфузли журналларидан эди” деб ёзади<sup>61</sup>.

Журнал араб имлосидаги эски ўзбек тилида, 1915-1918 йиллар мобайнида чоп этилди. Мазкур журнал бугунги кунда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси “Нодир китоблар” бўлимида инв № 226–23 рақами остида, ЎзРФАШИда инв. № 5938, 5997, 1085, 1086, 1575 рақамлари остида ва Миллий китоб палатаси, Ойбек уй-музейида сақланади.

Журнал Абдурахмон Сайёҳ ва Мунаввар қори Абдурашидхоновлар ташаббуси ва сайёҳ-ҳаракати билан илк бор 1915 йил 14 январда Тошкент шаҳрининг Ўрда даҳасида жойлашган Г.Я.Яковлев типо-лиитографиясида чоп этирилди. 1915 йилги сонлари шу нашриётда 1916, 1917, 1918 йиллардаги сонлари О.А.Порцев лиитографиясида босилди. Шунинг ҳам таъкидлаш жонски, 1918 йилги 5 та сони Аскархон Пахлавонov муҳаррирлигида нашр қилинган. 1915, 1916, 1917 йиллардаги ҳар бир сони 32 саҳифадан, 1918 йилги сонлари 16 саҳифадан иборат бўлиб, бир ойда икки мартадан нашр этилган.

Ушбу журналнинг дастлабки сонлари нашрдан чиқар экан, бу ҳақда “Садойи Фарғона” газетасида қуйидагича маълумот берилади: “...Ўткан ойларда (Вақт), (Юлдуз) ғазиталарига Туркистонда чиқадургон диний ғазита ва журналлардин кўрқуб, зорланиб ёзиб юрганликлари ғазита ўқувчиларини маълумларидир. Мана шу чикмасдан аввал шуҳратгинаси баъзиларни кўрқутган журналдан бириси Тошкентта “Ал-Ислох” исминда нашр бўлиб, биринчи нўмери китобчиларга келгани маълум эди. Мана энди 4 февралда иккинчи нўмердан бир нусҳаси идорамизга келди. Бу журнал 32 саҳифада, битта қаламда, коғози кўб яхши, ҳам ерли тили Туркистон шеvasида бўлиб, Туркистонликлар учун кўб марғуб журналдир. Масъули нашр ва маҳри сайёҳ Абдурахмон ибн Содиқ жанобларидур”<sup>62</sup>.

<sup>60</sup> Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1870-200) (қиска маърузалар матни). Тузувчи: Н.А.Абдуазизова. Мирзо Улугбек номи Тошкент Давлат университети. Тошкент-1999. –Б. 26.

<sup>61</sup> Пардаев К.У. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-Ислох” журнали материаллари асосида). Филол. фанлари номзоди ... дисс-я. Ўзбекистон миллий университети. –Т.: 2008. –Б. 13.

<sup>62</sup> Садойи Фарғона.-1915.12 феврал.

Шу ўрнида “Ал-Ислоҳ” журналининг муҳаррири Абдурахмон Сайёҳ деб кўрсатилган бўлса-да, унинг асосчиси ва ҳимоячиси Мунаввар қори бўлганлигини манбалардаги далилларга суяниб айтишимиз мумкин.

“Мунаввар қори 1915 йилнинг март ойидан бошлаб Тошкентда нашр этила бошлаган “Ал-Ислоҳ” журнаliga асос солади, айрим сабабларга кўра, журналнинг расмий ҳужжатларини фақат Абдурахмон Сайёҳ Содиқов номига расмийлаштиради. Бир қарашда фақат шаръий саволларга жавоб беришга мўлжаллангандек туюладиган бу диний журнал ҳадис, оятлар воситасида истиқлол гояларини тарғиб этган. Охранканинг Мамедов, Мустафин, Киясбеков, Илькин каби таржимонлари, Остроумов сингари маслаҳатчилари журналнинг ҳар бир мақоласини синчиклаб ўқиб, охранка бошлиги Волковга таъкиднома ва баённомалар ёзиб турганлар. Журналнинг 1915 йил 4-сонида босилган “Банклар хусусидаги саволга жавоб” номли мақола туфайли можаро кўтарилган. Себзор даҳасининг қозиси Мулла Саид Аҳрорхон маҳзум Абдуллаевнинг мазкур мақоласи Туркистон генерал-губернаторлиги, охранка ҳодимлари ва айниқса, “Россия-Осиё банки” хўжайинларининг жаҳлини чиқарган. Чунки, мақолада банкка кўйилган омонатдан тушадиган даромад судхўрлик сифатида баҳоланиб, судхўрлик ҳаром бўлгани каби, фоизи ҳам ҳаромдир, деган хулоса чиқарилган эди. Бунни ўқиган мусулмон бойлар банкдаги пулларини қайтариб олгани туфайли “Россия-Осиё банки”нинг синишига оз қолган.

Чор маъмурияти журнални чоп этилишини дарҳол тўхтатмоқчи бўлган, аммо Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг усталик билан ёзган жавобидан сўнг журнал ёпилиб кетишдан омон қолган. Мазкур жавоб журналда цензура номидан босилган. Аммо Мунаввар қори ва Абдурахмон Сайёҳнинг “фаросатинг етса, ўқиб ол” қабiliдаги кесатигини на охранка, на унинг таржимонлари тушунган. Охранка Мунаввар қорини маҳкамага чақириб, тушунтириш хати ёздириб олган.

Ўзбек зиёлиларини ёппасига таъқиб этиш ва жазолаш эвазига мансаби ошган полковник Волков бошлиқларига Мунаввар қорини сиёсий жиҳатдан шубҳали шахс сифатида Туркистон ўлкасидан сургун қилишни таклиф этган, аммо Туркистон генерал-губернатори Мунаввар қорининг халқ орасидаги обрўсидан, маҳаллий бойлар орасидаги

нуфуздан хайқиб, бу таклифни маъқулламаган. Волковнинг Мунаввар қорининг оёғига болта урмоқчи бўлгани сабаби шундаки, буюк маърифатпарвар юртдошимиз ўзбек зиёли ва бойларини бошини қовуштириб, миллатимиз, динимиз шаънига қаратилган хўрлашларни кескин қоралар, ҳатто ҳукуматдан бундай ёвуз ишларни амалга оширувчиларни қонуний жазога тортишни талаб ҳам қилар эди. Шу боис у Мунаввар қорини сургун қилиб, жазоламоқчи бўлади.

“Ал-Ислоҳ”да босилган мақола унга яхши баҳона бўлган эди. Аммо Волков ишни янада чигаллаштириш учун оҳранканинг махсус топшириқлар бўйича ходими Михаил Нарискинни ишга солади. У оқ подшонинг 1881 йил 14 августда қабул қилинган “Давлат тартиби ва тинчлигини сақлаш қоралари тўғрисида” деб номланган низомига мувофиқ, Мунаввар қори Абдурашидхоновни сўроқ қилади. Туркистон забот этилганига ярим асрдан ошган бўлса-да, ўлкада ҳали ҳам ҳарбий ҳолат бекор қилинмаган эди. Нарискин саволларига қўнғилдагидек жавоб ололмайди. Мунаввар қори “Ал-Ислоҳ”да баён қилинган фикрларга қўшилмаслигини айтар экан, Қуръони каримда “судхўрлик қилманглар” деган оят бор, деб зимдан барибир мақолада айтилган фикрни маъқуллайди. Волков ҳам, Нарискин ҳам жавобдан қониқмагач, Мунаввар қоридан қўйидагича тилхат ёздириб олишади: “1916 йил 23 апрель. Туркистон туман махфий бўлимида ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернаторининг амрига мувофиқ менга маълум қилинади: “Ал-Ислоҳ” журналининг нашр этишда иштирок этиб, унинг саҳифаларида Россия империясининг манфаатларига зид, хусусан, “Банклар хусусидаги савол жавоб”га ўхшаш мақолаларни жойлаштираман, мен Туркистон ўлкасидан сургун қилинадурман. Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли”<sup>63</sup>.

Журналнинг иккинчи сонидан унинг мақсад ва вазифалари қўйидагича баён қилинади: “Ал-Ислоҳ” – замон мусулмонларига диний, дунёвий хизмат қиладурғон мажалладур. “Ал-Ислоҳ” – мусулмонларни китоб ва суннат тарафига чакирадурғон мажалладур. “Ал-Ислоҳ” – мусулмонларни номашруъ ишлардан қутқарадурғон мажалладур.

<sup>63</sup> Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Т. : Маънавият , 2003. –Б. 32-34.

“Ал-Ислох” – мусулмонларни масалан фикҳ ва эътиқоди заруриядан хабардор қиладургон мажалладур. “Ал-Ислох”–олим ва агниёларнинг истаклари ила нашр бўладургон исломий мажалладур<sup>64</sup>.

“Тошканд уламо ва агниёларнинг ҳиммати” билан нашр этиладиган ва асосий моҳияти дин, шариат ҳукмларини тарғиб этишга мўлжалланган бу нашрнинг “Ал-Ислох” деб номланишининг сабаби эса ўша давр, яъни, XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаётнинг асосий йўналиши – жамият ҳаёти, маданият ва маънавиятда туб ўзгаришлар ўтказиш ширинининг қўйилиши билан изоҳланади. Бундай бир шароитда узок асрлар давомида ҳукмрон мафкура даражасига кўтарилган дин намояндалари ҳам ўз гоёлари, диний қарашларини маълум даражада ислох қилиш заруриятини сездилар ва натижада мазкур журнал дунёга келади. Турган гапки, бу – асрлар давомида ўзгармас ақида бўлиб келган диний мутаассибликка қарши нисбатан олга қараб қўйилган бир қадам эди. Шу боис “Ал-Ислох” журнали ўз ўқувчиларига эга бўлиб, унда ўша даврнинг кўзга кўринган уламолари, мударрислари, адиблари иштирок этдилар. Улар ўз мақолаларида дин, иймон-эътиқодни ҳимоя қилиш билан биргалликда диний ҳаётда ислохотлар лозимлигини таъкидладилар<sup>65</sup>.

“Ал-Ислох” журналининг гоёвий-тематик таҳлили шуни кўрсатадики, унда нашр этилган мақолаларни шартли равишда 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ – ислом таълимотини шарҳлаб беришга қаратилган диний-маърифий мақолалар.

Иккинчи гуруҳ – миллатнинг маданий савиясини оширишга қаратилган маданий-маърифий мақолалар.

Учинчи гуруҳ – Туркистон халқининг сиёсий онгини юксалтиришга йўналтирилган ислохотчилик гоёлари сингдирилган ижтимоий-сиёсий мақолалар.

Тўртинчи гуруҳ – иқтисодий масалалар баён этилган мақолалар.

Биринчи гуруҳ бўйича “Ал-Ислох” журналининг ҳар бир сонида Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар асосида кўплаб мақолалар нашр этилган.

<sup>64</sup> Ал-Ислох, 1915, 2-сон. –Б. 1.

<sup>65</sup> Ўзбек ҳажвий публицистикаси. Ўқув қўлланмаси. М.Худойқулов. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент-2001. –Б.18.



Айниқса, журналнинг дастлабки сонларида ислом дини ва тарихига оид мақолаларни кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, “Тарихи ислом”, “Муҳаммад алайҳиссаломнинг тугилишлари”, “Тарихи Хадича”, “Қуръон карим надур?”, “Дин ва дунёнинг бир-бири нла тааллуқи”, “Дунё ва охиратнинг саодати”, “Иймон ва исломнинг маърифати баёнида”, “Дин ва дунё таълифининг боқияси”, “Мазҳабда матонат”, “Мавлуди шариф ҳақида”, “Ибодати исломия”, “Етти шариф хусусидаги ҳадислар”, “Тажвид ва тафсири Қуръон”, “Моҳи Шариф Рамазон ва рўза хусусида бир-икки сўз”, “Шукри неъмат”, “Диний ишларда тафовут”, “Дин ва эътиқодий бир масала”, “Исломнинг ўткандаги ва ҳозирдаги ҳоли”, “Ухуввати исломия”, “Силан раҳм ё инсоф”, “Илму раббоний”, “Шариат гарази қурбон ўлмасин” каби мақолаларни келтириб ўтиш мумкин.

Ўз даврининг йирик уламолари имом Лутфулла Фахриддинов, Мубашширхон Маҳдум, Муҳаммад Ализода Тошкандий, Саййид Аҳмад Васлий<sup>66</sup>, Муҳаммад Сафо Маҳдум, Мулла Олимхон, Абдаширхожи, Иброҳим Тохирий<sup>67</sup>, Зафархон Маҳдум, Муҳаммад Қосимхожи,

<sup>66</sup> Саидхамд Васлий (1870–1925)– шоир, олим, таржимон, публицист ва ниҳоят, мударрис сифатида машҳур бўлган. Самарқанднинг Кўкмасжид гузарига пичоқчи уста Саидазим хонадонига тугилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент мадрасаларида ўқиган. Васлий она тилидан ташқари араб, форс тилларида ҳам эркин ёза олган. Мутахассислар ундан 12 минг байт шеър, 25 илмий рисола етиб келганини маълум қиладилар. Асарларидан айримлари босилиб чиққан. Масалан, адабиётшунос Саидбек Ҳасанов 1991 йили шоирнинг Имом Аъзам ҳақидаги таржима асарини ўзбек тилида чоп эттирган. Хожа Валихон Ургутий ҳақидаги китобни машҳур пири муришиднинг эвараси Бадиа Муҳиддинова 2001 йили таржима ва нзоҳлар билан нашрга тайёрлаган. Васлий публицист сифатида ўнлаб мақолалар эълон қилган. 1910 – йилларда “Туркистон вилоятининг газети”, “Садойи Фарғона”, “Садойи Туркистон” газеталарида босилган, адабиётнинг жамиятдаги ўрни, хотин-қизлар озодлиги, театрга, ишқий ғазалларга муносабат масалаларига бағишланган бу мақолалар кўзгин бахсларга сабаб бўлган. Бу баҳс “Ойна”, “Ал-Ислоҳ” журналларига ҳам ўтган, кенг омма фикрининг чархланиб боришида, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлган. Васлий фикрларининг айримлари чиндан ҳам баҳсли бўлиб, ўша замон нуқтан назаридан эскирган эди. Хусусан, “тасаттири нисвон” (аёллар ҳижоби), шеър ва “илми балоғат” ҳамда театр ҳақидаги қарашлари. Шунинг учун ҳам унга эътироз билдирганлар кўп бўлган.

<sup>67</sup> Иброҳим Тохирий 1917 йилда чиққан “Чаён” номи журналнинг маъсул муҳаррири бўлган. Бу ҳажвий журнал эди.

Ашурали Зоҳирийлар<sup>68</sup> журналда ўз мақолалари билан фаол иштирок этганлар.

Иккинчи гуруҳ сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: “Низоми илм-мартаба бўлгон умрлар”, “Уламон миллат”, “1915 йилда миллий ҳаётимиз”, “Миллий алоқа”, “Раба(тўрт) тилга ошно бўлиш”, “Идора зуҳури миллат боқияси”, “Бахтсиз миллат”, “Оврўполими, уламоли”...

Учинчи гуруҳдаги ислоҳотчилик гоялари билан сугорилган материаллар қаторига “Сугиш заёмига ёзилинглар”, “Банк билан муомала қилмоқ”, “Банк хусусига жавоб”, “Зақоти хусусида” каби мақолаларни киритиш мумкин.

Айни чоғда журналнинг ҳар бир сонидида савол-жавоб рукни ташкил этилган бўлиб, унда асосан иймон, эътиқод, шаръий амаллар каби мусулмончилик қонун-қоидаларига оид масалалар бўйича фикр юритилган. Жумладан, “Иймон надур?”, “Ислоҳ надур?”, “Иймон тафсили надур?”...

Ушбу мақолалар ўз даври олимларининг мусулмон Ўрта Осиё халқлари ижтимоий ҳаётига муносабатларини аниқлаб беришда муҳим аҳамиятга эгадир. Журналнинг тўрт йил давомида чиққан 77 сонидида 606 та материал босилган<sup>69</sup>.

“Ал-Ислоҳ” журналида 1915 йилнинг 1 январидан бошлаб, декабрь ойининг охиригача йиллик ва ярим йиллик 1177 та муштарий жалб этишга эришилганлиги айтиб ўтилади<sup>70</sup>.

---

<sup>68</sup> Ашурали Зоҳирий (1885 – 1937) “Садойи Фаргона” газетасининг таъсисчиси ҳам жадидлардан бўлган. Газетада фаол, қизиқарли мақолалари билан қатнашиб турган муаллифлардан бири. У газетанинг маслағи, йўналишини белгилаб турган, кўплаб мақолалари билан қатнашиб турган, ҳам фаол муаллиф, ҳам асосий ташкилотчиси бўлган. У 1910 йилдан бошлаб Туркистон матбуотида қатнаша бошлади. Унинг маърифатпарварлик фаолияти 1912 йилда чоп этилган “Туркий хрестоматия”да, 1916 йилда нашр этилган “Имло” дарслиғи ва кўплаб мақолаларида кўзга ташланади. “Ашурали Зоҳирий 1917 йилда Туркистон Мухторияти вақтида чиққан “Эл байроғи” газетасининг ташаббусчиларидан бўлган. 1917 йилда чиққан “Юрт” журнали Ашурали Зоҳирий томонидан чиқарилган”.

<sup>69</sup> Пардаев К.У. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-Ислоҳ” журнали материаллари асосида). Филол. фанлари номзоди ... дисс.-я. Ўзбекистон миллий университети. –Т.: 2008. Б. 28.

<sup>70</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1916, 4-сон. –Б. 123.

“Ал-Ислоҳ” журналида мақола ёзувчи муаллифга кўйиладиган талаблар ҳақида шундай дейилади: “Ал-Ислоҳ” диний журналини қалами билан зийнатлаб турганларга ташаккуримизни тақдир этгандан сўнг арз этуримизки, мақола ёзаётган вақтда:

1. Имлога диққат қилсалар.
2. Ибораларни сиктиртмасдан очик - очик ёзсалар.
3. Уламолар фаҳмига яраша эмас, балки авом тушунадиган турмуш тарзидаги сўзлар билан ёзсалар.
4. Арабий ибораларга, оят, ҳадисларга ҳаракатлар кўйилиб, маънолари таржима қилинса.
5. Мақола 4 саҳифадан ошмаса. Агар мақола узун бўлса, бир неча сонларга тақсимланиб ёзилса. Шунда бошқаларнинг ҳам мақолалари ёзилади.

Ушбу шартларга риоя этилмаган мақолалар “Ал-Ислоҳ”да чоп этилмаса, идора маъзурдир”<sup>71</sup>.

Булардан ташқари, муаллиф исми тўлиқ ёзилишига алоҳида эътибор берилган. Бу хусусда, жумладан шундай дейилади: “Ал-Ислоҳ журнали диний эканлигини эътиборга олиб, турли шахслар учун тўқилган гийбат, шикоят, мазаммат, ҳажвийётлардан пок ҳолда мақола ёзмокчи бўлган уламоларимиз ўз исмларини муаммо тарқасида Ж.М. каби ёзишдан сақланиб, очик исминини ёзишлари сўралади. Исмлари очик ёзилмаган мақолалар “Ал-Ислоҳ”да чоп этилмайди...”<sup>72</sup>.

“Ал-Ислоҳ” ўз саҳифаларини қизиқарли, ўқинишли қилиш учун барча усуллардан фойдаланди. Шундай бўлишига қарамасдан у ўз фаолиятини узок давом эттира олмади. Журнал босилиши тўхтаб қолиш сабабини Чўлпон кўйидагича изоҳлайди: «...Хурриятдан сўнг бир оз давом этуб, маънавий ва моддий жиҳатлар сабаби ила бекитилди»<sup>73</sup>. “Ал-Ислоҳ” қисқа умр кўрган бўлса-да, Туркистон ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида муҳим ўрин эгаллай олди ва бугунги кунда XX аср бошлари тарихи ҳамда тарихшунослигини ўрганишда ноёб манба бўлиб хизмат қилади.

Матбуот XX аср бошларидаги Туркистон ижтимоий-маънавий ҳаётидаги янгиланишнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида намоен

<sup>71</sup> Идора //Ал-Ислоҳ, 1916, 5-сон. –Б. 167.

<sup>72</sup> Идора //Ал-Ислоҳ, 1916, 1-сон. –Б. 6.

<sup>73</sup> Қаранг: Чўлпон. Туркистонда матбуот./ Жамият ва бошқарув, 1998. -№2.

бўлди ва миллатнинг уйғонишида муҳим рол ўйнади. Шу бонс бўлса керак, ислоҳотчилик ғояларининг тарқалиш манбалари бўлиб, матбуот хизмат қилган десак янглишмаган бўламиз. Ҳар қандай матбуот эмас, айнан “Ал-Ислоҳ” каби ислоҳотчилик ғоялари билан йўғрилган журналлар ислоҳотчилик ғояларини тарғиб қилишда катта рол ўйнаган.

Туркистонда ислоҳотчилик ғояларини тарғиб этишда “Ал-Ислоҳ” журналининг ўзига хос ўрни бўлганлигини қуйидаги мақолалар шарҳидан билишимиз мумкин: Журналда берилган ислоҳотчилик ғоялари билан йўғрилган мақолалардан бири “Ислоҳи қавм” деб номланади. Мақолада журналнинг мақсади хусусида шундай дейилади: “Ушбу мажалланинг ижросидан мақсад будурки, Туркистон мусулмонлари комил даража ислоҳ ва таҳзиб ихтиёр этмакка тарғиб этсунлар”<sup>74</sup>. Бу ўринда “ислоҳ” сўзининг лугавий ва истилоҳий маъноси қуйидагича шарҳланади: “Ислоҳ ва таҳзиб икки муродиф алфоздурлар, муродиф алфоз улдурки икковининг маъноси бир бўлсун. Ислоҳнинг лугавий маъноси айирмак, холис этмак, тозаламак ва истилоҳий маъноси будурки, инсоннинг тамом афъол, жумла ахлоқ, муомалот ва тамаддун ва ҳар бир илми, ҳунарни тараққийнинг олий даражасига етказмакки, анинг ҳосили бу бўлсинки тамкин ва қодир қадар тараққий бўлсун”.

Мақоланинг давомида ислоҳ қилиш, у хоҳ рухий, хоҳ жисмоний бўлсин, инсоннинг фитратига Аллоҳ таоло томонидан қуйилганлиги, серҳосил ердан унумли ҳосил олингани сингари, ислоҳ қилинган жамият ҳам тараққий этиши борасида фикр юритилади. Ислоҳотчилар ҳақида мақолада шундай жумлаларни ўқиш мумкин: “Муслихлар (ислоҳотчилар) ухлаб ётмиш қавмни ғафлат уйқусидин уйготурлар. Ул қавмлар ўзларининг дину дунё тараққийлари тарафига мойил бўлурлар. Инсоннинг тириклиги бешак маҳдуддур(чегаралангандир). Лекин, ислоҳ маҳдуд эмасдур”. Шунингдек, Қуръони карим оятларидан далиллар келтирилиб, жамиятни ислоҳ қилиш ғояси илгари сурилган.

“Ал-Ислоҳ” журналининг вазифаси ҳақида: “Заиф ва ночорлик” деб номланган мақоладан Туркистон халқининг 1915 йилдаги маънавий ҳаёти учун ислоҳ лозим бўлганлигини, ислоҳ қилишнинг воситаси

<sup>74</sup> Ал-Ислоҳ, 1915, 1-сон. –Б. 8-15.

газета ва журналлар бўлганлигини яққол кўришимиз мумкин. Мақолада шундай сўзларни ўқиш мумкин: “Бизларда ҳаммадан зиёда занф ва ночорлик будурки биз қавмнинг ислоҳини даъво қилурмиз, лекин, ўз ислоҳимизга боқмаюрмиз. Шул қавмдан ҳар бир киши то ўз ислоҳининг тарифига йўналмаса, қавмнинг ҳолати дуруст бўлмайду. Бизнинг занф ва ночорлигимизда ҳеч шак йўқду. Дарҳақиқат, биз ночор ва натавонмиз. Лекин, иқтисодий ғайрат бу эмаски, ўзганинг воситаси ила занф ва ночорлигимизни беркитайлук. Балки иқтисодий ғайрат будурки, ўз занфимизнинг дафъига қўшиш қилайлук. Мажаллан “Ислоҳ”нинг мазмуиларни аҳли назарнинг оми таважжуҳларига мустаҳиқду. Ушбу доирада мумкиндирки, бирор қисм занфи маҳсус бўлсун. Чунки, ўз занфимизга эътироф ва иқроқ қилинмоқга ҳеч узримиз йўқду...”

Бизнинг Туркистон мусулмонларимиз кўпдан буён ислоҳ лозим ва зарур эканлиги ҳар қаю соҳибни виждони ва мутафаккир зотларнинг маълуми эди. Қаю тарика ислоҳ зарур деб савол қилмак бўлинганда ислоҳнинг нави кўп. Чунончи, илмий, диний, ахлоқий, маданий, иқтисодий, манший, ҳоказо.. Шукрлар бўлсунки, шаҳримизда янгидан “Ал-Ислоҳ” мажаллан исломия олами интишорга қўюлиб, бир неча асҳабни илм ва фозилларимиздин бу мажаллага мубошир бўлганликлари эшитилмақдаду.

Атрофи оламдан беҳабар зотлардин баъзи вақт эшитиладулки, газет, мажалла деган нарсалар Русия келгандин буён интишор топди. Илгари хонларимиз вақтида йўқ эди. Бу Русия одатидур деб, бу сўз бекор ва бемаъни атрофи оламдин хабарсизлик натижасидур. Чунки, газет, мажалла ислом мамлакатларида, чунончи, Истанбулда туркча, Сурия ва Арабистонда арабча, Эрон ва Ҳиндистон мусулмонлари орасида форсча газет ва мажаллалар расм бўлиб келгандир. Мундин 600 йиллар муқаддам мусулмонларнинг энг таракқий топган замонларида ҳам газетанинг исми ва расми бўлган эди”<sup>75</sup>.

“Ал-Ислоҳ ҳақида ожизона фикр” номли мақолада эса журналнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилади. Жумладан, унда шундай жумлаларни ўқишимиз мумкин: “Туркистон мусулмонлари учун “Ал-Ислоҳ” каби диний журналлар зарур ва ғанимат эканлигига ҳар бир матбуотдан хабардор зотлар иқроқ бўлишмоқда. Чунки, у билан

<sup>75</sup> Имзосиз. //Ал-Ислоҳ, 1915, 3-сон. –Б. 65-66.

диний, ахлоқий ва адабий жиҳатларни ислоҳ қилнишга, эскидан одат бўлиб юклаган ношонста бидъатларни тозалашга хизмат қилмоқдалар. “Ал-Ислоҳ” ҳам мусулмонлар орасида ёмон хулқларни йўқотиш ва яхши хулқларни тарқатиш учун хизмат қилмоқда. “Ал-Ислоҳ” зарурий масалалар, ҳикматли мавъизалар, адабий шеърлар ва саволларга жавобларни оммага тарқатиб, етказиб беради. Хуллас, унинг зарурагини айтиб тугатиш мумкин эмас. “Ал-Ислоҳ”нинг омма учун манфаатини кўриб, оммага фойда келтириш тўғрисида мулоҳаза қилинса, ақлан ҳам, шаръан ҳам яхши, балки лозим, вожиб ишдир, бу инсонийлик ва одамийликдир...”<sup>76</sup>.

“Урватул вусқо” (Ишонч риштаси) номли мақолада ҳам журналнинг Туркистон мусулмонлари ҳаётида нақадар аҳамиятли эканлигини кўришимиз мумкин. Мақолада жумладан шундай дейилади: “Афсуски, Ватанимиз Туркистонда бир неча марта журнал ва газета чиқиб, озроқ давом этса-да, муштарий йўқлигидан, бошқа сабаблар бўлмаганлигидан давом этмаган эди. Бу эса 10 миллион аҳолини ўз ичига олган аҳли исломнинг улуг бир жамият маркази бўлмиш Туркистон диёрига теккулик бир номусдир. Буни номус деб билиб, қайгуриб, афсусланувчилар оздир. Менинг бу гапимни нотўғри дегувчи кимса йўқ бўлса керак. Чунки, газета, журнал ўқишни вақтни исроф қилиш деб билувчи, чойхўрлик, беданабозлик, чақимчилик билан вақт ўтказишни ихтиёр этган мусулмонларимиз кўпдир, лекин, Аллоҳга шукрки, бу замонда Тошкент шаҳрида “Ал-Ислоҳ” мажалласи чиқиб, дин, эътиқод, маросимлар ва мусулмонларнинг бошқа ишига доир масалаларни ёритиб, ҳар қандай бидъат, хурофот ишларни танқид ва даф этмоқда. Туркистон аҳолиси, фозил уламоларининг қаламлари ва бойларининг моддий ва иқтисодий ёрдамлари билан ва бошқа мусулмонларнинг тарғиботлари ва ёрдамларида бўлсалар, журналимиз кўп йил умр кўриб, сабаб ва мавзулари кенгайиб давом этарди. “Ал-Ислоҳ”нинг вазифаси мусулмонларни эътиқод ва амалиётда Китоб ва суннатга қизиқтириш эканлиги олдинги сонлардан сизга маълум.

“Ал-Ислоҳ” Китоб ва суннатга хилоф ишларни танқид қилиб ёзади. Бу хилофлари хоҳ уламоларда бўлсин, хоҳ бойларда бўлсин, танқид қилиб, ислоҳига ҳаракат қилур. Чунки, уламоларимиз турмушлари, талабларининг мадрасалардаги можаролари, газета ва журнал ўқишдан

---

<sup>76</sup> Мулло Холмуҳаммад ибн Мулла Тўрақули //Ал-Ислоҳ, 1916, 24-сон. –Б. 606.

сақланган тақво аҳли мадрасалардаги таътил баҳона муфсида ишларни бажаришлари, аксар мусулмон шаҳарларда, Бухоро, Наманган, Андижон, Хўжандда сайр ёки сайл номини олган фасод ва исрофгарчиликлар танқид ва ислоҳга лойиқ эмасми? Замона кундан-кунга маорифлашиб бораётган вақтда танқид этмай чорамиз йук, замонадан хабардор бўлиб, келажак ишларидан кўз юмган уламоларимиз инсофга келиб, эътибор билан қарасинлар. Не ажабки, Тошкентдек уламолар кўп идорамизда юзлаб саволлар жавобсиз тўпланиб қолса-ю, уларга ёқмай қолган мақолалар чиқса, муҳаррирларимизни айбдор санасалар, бу қандай диндорлик? Етар энди бизларнинг нифоқ тилёғламачиликларимиз, бир-биримизни гийбат қилишимиз...”<sup>77</sup>.

Журналда Туркистон мусулмонлари ҳанафий мазҳабида эканлигини ҳисобга олиб, мақолалардаги шаръий ҳукм ва фатволарни ҳанафий манбаларига асосланиб чиқарилишига ҳам эътибор берилган. Хусусан, “Илтимос ва умид” номли мақолада шундай дейилади: “Шундай бир пайтда Туркистонда “Ал-Ислоҳ” журнали пайдо бўлиб, ҳамман суннатга тарғиб қилиб, бидъатдан ҳалос қилди. Мусулмонлар эътиқодий ва амалий масалалар тўғрисида саволлар йўллаб, уларга уламоларимиз томонидан ниҳоятда равшан, ҳаммага тушунарли услубда, шева ва инбораларда жавоблар ёзмоқдалар.

“Ал-Ислоҳ”нинг биринчи сонидан бери мақолалар ёзаётганлар бор. Улардан: Аҳмадхўжа Эшон, Домла Исахон Аълам, Мулла Олимхон тўра Тўқмоқлик, Мулла Абдулжаббор Туркистоний ва бошқалар. Буларнинг ҳар бир мақолалари минг-минг ташаккурга лойиқ. Умидимиз шуки, улар бу ҳайрли ишларида давом этсалар, Аллоҳ уларнинг ўхшашини кўпайтирса. Яна шуни сўрардикки, уламолар жавобларида ҳанафий мазҳабига асосланиб, ҳанафий китоблардан жавоблар берсалар. Қўқонлик баъзи уламолар имоми Ғаззолийнинг қўшиқнинг ҳалоллигига айтган гапларини ёзибдилар. Имом Ғаззолий шофеълик мазҳабида бўлса, у зотнинг китоби фатво китоби бўлмаса. Бу китоб бизнинг Ҳидоя, Мухтасарул виқоя, Шарҳи виқоя китобларимиз баробарида эмас...”<sup>78</sup>.

“Ал-Ислоҳ” журналининг ҳар бир сонидан танқидий нуқтаи назардан ёзилган мақолалар мавжуд. Бу мақолалардаги мунозаралар

<sup>77</sup> Олимхон Тўра //Ал-Ислоҳ, 1916, 1-сон. –Б. 3.

<sup>78</sup> Мулла Фазлul Вахҳоб Қори Марғилоний. //Ал-Ислоҳ, 1916, 7-сон. –Б. 213-216.

журнал саҳифаларини қизқарли бўлишида аҳамияти катта. “Ал-Ислоҳ” журнали ўз даврида илм аҳллари қалбидан жой олганини “Музокаран ислоҳ” номли мақоладан билишимиз мумкин:

“Мадрасада оқшом хужрада ёлғиз ўзим ўлтуруб эдим. Ногоҳ эшик чертилгон овоз қулоғимга эшитила бошланди. Ман ичкари кирингиз дедим. Кируб салом бердилар. Қарасам ўз ошноларимдан бир толиби илм экан, жавоб саломдан сўнгра ўлтурмоқга ишора қилдим. Сандалнинг бир ёғина келуб ўлтурдилар, у бу ёғлардан сўзлашуб туруб сўз орасига “Ислоҳ” журналининг зикри келди.

Толиб: “Ислоҳ” хўб журнал бўлубдур.

Ҳа, ҳа. Албатта, хўб журнал бўлса керак. Чунки, уламо ва агниёларнинг химмат ва ғайратлари ила чикмишдур.

Толиб: “Ислоҳ”нинг хатлари ҳам гўзал ва баёнлари ҳам маънилик бўлубдур.

Ҳа, ошна. “Ислоҳ” журналига ёзилгон мақолалар уламоларнинг мақолаларидур. Шунинг учун хўб маънилик бўлса керак.

Толиб: Ман ҳам бир йиллик ёздуруб эдим, ҳар бир мақолани ўқуғон сари мақола ёзғувчи фузолларга ва химмати эткувчи Сайёҳ Афандига ташаккурлар айтурманки, шояд ушбу ислоҳ кўб замонлардан бери гафлатда ёткан халқимизнинг уйғонмоқларига сабаб бўлса.

Ҳа, ошна. Албатта, “Ислоҳ” журналини ўқумок ила гафлат пардасидан кўз очуб, замонанинг ҳолатидан бохабар бўлсалар керак.

Толиб: Халқимиз албатта олуб ўқурлар ва кўп фойдалар кўрурлар. Чунки, илм ўқумок фарздур. Ва бу ислоҳ журналига ёзилиш мақолалар ҳам ўшал фарз қилинмиш илмлардандур.

Ҳа, ошна. Албатта, илм ўқумок фарздур. Илмнинг фарзийяти эркак ва хотун ҳаммага фарздур. Илм ўқигувчи киши дунёда иззатлик ва охиратда шарофлик бўлур. Бинобарин ҳар бир мусулмонга ислоҳ журналини ўқумок ила ва бола-чақаларга ўқуб эшиттурмак фоидадан холи бўлмаса керак”...<sup>79</sup>.

“Ал-Ислоҳ” журналининг давом этиши учун моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга мухтож бўлганини кўплаб мақолалар орқали билишимиз мумкин. Шулардан бири, “Диний ишларда ҳамкорлик” деб номланган мақоладир. Унда шундай дейилади: “...Энди

<sup>79</sup> Абдулхай Маҳдум. //Ал-Ислоҳ, 1915, 4-сон. –Б. 126-128.



кардошларимиздан илтимоски, “Ал-Ислоҳ” давом этиши учун тил билан бўлсин ёки пул билан бўлсин, ёрдамларини дариг тутмагайлар...<sup>80</sup>”.

Журналда бутун халқни ислоҳ қилишга ундаб ёзилган мақолаларни ҳам учратганимиз мумкин. Шундай мақолалардан бири “Муҳтарам Туркистон мусулмонларимизга” номли мақоладир. Мақолада Туркистон мусулмонларига шундай мурожат қилинади: “Эҳтиром ила арз қилинурки, биз ҳаммамиз бир ватаннинг кишиларимиз ва бир отанинг болаларимиз ва бир худонинг бандасимиз ва бир пайгамбарнинг умматимиз ва бир шариятдамыз. Отамиз мусулмон, онамиз мусулмон ва биз ҳаммамиз мусулмонимиз ва мусулмонликда инкоримиз йўқдур. Аллоҳ таолодан келмиш жумла авомир ва тамом наҳийларга ва Пайгамбар (с.а.в.)нинг кўрсатилиш тақик ва буюрилиш амалларига дили жон ила амал қилмоқ муддаойимиз. Шу ила бўлса, биз мусулмонларга лозим шуки, ўз орамызда шуҳрат топмиш янги фикр ва эски фикр дейилмиш сўзларни ўртадан кўтарайлик. Ислом ва ислоҳиятимиз, эътиқод ва амалиётимизни Китоб ва суннат, яъни, Қуръон ва ҳадисга ва саҳобан киромларининг эътиқод ва амалларига мувофиқ қилайлик. Ботиний эътиқодимизни зоҳиримизга ва зоҳирий амалиётимизга ботиний эътиқодимизни тўғрилаб кўрайлик. Ҳар нима ислоҳ қилинадурган, хоҳ эътиқодимизда ва хоҳ амалиётимизда бўлса, уни Китоб ва суннат юзасидан аммаи мужтаҳидинларнинг кўрсатмиш ва англатмиш баёнларига мувофиқ ислоҳга келтурайлик.

Китоб ва суннатнинг авомир ва навоҳийларидан соил биродарларимизни огоҳлантирмак учун ҳозирги замонда газета ва журналдан ўзга восита йўқдур ва шунинг ила биз ўз биродарларимизга уламоларнинг қаламлари ила ёзилмиш Китоб ва суннатнинг маҳкамини еткиза оламиз. Бас, биз мусулмонларга лозим шудурки, ўз афкор ва ҳаёлотимизни мустақим қилиб, ислом ва исломиятимизнинг тарафига мутаважжих бўлайлук ва ўзимизнинг тамом ишларимизни, хоҳ диний бўлсун, хоҳ дунёвий, шарияти муставияга мутобиқ қилмак учун уламоларга ружуъ қилайлук ва аларнинг Китоб ва суннатдан кўрсатмиш буйруқлари ила ўзимизнинг зоҳири, ботинимизни ораста ва исломиятимизни ораста этайлук. Мавжуда исломиятимиздан

---

<sup>80</sup> Абдулжаббор ибн Нурмухаммад Туркистоний. //Ал-Ислоҳ, 1916, 23-сон. –Б.592.

доги мазаллатни кўтарайлук ва ўз диний саодатимиз ва дунёвий тараққиётимиз учун Китоб ва суннатнинг буюрилиш ҳукмлари ила саҳоба ва аниман мужтахиднинг тараққий оламида кўрсатмиш йўллари ила ўз тараққийимизга чора этайлук ва бу мақсадга ноил бўлмак учун мажаллаи исломиян Ислоҳни ўзимизга олий ва асбоб қарор билайлик. Чунки, мажаллаи Ислоҳнинг вазифаси мусулмонларнинг ораларидаги умумий мугайрият ва мунофиратни кўтариб, ҳаммани ислом ва исломиятга доим ва мустақим қилмақдур<sup>81</sup>.

Ушбу мақоладан кўриниб турибдики, хоҳ диний, хоҳ дунёвий ислоҳ бўлсин матбуот воситасида Китоб ва Суннатга таянишга алоҳида эътибор берилган. “Ислоҳ на билан бўлур” номли мақолада эса ислоҳнинг воситаси амру маъруф ва наҳий мункар, яъни, мусулмонларни яхшиликка ундаш ва ёмонликдан қайтариш эканлиги алоҳида таъкидланади:

“Жавоб улки, ислоҳ амри маъруф ва наҳий мункар билан бўлур. Чунки, амр ва наҳийнинг фойда ва самараси улдурки мусулмон қардошларимизни ҳақ йўлига далолат ва иршод этмакчи ул йўл аларнинг дунё ва охиратда бахтиёр ва саодатманд бўлмақларина бихақ замин ва мутакаффилдур. Бас, ифроди муслиминларнинг ахлоқ ва ақвомини ислоҳ ва интизомига биринчи сабаб амри маъруф ва наҳий мункардур<sup>82</sup>”.

“Саодатдорийн” деб номланган мақолада жамият маънавий етук эмаслигининг сабаби уламолар эканлигига урғу бериб шундай дейилади: “Хусусан, уммат ичига бидъат, маъсият, нафс ҳаво тўлиб турган бир замонда уламоларимиз бошларини кўтармасдин лозим қадар насиҳатда бўлмай сукут қилмақлари инкироз сабабининг биринчисидан бўлса керак”...<sup>83</sup>.

“Ал-Ислоҳ” журналида ислоҳотчилик масаласининг кўтарилишига эътибор қаратар эканмиз, ундаги “Ал-Ислоҳ” номли мақола эътиборимизни тортди.

Мақола 1915 йилда Туркистон уламоларининг ислоҳ борасидаги дунёқарашларини билишимизда далил бўлиб хизмат қилади: “Жаноби

<sup>81</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1915, 2-сон. –Б. 62-64.

<sup>82</sup> Саййид Аҳрор Маҳдум. //Ал-Ислоҳ, 1915, 3-сон. –Б. 85-88.

<sup>83</sup> Ушбу манба. 1915, 3-сон. –Б. 89-90.

Ҳақ ҳазратлари тарафидан Ер юзига юборилган расуллар, набийлар, замонларнинг энг буюк мужаддидлари, ғоят улуг ислоҳчилари эди. Улар пайгамбарлар ўз замонларида майдонга келгон ё худо эскидан қолгонда шуҳрат касб эткан хурофатни бор кучлари бирла халқнинг орасидан супуриб ташламоқга ижтиҳод этувчи энг фаол ислоҳчи эдилар. Алар қоҳинларга, мунажжимга қарши очган маънавий муҳорабаларида чин ислоҳни кўз олдига тутуб жиддий ҳаракатда бўлар эдилар. Улар авом қошида эскидан қолиб шуҳрат топмиш афсона ва хурофотларни қаттиқ душманлари эди.

Хотамун набийин афандимиз Муҳаммад (с.а.в) 7 асрнинг энг буюк муслиҳи, энг фаол ислоҳчиси, мужаддиди эди. У муборак зот ислоҳининг яхши самаралари, баракатли натижалари Европанинг даҳшатлик маданиятининг бу кунги аъло тараққийсининг асослари, муқаддималари бўлди. Замонда у муборак зотга Макка авоми тарафидан “диндан чиқди, йўлдан озди, мажнун” каби ҳақоратлар қилганлар.

Имомлар имомни муҳтарам “Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларида фикҳ масалаларини нашр этар кунларида Бағдод авоми “диндан чиқди, кофир бўлди” дея ул муҳтарам имомни ҳақоратлаб, ёмонлаб юришар эди.

Бу тарих бирла мусаббит воқеан бир ҳолдур. Шунга кўра, Тошканд шаҳрида нашр қилинур яхши исмли “Ал-Ислоҳ” мажалласига ҳар ҳолда сабот, матонат лозим бўлур. Туркистон қитъаси каби хурофат уяси бўлган бир ерда, ҳақикатдан йироқлашиб, хаёлатга нймон келтуруб, ҳар янги ишни шарнъатга хилоф каби қилишга ўрганган Туркистон мусулмонлари орасида “Ал-Ислоҳ” балки оғирликларга, кийинчиликларга учрага тўғри келур. Қаршусина чиқгон монельарга йўлига тўғри келган садларга “Ал-Ислоҳ” илтифот этмайинча бирор йил давом эдар эса яхши ислоҳнинг яхши самараси барокатинда хурофат, афсоналарнинг йўллари балки боғланур эди. Шубҳа йўқки, “Ал-Ислоҳ”нинг мундарнжасида, маслакида ғоят яхши, яхши ислоҳнинг яхши фойдаларинида Туркистон мусулмонлари тақдир эдарлар эса яна яхши бўлур эди. Дуруст: “Ислоҳ”нинг вазифасида бек буюқдур, чунки, мусулмон дунёсинда, хусусан, Туркистон мусулмонлари орасида

эътиқодий, ижтимоий масалалар орасида очик далиллар бирла танқид эдарга масалалар вориддур”<sup>84</sup>.

“Ислоҳ талаби”<sup>85</sup> деб номланган мақолада ислоҳ қилишининг биринчи йўли илм орқали бўлиши таъкидланади.

“Матбуот ва ислоҳ”<sup>86</sup> номли мақолада эса, шундай фикрларни ўқиш мумкин: “Бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг кўнглида қайнаган хаёлларининг, фикрларининг, маслақларининг энг муфассал таржимасидур. Бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг кўнглида яширинган, кўкрагида сақланган тилақларини, орзуларини, хаёлларини энг очик суратда кўрсатадиган ойнасидур. Бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг маънавий қувватининг тимсоли йигиндисидур. Бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг томирида оқиб юрадиган қонининг совук, иссиқ даражасини кўрсатадиган “мезонул ҳарора”сидур. Бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг ўтган кунини, келажагини ва унда бўлган ва бўлажак умидларини, йўлларини, қайгуларини сўзлайдиган бир тилдур. Бир миллатнинг ҳаёти ила матбуот орасида гоят буюк боғланиш бордур. Шунга кўра, халқнинг миллатнинг хизматлари, ишлари орасида матбуот вазифаси қадар қийин ва мушкул бир вазифа яна бўлмаса керак...”.

Жалолободлик Тожддин Бадалиининг туркий тилда хутба ўқиш ҳақидаги мурожатида Туркистон мусулмонлари ўртасида ислоҳ қилиш, уни “Ал-Ислоҳ” журнали воситасида амалга ошириш ҳақида куйидагича фикр юритилади:

“Чунки, бутун аҳли Туркистон, хусусан мусулмонлар ислоҳига гоятда муҳтожмиз. Бу, куёш каби аниқ муҳтожлигимизни инкор қиладиган одам бўлмаса керак. Ислоҳни фақат “Ал-Ислоҳ” журнали билан амалга ошириш қийин. Бунга узоқ вақт керак бўлади. “Ал-Ислоҳ”нинг муштарийси кўп бўлса, албатта, ислоҳимиз ривожланади.

Лекин, муштарийнинг озлигидан ислоҳимиз кечикади. “Ал-Ислоҳ”нинг бир сониди айтилганидек, баққол ва чайқовчиларимиз ҳам олиб ўқисалар, умид қилган ислоҳимиз амалга ошарди. Лекин,

<sup>84</sup> Имом Лутфуллоҳ Фахриддин. //Ал-Ислоҳ, 1915, 4-сон. –Б. 108-113.

<sup>85</sup> Мулла Мирзааҳмад. //Ал-Ислоҳ, 1915, 5 сон. –Б. 137-140.

<sup>86</sup> Имзосиз. 1915, 5 сон. –Б. 140-146.

1. Диний ислоҳ.
2. Илмий ислоҳ.
3. Амалий ислоҳ.

Диний ислоҳ: Шоръ, яъни, Худо ва унинг расули тарафидан амр этилмаган, балки, аксинча, наҳий қилингани эътиқодларга боғланиб бирор махлуқа фартн мужтидин ва зиёда ихлосдин қабрига ибодат ва зотига назр этмак ва бошқа бунга ўхшашларни ислоҳ қилмақдир.

Илмий ислоҳ 2 турга бўлинади: илм таҳсили ислоҳи ва илм таълими ислоҳи. Таҳсили илм ислоҳи ушбу асрларда аксар талабаларнинг юрган йўллари, ушлаган маслақлари ислоҳидин иборатдур. Чунки, Расулуллоҳ (с.а.в.) илмни фазилат саодатларини баён этиб, илмга тарғиб этсалар ҳам таълим, яъни, ўқитиш тартибини баён этмаганлар. Бас, маълум бўлдики, ҳар аср ва замон аҳллари ўз замон ва одатлари тақозосича ва ёки бирор фойдали ва қисқароқ маслақ ва шева билан ўқиш ва ўқитишни билурлар. Тартиб ва услублардин биринна боғланиб турмакка шарнат юзасидан ҳеч бир сабаб бонс йўқдур, балки бу умри азиз бебаҳони садафдан ҳазофни ихтиёр қилган мисолидин бўлуб фалсафа балки сафсата авҳамлари била сарф этмак улуг зийнокликдур.

Албатта, «Уламолар ворнсан анбиёдур» ҳадиси шарифи уламоин дин ва ҳадис ва ояти мубин уламоларига бўлуб махсусдур. Албатта, Аллоҳ таолонин танимак ва билмак илмидин била ҳосил бўлур. Харом, макруҳ муфсидалардин сақланиб, Аллоҳ таолонин азоб ва иқобидин холос топмак бу илм била ҳосил бўлур. Хулосаси такрор қилдимки, муҳтарам “Ал-Ислоҳ” мажалламиз уламо ва фузало тарафидин илмий ва диний мажалла бўлганлигидан таҳсили илм ислоҳининг нуқтасидин бирор андас масъала манзара оммада ислоҳга олмай туруб, “Ал-Ислоҳ” мажалласининг вазифасидан бирор нарса адо қилган бўлмасмиз<sup>92</sup>”.

Журналда илм олишнинг фазилати, уламоларнинг вазифалари ҳақида, таълим тизимининг ислоҳи ҳақида кўплаб мақолалар чоп эттирилган.

“Усули тараккий” мақоласида эса, мусулмонлар учун ислоҳ зарурми? деган савол қўйилади. Мақолада: “бизнинг замонамизда мусулмонлар таназзулга юз тутмоқда. Таназзулда дунё тараккиётининг

<sup>92</sup> Олимхон Шокирхўжа Эшон ўгли // Ал-Ислоҳ, 1915, 9-сон. –Б. 283-286.

3 усули: 1.Илм, 2.Давлат, 3.Ҳукумат. Бу уччаласи биздан кетган. Бошқа халкларда эса, бу учови тараққийдадир”, деган фикр илгари сурилган.

Журналнинг кейинги сонларида мазкур мақоланинг давомлари кетма-кет берилиб, уларда таназзулнинг сабаби мазҳабга безътибор бўлиб, ундан юз ўгирганимизда эмасми, деган фикр ўртага ташланади. Мақола охирида эса, ҳақ мазҳаб дунёвий тараққиёт учун гоят зарурдир, деган хулосага келинади<sup>91</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, “Ал-Ислоҳ” ўз номи билан жамиятни тубдан ислоҳ қилишни ўз олдига мақсад қилган журнал бўлган дейиш мумкин. “Ал-Ислоҳ” журнали ўз даврида Туркистон мусулмонлари ҳаётида муҳим ўрин тутиб, уларнинг дастурул амал қўлланмасига айланди.

## 2.2. ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ АКС ЭТИШИ

Матбуот – ҳар бир миллатнинг кўзгуси, улар орасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Халқ билан матбуотнинг орасида гоят буюк боғланиш мавжуд. Чунки, бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг кўнглида қайнаган, ҳаёлларнинг, фикрларнинг, маслақларининг ойнадаги муфассал таржимасидур. Бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг кўнглида яширинган, қалбида сақланган тилақларининг, орзую ҳаёлларини ойнага очик суратда кўрсатадиган ойнасидур. Бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг маънавий қувватининг тимсоли мажмуидир. Бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг томирида оқиб юрадиган қонининг совуқ, иссиқ даражасини кўрсатур. Бир халқнинг матбуоти ўша халқнинг ўтмишини, келажагини, ундаги йўлларини, қайғуларини сўзлайдиган бир тилдур. Ҳар миллатнинг ҳаёти билан матбуоти орасида гоят буюк боғланиш бордур сўзининг маъноси будир. Шунга кўра, халқнинг, миллатнинг хизматлари, ишончлари орасида матбуотнинг вазифаси нақадар қийин ва мушкул бир хизмат йўқдир. Шунинг билан миллатга матбуотнинг фойдаси қадар буюк фойда келтирган бир хизмат бўлмаса керак.

<sup>91</sup> Қаранг: Усули тараққий //Ал-Ислоҳ, 1915, 13-14-15-сонлар.

Лекин, шунинчун унутмаслик керакки, матбуотни сунестемол этиши сабабли миллат бошига балолар келар<sup>4</sup>.

Журналнинг ҳар бир сонидаги мақолалар матбуотга мана шундай юксак назар билан қаралган ҳолда ёзилган. Ушбу мақолалар ўз даври олимларининг Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга бўлган муносабатларини аниқлаб беришда муҳим аҳамиятга эгадир. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўз даврининг матбуоти воситасида ўрганиш аниқ хулосалар чиқариб, ҳолисона фикр билдиришга замин яратади.

Ислохотчиларнинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий йўналишлардаги баён этган фикрлари ўша даврнинг вақтли матбуотида ўз аксини топган.

“Ал -Ислох” журналининг тадқиқ этиш асносида журнал нашр этилган давр ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўзида акс эттирган мақолаларни ўрганишни ҳам ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бонси, бунинг воситасида тарихий мазмундаги мақолаларни ўрганиб, таҳлил этишдан иборат.

Шундай мақолалардан бири “Шавкати ва давлати давомли улуг подшоҳ ва суюкли императоримиз ҳазратларнинг Туркистон вилоятидан душманга қарши кўкракларини тутиб турган қаҳрамон аскарларга ёрдам учун ишчи сўрашлари ҳақида бир-икки хайрихоҳона сўз” номли мақоладир.

Бу мақолани чоп этилиши халқни бир оз тинчлантиришга ва 1916 йил 25 июндаги маҳаллий аҳолини фронт орти ишларига чақириш ҳақидаги подшоҳ фармонига бўйсуннишга қаратилган эди. Сабаби, бу мақола Туркистон халқ оммасининг феодал ва мустамлакачилик зулмига қарши энг йирик чиқиши 1916 йилдаги июль кўзғолонидан сўнг чоп этилган эди.

Бунга чор ҳукуматининг 1916 йил 25 июнда қабул қилинган “Уруш бораётган жойларда мудофаа ва ҳарбий алоқа иншоотларини қуриш, шунингдек, давлат мудофаси учун зарур бўлган жаминки бошқа ишларни бажариш учун рус бўлмаган аҳолининг эркак қисмини жалб этиш тўғрисида”ги фармони сабаб бўлди.

<sup>4</sup> Имзосиз. “Матбуот ва ислох” //Ал-Ислох, 1915, 5-сон. –Б. 140-146.

Ушбу фармонга мувофиқ, Туркистон вилоятларида яшовчи ва ёш 19 дан 31 гача бўлган 200 мингдан ортиқ зиёд эркак ана шу ишларга чақирилган. Яна қишлоқ хўжалик ишлари энг қизиқ турган вақтда бундай фармонни чиқарилиши халқни ғалаёнга келтирган эди.

Ўлкада зудлик билан сафарбар қилинувчиларнинг рўйхатлари тузила бошланди, аҳолига фронт ортидаги ишга чақирилганлар уч ойлик муддатда қайтиб келишлари, унғача уларнинг оилалари барча зарур нарсалар билан таъминланиши ваъда қилинди.

Маҳаллий маъмурият вакиллари мардикорликка чақирилган бойлик орттириш воситасига айлантириб юборишди. Бойларнинг ўгли пул билан қутилиб қолар, қашшоқ оилалар эса ягона боқувчисидан ҳам айрилди эди.

Бу ҳол кучли норозиликка олиб келди<sup>95</sup>.

Сафарбарлик тўғрисидаги фармоннинг эълон қилиниши аҳоли ўртасида қонли воқеаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. 1916 йил 4 июлда биринчи бўлиб Хўжанд халқи кўзғолон кўтарди. 1916 йил 10 июлга келиб, Эски Маргилон, Қўқон, Наманган, Андижон, Чуст ва бошқа жойларда катта ғалаёнлар содир бўлди. 11 июлдан 15 июлгача Фарғона вилоятининг турли жойларида сафарбарликка қарши ошқора талаблар билан чиқишлар бўлиб ўтди.

1916 йилнинг августида Туркистон генерал-губернатори Туркистон район муҳофазаси бўлими<sup>96</sup> маълумотлари асосида императорнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонини бажариш учун жадидларнинг ёрдамига суяниш ҳақидаги хулосасига қўшилди. Шу мақсадда у жадидлар етакчиси Убайдуллаҳўжанинг талабини қондириб, Андижон туманбошиси лавозимидан четлатилди. Мардикорликка олишда барча ишларни жадидлар раҳбарлик қилувчи “тузем қўмитаси” ихтиёрига топширди. Тошкентдаги “Тузем қўмитаси” раислигига Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаевни, унинг муовинлигига эса Мунаввар қори Абдурашидхоновни тайинлади<sup>97</sup>.

<sup>95</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. Т.: Фан, 1994. –Б. 223.

<sup>96</sup> Туркистондаги рус махфий снёсий разведка ва контрразведкаси “Туркистон район муҳофаза бўлими” деб аталган.

<sup>97</sup> Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида./ Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб. Т.: Шарқ, 2000. –Б. 434.



Куйидаги мақола 1916 йил 1 августда нашр этилган бўлиб, унда “Ал-Ислох” журнали идораси халқни подшо фармониغا бўйсуннишга чақирганини кўришимиз мумкин:

“Инсонларнинг табиа­ти донм бир-бирлари билан тўпланиб яшашни тақозо қилгани бонс қишлоқлар пайдо бўлди. Халойиқлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, бир-бирларига ёрдам бериб, максадларига эришмоқдалар. Уларнинг табиа­ти ва маз­ҳаблари адолатли, зулумкор ва ҳар хил бўлгани учун Аллоҳ Таоло ораларида мўътадилликни ушлаб туриш учун пайгамбарлар ва подшоҳларни юборади. Уларнинг турли қаршиликлардан сақлайди. “Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга ва унинг Расули (с.а.в.) га ит­оат қилин­глар. Ўзингиздан бўлган раҳбарларга ит­оат қилин­г...”

Миръат ус сақолайн ва ҳидоят ул фариқойн”да подшоҳларга ит­оат этиш тўғрисидаги саволга: “Уларнинг хурсандликларига хурсанд бўлиш, ғамларига шерик бўлиш, бошқарувида ёрдам бериш, мамлакат интизоми ва низомида кўмаклашиш, омманинг тинчи билан бўлган қонунларни амалга ошириш, душманларини душман, дўстларини дўст деб бил­ниш ит­оатдир.

Аллоҳ Таолонинг бандаларга берган пайгамбарлардан (с.а.в.) сўнг энг яхши неъмат­и подшоҳлардир. Чунки, улар бўл­маса, халойиқнинг мо­лу жонига путур етиши аниқ.

Бу ўрнида оят ва тафсирдан сўзлаш менинг вазифам бўл­маса-да, ватандошларимизга бир икки хайрихоҳона сўз айтишни вазифам деб биламан. Зеро исломият шун­и тақозо қилади.

Аллоҳ таолонинг “Қуръони қарим”да Муҳаммад (с.а.в.) воситалари билан миллати Ислом­ияга берган таълимларидан бири подшоҳ ва раҳбарларга бўйсун­ишдир. Бошқа оятда: “Ўзингизни ўз қўлингиз билан ҳалокатга улоқтирманг” деб буюрган­дир.

Азизлар, Аллоҳнинг амрини бажармасликнинг натижаси қандай бўлса, подшоҳларнинг амрини бажармасликнинг самараси ҳам шундай бўлади. Ўз жонига қасд қилишнинг гуноҳи неқадар экани ҳадислардан маълум. Мен бу хусусида оятларнинг тафсири, муфассир ва муҳаддисларнинг фикрларини баён қилмоқчи эдим. Лекин, вақт бевофол­лик қилди. Каъб (р.а.): “Мусулмонлар бир бирларига зулм қила бошласалар, давлат бошқаларга ўтади”, деганлар.

Подшоҳимиз томонидан ушбу икки йиллик шиддатли уруш майдонидаги қора хизматлар билан боҳоланган Ватан дўстларини душманга қарши қаҳрамон аскарларнинг қаторларига чиқариш учун ўринларига бошқа ишчилар олиш тўғрисидаги хоҳишлари бошликлар томонидан шаҳар ҳокимлари воситаси билан Шайх Хованди Тоҳур жомеъ саҳнида амалдор қозилар, мингбошилар, элликбошилар, қорилар, мударрислар, эшонлар ва бошқалар йиғилдилар. Мусулмон ва руслардан ҳаммаси 7000 ишчи олинди айтилиб, барчага етказинглар, бу хусусида ҳукумат идораси доимо сизлар учун очиқ, деб айтилди. Йиғилганлар бу ишни маслаҳатга қолдирдилар.

Бу иш улуғлар томонидан тинглаувчиларнинг киёфалари ўзгармасдан уларга ташвиш келтирмас даражада тадбир қилишлари сўралди.

Эшитишимизча, фойда ва зарарни ажрата оладиган ва маълумотлари етарли аёнлар мазкур фармони ҳумаюнга бош ечиш билан юртга оғирлиги сезилди. Баъзи ишларни енгиллатиш, ожиз фуқароларнинг иқтидоридан хориж таклифларни юмшатиш учун улуғларимизга мурожаат қилдилар. Сирдарё губернатори генерал лейтенант Галкин жанобларингиз бўлса, оғзаки ё ёзма тақдим қилинганлар, деган фуқоропарвар фармойишлари мамлакат аёнларининг умид билан берган аризаларидан махрум қилинмаслиги кўрсатиляпти.

Азиз диндошларимизга ҳам улуғларимиз сингари бу ишларга бўйсунилари тавсия қилинади. Чунки, бу хизмат у қадар ваҳимали эмасдир. Ватандошларимиз душманга қарши жонини тикиб қурашаётган бир пайтда, императоримизнинг чиқарган қора хизмат тўғрисидаги фармондан бош тортишимиз инсонийликдан узокдир.

Чунки, Ватанни муҳофаза қилиш барча фуқорога лозимдир. Бундан бош тортишимизнинг натижаси кечаги воқеадир. Кечаги воқеа бош тортишдан эмас, балки катталар билан муамола одобини билмаслик натижаси бўлса ҳам, оқибати яхши бўлмади. Бўйсунимиз билан биз бир неча амрларни бажарамиз. Биринчидан, Аллоҳнинг “Раҳбарларингизга итоат қилинг” деган буйруғини бажарамиз. Иккинчидан, “Ўзингизни ўз қўлингиз билан ҳалокатга улоқтирманг” оятига хилоф қилмаган бўламиз. Учинчидан, Императоримизнинг фармонларини қадрлашимизни бошқаларга кўрсатамиз. Тўртинчидан,

50 йил давлати соясида яшаганимиз императорга садоқатимизни кўрсатамиз...

Энди, императорга садоқатингизни кўрсатиб, тарих саҳифаларда қолиш учун бу буйруққа бўйинсунишга ғайрат қилинг. Фарзандларингиз, молингиз ва барча миллатдошларингизни ҳаётини барқарор қилинг. Шу кунга, уламоларимиз томонидан бу буйруққа бўйинсунишга ундаб бирор бир мақола келарканми, деб кутаётгандик. Охири, ўз иктидоримизга яраша бир икки оғиз сўз айтишга жазм қилдик.

Аллоҳ Таоло императоримизни, волидан мухтарама, завжан муқаррама, валийаҳд шахзода ва барча ходимлари билан самовий бало ва замин офатларидан ўз паноҳидан асраб, вазирлар, амирлар, аскарларини голиб қилсин. Душманларни мағлуб қилсин. Ватан мудофаасида иштирок этиш ниятида бўлганларни душмanning мағлубияти билан башорат қилиб, барча кийинчилардан озод қилсин”<sup>98</sup>.

1916 йилги кўзғолон жадидларнинг ғоявий қарашларига сезиларли таъсир кўрсатди. У миллий-озодлик курашининг кучайиши, миллий мустақиллик ғоясининг кенг ёйилишига туртки бўлди. Жадидлар бу даврда мустамлака ҳокимиятининг ўзбошимчалигини фош қилишда нозик снёсий йўл тутдилар. Улар “мардикор олиш бўйича ерли маҳаллий кўмиталар воситасида кўзғолончиларнинг озодликка интилишларини кўллаб-қувватлашди, куч ва имкониятлари доирасида уруш ортидаги ишчилар қисматини енгиллаштириш, ҳокимиятнинг таъминотдаги ўзбошимчалик ва зўравонликларини бартараф этиш учун барча чораларни кўрдилар”<sup>99</sup>.

Биринчи жаҳон уруши муносабати билан чоп этилган мақолалардан бири “Сугиш заёмга ёзилинглар” деб номлангандир: “Петроград. Мамлакатнинг жуда кўп шаҳарларидан Сугиш заёмга ёзилишлари жуда муваффақиятли равишда давом этганлиги ҳақида телеграммалар олинди. Масалан, Қозон, Ивановский, Светанол, Мошлов ва бошқа шаҳарларда заёмга ёзилиш миллион сўмлардан ошган. Халқнинг жуда кўп қисмида заём шартлари ҳақида хабардорлик ортган сайин заёмга

<sup>98</sup> Идора. //Ал-Ислох. 1916. 15-сон. –Б. 462-469.

<sup>99</sup> Садыков Х.Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за национальную независимость в начале XX века, Автореф. дис. докт. ист. наук. –Т., 1994, Б.28.

Ўзлиши дарди бўлса экан. Нега бўлмасин. Заёмнинг ватан аҳолисига хос эканлиги, ватан ичра тарқатилиши фуқоролар учун фуқоропарвар подшоҳнинг марҳаматидир. Чунки, бу заёмлар мамлакатдан ташқарига тарқатилганда эди, бир миқдор фойданинг Ватандан ташқарига чиқиб кетиши аниқ эди. Бу хусусида ватандошларимиз ўз хожатларидан зиёда пулларига заём қозонини олишлари Ватан мудофасида иштирок этиш, эҳсон қилиш бўлиб, азиз инсонларини Ватан ҳимояси учун қурбон этаётган боҳодирларга бу ҳам бир ёрдам. Ушбу заёмда иштирок этишимиз ўз садоқатимиз, ихлос ва муҳаббатимизни юзага чиқаришдир.

Фарғонадан Қўкон аёнлари, қозилар бош бўлиб, ҳамма касиб ва тижоратчилардан 1000 сўмдан олиб, 50 сўмгача банклардан заём қозони олишни бошлабдилар. Қозиларнинг бу борадаги ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Чунки, катталар, бошлиқларнинг ғайрати бошқаларнинг ғайратига сабаб бўлади. Биродаримизнинг ушбу заём олиш хусусида “Ислоҳ”да ўтган банкка тегишли мақолаларини далил қилиб, тортинмасликлари умид қилинади. Муҳтарам қози, эшон ва уламоларимизнинг, банк тўғрисида мақола ёзган биродаримизнинг ҳам бошқаларни кизиктириш учун ушбу заёмда иштирок этишлари садақа қилган билан баробар бўлса керак”<sup>100</sup>. Ушбу масалага шарнат нуқтаи назаридан хужжат-далил сифатида қуйидаги “Зарурат муҳокамаси” номли мақола нашр қилинган:

“Ал-Ислоҳ”нинг баъзи сонларида рибо ва банкдан пул олиш хусусида саволлар ворид бўлиб, баъзи уламолар фойда билан пул олиш жоиз ва дуруст эмас деб, жавоблар ёзган эдилар.

Лекин, замон бошқарувининг тақозосига қараб, мусулмонларнинг бало ва машаққатларини эътиборга олиб, жоиз ва дуруст эканлигини муҳим ва зарур деб билишда “Қинния” каломига ва Саййид Аҳмад ал-Ҳамавийнинг каломига суянилади. “Қинния”да айтилганки, муҳтожга фойда эвазига қарз олиш жоиздир. Ҳожат зарурат ўрнидадир”<sup>101</sup>.

Туркистон мусулмонларининг Суғиш (уриш) заёмига ёзилишларининг сиёсий аҳамияти эса, қуйидаги “Жаноби подшоҳга ҳамдардлик” номли мақолада ўз аксини топган: “Туркистон фуқороларни душман ёмонлигидан муҳофаза қилувчи жаноб улуг Императоримиз

<sup>100</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1916, 8-сон. –Б. 242-243.

<sup>101</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1916, 8-сон. –Б. 243.

ушбу кунларда заём коғозини чиқариб, ёрдам қилиб, неча минглаб жонларини қурбон қилиб, бизни душман асоратидан муҳофоза этишни эътиборга олиб, иқтидорли мусулмонларимиз мазкур заёмни чиройли қабул қилишлари сўралади”<sup>102</sup>.

Заёмга ёзилишга ундовчи мақолалардан яна бири “Аскарний заёмга иштирок” номли мақоладир. Унда ёшилишича: “Баланд даражали Туркистон генерал-губернатори 1916 йил 1 ноябрь 307 рақам билан Туркистон вилоятига ушбу тарика фармойиш қилди. Подшоҳи Аъзамимиз император ҳазратлари подшоҳлик хазиналари ривожлик бўлиб, аскарликка кетган харажатларни тўлдириш муддаосида ушбу икки подшоҳлик 5,5 % лик ижарага қисқа муҳлатлик қарз коғозни уч миллиард сўмга чиқаришни буюрдилар. Ушбу 1 ноябрдан бошлаб подшоҳлик ва ажнабий банкларда мазкур қарз пулларининг рўйхати очилган. Бу қарзнинг манфати қай даражада эканлигини сўраш ортиқча. Чунки, ватанни севувчилар ҳозирги уруш тарихда бўлмагани, буни қандай тугатиш кераклигини билсалар керак. Лекин, мен фармони олий билан менга топширилган бу вилоятнинг барча фуқоролари мазкур амри олийга ихлос, ҳамки хатлик билан ёрдам беришларига каттик ишонаман.

Манга тобе вилоятнинг фуқороларининг ўзлари меҳнат билан йиғган ва ортиқча билан аскарликка ёрдам қилиб, подшоҳ шу билан пулларни кўпайтириб, душманнимизни мағлубиятига сабаб бўлади. Буни халойиққа эълон қилиб, бу вилоят губернаторларидан, Закаспийский областининг бошлиғидан ва Бухоро полиция агентидан илтимос қиламанки, улар қўлларидан келган ҳаракатни қилиб, бу қарзнинг моҳияти ва маъносини Туркистон аҳлига, хусусан, қишлоқ аҳлига тушунтирилар, ва ҳозирда молия вазирининг қилган буйруғи ва кўрсатган тартибларга биноан қандай иш қилаётганликларини, менга маълум қилишларини амр қилиб, ҳамда бу қарзни олиш қайдаражада ривож топиб турганини бу қарз тугагунча ҳар вақт маълум қилиб турсинлар. Ҳар маълумотларида, хусусан, бу қарз пул коғозини мусулмон фуқоролари қандай ихлос билан олиб турганларини баён қилсинлар”. (“Туркистон” газетаси 59 сон.)

Муҳтарам “Ал-Ислох” ўқувчиларидан идора камоли эҳтиром билан илтимос қиладикки, ушбу аскарний заёмга мумкин қадар ўзлари билан

<sup>102</sup> Идора. //Ал-Ислох, 1916, 8-сон. –Б. 244-245.

нштирок этиб, ватанпарварликларини юзага чиқариб, ҳамиятларини билдирсинлар<sup>103</sup>.

Яна шундай мақолалардан бири “Изҳори ташаккур” номли мақоладир. Унда куйидагилар ёзилган: “Бир неча кунлардан бери рўй берган ҳодисаларга кўра Туркистонда бир неча йиллар умр кечириши билан Туркистонликларнинг содда дил сиёсат оламиндан ноошна ва салтанат одобидан бегона бўлишини англаган бир зотни генерал-губернатор қилиб таъйин қилишнинг зарурати подшоҳимиз сезганидан Шимолий фронт кўмондони генерал Куропаткин жаноблари 1916 йил 17 июлда фармон билан Туркистонга генерал-губернатор, Туркистон военный округига аскарый бошлиқ тайин бўлиб, 8 августда ҳукумат маркази Тошкентга етиб келишлари биз туркистонликларни хурсанд қилди. Шундай огир кунларда шарафбахш бўлганликларига “Марҳабо, хуш келибсиз! дейишимиз ва фармонга бўйсунушимиз лозим бўлди. Чунки,, зоти олийларининг соясида эҳтимом булутидан кутулдик. Жазога тортилганлар озод қилинди. Аҳолининг ҳаяжонига сабаб бўлган мардикорликка олиш камайди. Норасидаларнинг арзу додлари учун умумий дарвоза очилди.

Аллоҳ таоло марҳаматли подшоҳимиз ҳазратларини онаси, завжаи муҳтарамаси, валиаҳд Шаҳзода, хонадони олий, вазиру амирларини барча офатлардан паноҳида асраб, аскарларини музаффар, мансур, душманларини мағлуб ва мақхур қилсин. Омин.

Петербургдан шахримизга ташриф буюрган азиз меҳмонларимизга ташаккурларимизни изҳор қилиш билан фуқаронинг ташаббусларининг сабабларига ташаббуслари ва кўмаклари тўғрисида ҳиммат қилишга буюришларидан умидвордирмиз. Аллоҳ Таоло фуқоролар кечирган заҳматларига ажри азим ато қилсин. Омин”<sup>104</sup>.

1916 йилги кўзғолонда халқ ғазабининг чеки кўринмас эди. Мустамлакачилар воқеаларнинг бундай боришидан ташвишга тушиб қолдилар.

1916 йил 17 июлда Николай II нинг фармони билан Туркистон ҳарбий округида ҳарбий ҳолат жорий этилиб, фуқаролик бошқаруви тўла равишда ҳарбий кўмондонлик ихтиёрига топширилди. Генерал-губернаторга ҳам бош кўмондон сифатида катта ваколатлар берилди.

<sup>103</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1916, 23-сон. –Б. 590.

<sup>104</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1916, 16-сон. –Б.478-479.

Тезлик билан жазо отрядлари тузилди. Жойларда ҳарбий гарнизонлар ва миршаблик қисмлари ишларини кўриб чиқиш учун ҳарбий-дала судлари ташкил этилди. Аммо кўзголон алангасини бундай фавқулудда чоралар ҳам тўхтата олмади<sup>105</sup>.

Мавжуд сиёсий тузумга нисбатан “Ал-Ислоҳ” журналининг муносабати қуйидаги “Шукри неъмат неъматининг айлар зиёд ношукурлик қилмангизлар, эй, ибод” мақоласида ҳам ўз аксини топган:

“Неъмат берувчига шукр қилиш вожибдир. Неъматга шукур қилсанг, неъмат барқарор бўлади. Неъматга қуфр келтирсанг, у сендан кочади. Шукр қилишда уч асл бор: **Биринчиси** илм, **иккинчиси** ҳол, **учинчиси** амал. Илм шуки, шукр қилиш учун уч нарсани билиш лозим.

1. Неъматнинг неъмат эканлини. 2. Бу неъматни берувчи ким эканлини. 3. Бу неъматнинг ўзига берилганини билиш керак. **Иккинчиси**: асл ҳолдир. Бу илмнинг ёрдами билан ҳосил бўлади. Бу ҳол неъмат бергувчидан хурсанд бўлишдан иборатдир. Яъни, неъмат берувчига бўйсуниб, амрига итоат қилиш. **Учинчиси**: асл ушбу хурсандчилик билан амал қилишдир. Бу амал дил, тил ва аъзоларга тааллуқли топади. Дилга тааллуқли топганда неъмат берувчи ҳақида доим ичидаю ташида яхшиликни ният қилди. Тилида эса, неъмат берувчини ҳамниша мадҳ этади. Аъзоларда эса, неъмат берувчининг амрига мувофиқ ҳаракат қилдириш тушунилади. Кимки неъмат берувчининг амри ва хоҳишига мувофиқ амал қилмаса, у неъматга қуфр келтирган бўлади.

Бу муқаддималардан мақсадимиз шуки, биз Туркистонликларга Россиянинг соясида бўлишимиз Аллоҳ Таоло томонидан берилган улуг неъматидир. Бу неъматни қадрини билиш ва унинг шукрини келтириш ва подшоҳ ҳазратларидан 25 июнда содир бўлган фармони ҳумоюнлини эшитиб, итоат қилиб, дилда хурсандлик ва муҳаббат билан қарши олиб, ихтиёру ризоликларимиз билан жойига қўйиб ҳаммамизнинг бурчимиздир. Россияга тобеъ бўлган тарихимиздан то ҳозиргача ҳеч бир камчилик кўрмадик. Номимизга, жонимизга, молимизга, динимизга ҳеч бир тамондан зулм қилинмади, давлат, тижоратларимиз, бутун маншатиимиз кундан кунга тараккий этмоқда. Ҳамниша роҳатда яшамокдамиз. Ҳеч бир жиҳатдан Россия давлатига қуфрона неъмат қилишга йўл йўқ. Агар биз бир марта инсоф билан мусулмон

<sup>105</sup> Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида./ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Т.: Шарқ, 2000. –Б.423.

хонимиз асридаги тартибсизлик, зулм ва жабрларни, фуқораларнинг тортган машаққатларини, мамлакатларнинг хароблигини, мусулмон ҳокимларимизнинг қилган зулмларини, савдогарларнинг йўларида кўрган кулфатларини тарих саҳифаларидан кўрсак ёки ўша асри кўрган ота-боболаримиздан эшитсак, Россиянинг ҳимоясидалигимиз бизларга қандай улуг неъмат эканини англаб етамиз. Жумладан, бир мисол келтирамиз. Бир вақтлар кипчоқдан хон бўлиб, ҳамма амалдор саркардорларни кипчоқдан қўйиб, 3,4 ой ичида мусулмонларнинг молларини тортиб олиб, уйларига бостириб кириб, номусларига тажовуз қилганларини кўрганлардан эшитганмиз. Лўлидан ҳоким бўлиб, у ҳам бу ишларни оз фурсатда қилгани экан.

Мана 15 йил бўлибдики, бирор бир рус ёки ғайри рус бир одамнинг номусига тегибди, деган гапни эшитмадик. Бу давлатнинг қадрини инсоф билан билиб, подшоҳ, у зотнинг оила аъзолари аъёнлари, ҳокимлари, душманга қарши урушаётган аскарлари ҳаққига дуо қилиш биз учун қарзидир. Фақат дуо билан эмас, балки мол ва жонимизни фидо қилиб, садоқатлигимизни кўрсатишимиз лозимдир. Расулulloҳ (с.а.в.) айтадилар: “Ҳар бир маййитга намоз ўқинг ва ҳар бир амри билан жиҳод қилинг”.

Подшоҳлар фуқороларга шафқатли бўлиши вожиб бўлганидек, фуқоролар ҳам подшоҳининг амрига бўйинсуниши, керак бўлса, моли ва жонини олмаслик вожибдир. Дин ва дунё интизоми шу тариқа итоат этишга буюради. Ким бу тариқа итоат этмаса, ўзи, оиласи ва юртига зарар қилган бўлади. Ўз оёғига болта урган бўлади. Валий неъматнинг қадрини билмай, унинг хилофига иш қилиш, дин, диёнатдан узоқ, одамийлик, ақл ва шариатдан йироқдир. Ҳукумат билан фуқоронинг ҳаддини билмаганлар, кўз қўяман деб қош чиқарувчилар, дўстман деб душманлардан ёмон зарар келтирувчилар, нодонларни ҳукуматга қарши ишларига тўсқинлик қилиб, турли тадбирлар билан ҳукуматга сидки дилдан итоат эттиришлик лозим. Токи уларнинг касрига минг, миллионлаб одамлар ҳукуматга осий бўлмасин”<sup>106</sup>.

“Ал-Ислоҳ” журнали таҳририяти Туркистонда бўлиб ўтаётган сиёсий можароларга бефарқ қараб тура олмаганлигини юқоридаги мақолаларда ўз исботини топган. Мақолалар мавжуд сиёсий тузумни

<sup>106</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1916, 5-сон. –Б.159-160.



қўллаб-қувватлаш маъносида ёзилганлиги журналнинг тақдирдан чўчиган ҳолда нозик сиёсий йўл тутганларидан бўлса керак.

Журнал саҳифаларида турли эълонларни нашр қилинганлигини ҳам учратишимиз мумкин. Шулардан бири “Маълумот” журнали ҳақидаги эълондир. Унда: “Уфа шаҳрида Оренбург маҳкаман шаръиядан маълумот олиш учун “Маълумот” номли журналнинг биринчи сони идорамизга келди. Журналнинг нашри маҳкаман шаръия ва масъул муҳаррири қозиларидир. Мажалланинг мундарижаси 2 қисмдир. 1-қисми расмий, 2-қисми норасмий. Расмий қисмдаги мундарижа Оренбург вилоятига хос бўлса ҳам, норасмий қисмида диний ваъз ва насиҳат, саволлар ва жавоблар бўлиб, мусулмонларга фойдалироқ кўринур.

Ҳозир ойда 2 марта нашр бўлса ҳам, муштарийлар ортгани сабабли, ҳафташ бўлган. Йиллик баҳоси 3 сўм, ярим йиллик 2 сўм. Битта сони 20 тийин.

Аллоҳ таолодан ношир ва муҳаррирларга мажаллани давом эттиришда муваффақият тилаймиз”<sup>107</sup>.

Журналда яна “Ислоҳ” кутубхонасининг очилиши ҳақидаги “Башорат” номли мақолани ҳам учратишимиз мумкин. “Ҳамдлар бўлсинки, Тошканд мусулмонларида ҳам маориф тараққий этмакдадур. Бундан бир неча замонлар муқаддам “Мактаб” кутубхонаси, “Турки” кутубхонаси очилмиш эди. Эндиликда “Ал-Ислоҳ” идорасининг тарафиндан “Ислоҳ” кутубхонаси очмоқга ҳам Ҳақ таоло муваффақият берди. Шаҳримизда бу ила кутубхоналарнинг кундан-кунга кўпаймаги мусулмонларда илм ва маорифнинг тараққийсининг сабаби бўлса керак.

“Ислоҳ” кутубхонаси фақат янги асарларда махсус эмас. Балки, янги асарлар ила дарсний, ва ғайри дарсний, салафи солиҳин асарлардан ҳам фуруш қиладурғон кутубхонадур. “Ислоҳ” кутубхонасида ҳар турли маорифига дарслик, нақш, харита, дафтар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳам мавжуд ва яна эски мактаб, янги мактаб ва румий мактабларда ўқиладурғон дарси русли ва ғойри русли китоблар топилур. Ушбу янги очилмиш “Ислоҳ” кутубхонасида биродарнинг таважжух этмаклари умид қилнади”<sup>108</sup>.

Биргина Тошкентнинг ўзида бобийлар ва баҳонийлар тарафидан “Туркистон”, “Ислоҳ”, “Осиё” (ҳозирги Чорсу бозорида жойлашган

<sup>107</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ. 1916, 18-сон. –Б.520-524.

<sup>108</sup> Қори Мирзо Аҳмад //Ал-Ислоҳ, 1915, 7-сон. –Б. 224.

вилоят кутубхонаси) ва бошқа кутубхоналар, кироатхоналар ташкил этилган бўлиб, улар халқимизнинг турли қатлам вакиллари ўртасида маърифат тарқатиш, халқнинг маданий савиясини ўстириш, сиёсий ва миллий онгини уйғотишда катта роль ўйнади<sup>109</sup>.

“Ал-Ислоҳ” журнали муҳаррири Абдурахмон Сайёхнинг бобий мазҳабига эътиқод қилгани ҳақида ва журнал бобийлик наشري деган қарашлар мавжуд бўлгани сабаб кутубхона ҳам бобий ва баҳоний жамоалари тарафидан ташкил этилган дейилмоқда.

Журнал саҳифаларида яна янги чиққан адабиётлардан хабардор қилиб турилган. Шундай мақолалардан бирида “Туркистонликларни Туркистон тарихи ила табрик этармиз” номли мақолада “Тарихи Туркистон” номли китоб батафсил ёритиб берилади:

Кўп замонлардан буён иштиёкинда орзусинда умидинда ўлдикмиз тарихи Туркистон “Туркистон вилояти газети”<sup>110</sup>нинг муҳаррири бўлган муҳтарам Мулла Олим Махдум афанди қаламлари ила ҳозирда икки жилд яъни, 219 саҳифа узра Туркистон шеvasида, минҳий хуруфда, аъло коғозда, ўрта даража қитъада ҳар кимнинг қўлинда сафар ва ҳазарда маҳфил ва мажлисларда олуб юрувина, ўкувина ва мутолаа қилувина гоят мавзун ва муносиб суратда мураттаб тарафиндан тобеъ ўлуб муштоқ ва орзумандларнинг назарларина пешкаш ўлинди.

Бунинг мундарижоти Бобирхоннинг ўзбекхонлари ила Самарқанд музофатинда этдики муҳорибедан мағлубият ила қочуб кетуб тургон ҳолинда Хўқанд бино бўлмасдан илгари Хўқанднинг ҳозирги мавзеъиндаги сойнинг гузаргоҳига шаҳар бино қилинув умидинда ўзининг олтун бешиқиға боғланмиш ёш боласини ташлаб кетувиндан ва ул олтун бешиқға боғлангон болага 10 восита ила етадургон Шохруҳхон исмли Бобир авлодининг 18 ёшинда ул музофатға ҳукмрон таъйин

<sup>109</sup> Туркистон Чор Россияси мустамлакачиллиги даврида./ Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб. I-китоб. Т.: Шарқ, 2000. –Б. 261.

<sup>110</sup> “Туркистон вилояти газети” биринчи маҳаллий вақтин матбуот наشري сифатида ўзбек маданияти, санъати ва адабиётининг тараққиётида алоҳида ўрни тутади. Бу куннома 1872 йилдан 1883 йилгача Туркистон генерал-губернаторининг наشري бўлган “Туркестанские ведомости” кунномасининг ўзбекча нусхаси сифатида унга илова тарзида чоп этилган. 1883 йилдан бошлаб алоҳида ўзбекча куннома сифатида Тошкентда нашр этилган, 1885 йилдан “ТВГ”нинг бир томони “Туркестанская Туземная газета” номи билан рус тилида рус алифбосида чоп этилган. 1908, 1909, 1910–1914 ва 1915 йилларда ушбу нашр саҳифаларида “Тарихи Туркистон” асари чоп этилган.

бўлувдандан ва сана 1121 ҳижрийда Шохруҳхоннинг хонлик маснадиғи ўлтурувдандан ва Хўқанд шаҳрининг бино қилинувдандан Туркистон ва Фарғона вилоятининг Русия идорасинна кечувина қадар ва Русия давлатининг бу вилоятларда бошқорувдандан 1915 мелодий ва 15 июл, яъни, 50 йиллик юбилейиғача Туркистон ва туркистонлиларнинг аҳвол мози ва ҳолиялариндан иборатдур.

Туркистон хонлигининг инқирозина нелар сабаб ўлдикини ва Русия олина на турли кечмишини ва 50-йил зарфинда Туркистон ва туркистонлиларнинг зироати, тижорати, тамаддуни ахволатларин билмак ва англамак учун туркистонлиларга она тилинда бундан аъло китоб ҳозирғача нашр ўлмаишдур.

Китобнинг аҳамиятина, қоғознинг яхшиликина, ҳарфнинг очукликина назарон 75 тийин баҳо қўйилуви ношнр тарафиндан ватан авлодина мурувват ўлса керак. Ватан авлодина ҳар шайдан зарур, яъни, ватаннинг, ота ва боболарнинг ўтмиш ва кечмиш ҳолатларина ойна даражасинда ўлон ушбу китобнинг фақат 1000 дона босилуви ва тобъ ўлуви бизи афсусда колдурди. Ушбу “Тарихи Туркистон” муштоқларининг эски Тошкандда “Ислоҳ кутубхона”сина ружуъ қилувлари маржудур”<sup>111</sup>.

“Ал-Ислоҳ” журналда яна Ўрта Осиё тарихини муфассал ёритиш мақсадида бир неча тарихий мақолалар нашр этилган. Шулардан: “Тарихи Бухорон Шариф” номли мақоладир. “Мадориси Бухорон Шариф” номли мақолада Қўқалдош, Мир Араб, Абдуллахон мадрасаларининг тарихи баён қилинган<sup>112</sup>.

### *Иккинчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:*

1. Туркистоннинг 1915 йилги маданий ҳаётига ислоҳ лозим бўлиб, уни ислоҳ қилишнинг воситаси айнан “Ал-Ислоҳ” журнали бўлган.

2. Журнал воситасида жамиятни диний, ахлоқий ва ижтимоий жиҳатларни ислоҳ қилишга, эскидан одат бўлиб юкланган ношоиста бидъатларни тозалашга ҳаракат қилинган. “Ал-Ислоҳ” мусулмонлар орасида ёмон хулқларни йўқотиш ва яхши хулқларни тарқатиш учун хизмат қилган.

<sup>111</sup> Ал-Ислоҳ, 1915, 17-сон. –Б.537-538.

<sup>112</sup> Имзосиз. //Ал-Ислоҳ, 1915, 5-сон. –Б.135-137.

3. Туркистон халқининг таназзули учун дин эмас, илмсизлик, безътиборлик, ташқи алоқаларнинг узиллиб қолганлиги асосий сабаб қилиб кўрсатилади. Безътиборликнинг асосий айбдори сифатида сууткаш уламолар айтилади. Шу сабабли илм ислоҳи билан бир қаторда уламоларнинг вазифаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

4. “Ал-Ислоҳ” журналининг ҳар бир соннда танқидий нигоҳ билан ёзилган мақолалар учрайди. Бу мақолалардаги баҳс-мунозаралар журнал саҳифаларининг долзарб, кизиқарли бўлишида аҳамияти катта. Бу, айниқса фикҳий мазҳабга онд масалаларда кўзга ташланади ва, албатта, жавобларнинг ҳанафия мазҳабига асосланиб берилиши талаб этилади. Шунингдек, бу ҳол қадимчилик билан жади́дчилик борасидаги фикрларга ҳам тааллуқли. Журнал ҳурфикрлилик тамойилигига асосланганлиги боис ҳар қандай қарашни мунозара майдонига олиб чиқа олган. Илмий баҳс-мунозаралар натижасида эса жамият ривожини учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолис фикрлар юзага келган.

### **III БОБ. “АЛ-ИСЛОҲ” ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА ИСЛОМ МАЪРИФАТИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ**

#### **3.1. ИСЛОМ МАЪРИФАТИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД МАВЗУЛАР, БАҲС-МУНОЗАРАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

Журналнинг асосий қисми исломий мавзулардаги материаллардан иборат. Шу боис, “Ал-ислоҳ” журнални диний-маърифий журнал десак янглишмаган бўламиз. Журналдаги ислом динига бағишланган материаллар шартли равишда 3 гуруҳга таснифланди.

1. Ислом тарихига онд мақолалар.
2. Ислом ақидавий таълимотини ўзида акс эттирган мақолалар.
3. Ислом шариятини баён қилувчи мақолалар. Бундай мақолалар асосан савол-жавобларда акс этган.

Ислом тарихига онд мақолаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: “Тарихи ислом”, “Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилишлари”, “Тарихи Хадича”, “Тарихи ислом” (Арабларнинг жоҳилият замонлари), “Исломнинг ўтгандаги ва ҳозирги ҳоли”, “Ислом тарафига чақирувчининг ибтидоси”.

Ислом ақидавий таълимотини акс эттирган материалларга эса, “Қуфриятга танбех”, “Иймон ва танқид”, “Ислом надур?”, “Иймон надур?”, “Иймон маҳлукми ёки гойри маҳлукми?”, “Иймон неча қисм бўлур?”, “Иймон зиёда ва кам бўлурми?”, “Иймон ижмоли надур?”, “Иймон тафсили надур?” каби мақолалар ва саволларга жавобларни киритишимиз мумкин.

Ислом шариятини акс эттирган материаллар журналда етакчилик қилган дейишимиз мумкин. Сабаби, Туркистон мусулмонлари кундалик ҳаётларида учрайдиган турли масалаларнинг шаръий жиҳатларини “Ал-Ислоҳ” журнаliga савол йўллаш орқали уларга берилган жавоблардан билиб олганлар. Бу эса, журналнинг янада қизиқарли бўлишига замин яратган.

Журналдаги баъзи мақолалар идора томонидан ёзилган бўлса, аксарият материаллар мударрислар, муфтийлар, муллалар, корилар каби дин пешволари томонидан ёзилган. Булардан Фазлулваҳҳоб қорн, Мулла Олимхон, Холмуҳаммад Тўрақули, Абдурахмон Муфтийзода, мулла Олимжон ал-Борувдий, домла Мир Абдуллоҳ Муфтий Хўжандий, мударрис домла Исахон Аълам, мударрис Аҳмаджўжа кабиларни айтиш мумкин.

Мақолалар қисмларга бўлинган ҳолда давомли равишда ёзилган. Шундай мақолалардан бири “Тарихи ислом” номли мақоладир<sup>113</sup>. Ушбу мақолада Муҳаммад (с.а.в.)нинг тугилишлари, ота-оналарининг вафоти, амакиларининг тарбиясига ўтишлари, Амин деб аталишлари, Хадича (р.а.)га уйланишлари, Қосим, Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум, Фотима, Абдуллоҳ фарзандлари ҳақида тўхталиб шундай дейилади:

“Ўғиллари пайгамбарлик замонидан илгари Маккада ажал қанотига бош кўйдилар. Аммо кизлари шарифи исломга мушарраф бўлдилар. Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум Пайгамбар (с.а.в.)дан илгарн, сўнгра Фотима Мадинаи Мунавварада вафот қилдилар<sup>114</sup>...”.

“Арабларнинг жоҳилият замонлари ҳақида”ги мақолада эса, уларнинг динлари ҳақида шундай дейилади: “Баъзи арабларнинг табиатлари яҳудий мазҳабга, баъзилари насрониятга ва баъзилари собий мазҳабга мойил эди. Улар юлдузларнинг сайр-ҳаракатларига, мунажжимларнинг сўзларига эътиқод қилар ва баъзилари фаришталарга сажда қилур эдилар. Шу қадар турли мазҳаб ва эътиқодда бўлиб, бир-бирлари ила уришмақда, арок ичмақда, қимор ўйнамақда, зино қилмақда, авлод ўлдурмақда, судхўрликда, кўп хотун олмақда ҳаммалари бир равишда эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) бутларни тарк қилмақга ва ягона Худо ибодатига раҳбарлик қилмақга бел боғладилар. Улар ғазабланиб, бемаъни эътирозлар қилдилар ва ўтганларнинг ишларини далил келтурдилар.

Пайғамбар (с.а.в.) ваҳий баёни тил ила уларнинг фаҳм ва иродаларига муносиб очук далиллар сўзлаб, ҳақни собит қилдилар. Ва халойикни ҳайратга қолдириб, яратгувчининг борлигига ва анинг якка ва ягоналигига ва қиёматнинг борлигига равшан далилар билан сўзладилар...”<sup>115</sup>.

<sup>113</sup> Идора //Ал-Ислох, 1915, 2-сон. –Б. 38-40.

<sup>114</sup> Идора //Ал-Ислох, 1915, 2-сон. –Б. 41.

<sup>115</sup> Идора //Ал-Ислох, 1915, 3-сон. –Б. 70-72.

“Ислом тарафига чакирувчининг ибтидоси” деб номланган мақолада энг аввал иймон келтирганлар деб қуйидагилар санаб ўтилади: Хотунларидан Хадича (р.а.), болаларидан Абу Толибнинг ўгли Али (р.а.), озождлардан Аби Кухофанинг ўгли Абу Бакр (р.а.), гуломлардан Харисанинг ўгли Зайд (р.а.) ва Абу Бакр (р.а.)нинг далолатлари ила исломга мушарраф бўлганлар будурлар:

- 1-Аффоннинг ўгли Усмон (р.а.)
- 2- Аввомнинг ўгли Зубайр (р.а.)
- 3- Абдулмутталибнинг кизи Сафния (р.а.)
- 4- Убайдуллохнинг ўгли Толиқа (р.а.)
- 5- Абу Заккаснинг ўгли Саъд (р.а.)
- 6- Авфнинг ўгли Абдурахмон (р.а.)
- 7- Абдуллох ал-Жаррохнинг ўгли Абу Убайдо (р.а.)
- 8- Абдул Асаднинг ўгли Абу Салома (р.а.)
- 9- Абу Саломанинг хотуни умум Салома (р.а.)
- 10- Мазвунинг ўгли Усмон (р.а.)
- 11- Мазвунинг ўгли Кудома (р.а.)
- 12- Мазвунинг ўгли Абдуллох (р.а.)
- 13- Аркамнинг ўгли Арким (р.а.)
- 14- Ирснинг ўгли Хаббоб (р.а.)
- 15- Зайднинг ўгли Савид (р.а.)
- 16- Ҳаттобнинг кизи Фотима (р.а.)
- 17- Ҳариснинг ўгли Убайдуллох (р.а.)
- 18- Масвуднинг ўгли Абдуллох (р.а.)
- 19- Раҳобнинг ўгли Билол (р.а.)
- 20- Румлик Сухайб (р.а.)
- 21- Ёсир (р.а.)нинг ўгли Аммар (р.а.)
- 22- Аммарнинг онаси Солия (р.а.)
- 23- Аммарнинг оталари Ёсир (р.а.)
- 24- Ҳариснинг хотуни Либота (р.а.)
- 25- Абу Зар Ғифорий (р.а.)
- 26- Савлиднинг ўгли Холид (р.а.)
- 27- Савиднинг ўгли Амр (р.а.)

Пайгамбар (с.а.в.) тахминан 30 киши ила Арқом бин Арқомнинг ҳовлиларида Аҳкоми Исломнинг таълимотига машғул эдилар<sup>116</sup>.

<sup>116</sup> Имзосиз //Ал-Ислох, 1915, 3-сон. –Б. 72-73.

“Куръони карим надур?” деб номланган мақолада Куръони каримни тиловати билан чекланиб қолмаслик ҳақида шундай дейилади: “Афсуски, биз туркистонликлардан аксаримиз ўз болаларимизни то ёшлик ва қўлидан иш келмайдурган замонда мактаб ва корихоналарга юбориб, 4-5 йил давом этдуриб, хат ва саводга қодир ё Қаламуллоҳни ёд қилгандан сўнгра умум шариаат ўргатмасдан ва Куръони шарифнинг маъноси ва мақосидларига фаҳми еткудек даражага еткурмасдан ани дунёвий ишларига берурмиз ва шул сабабдан болаларимиз Куръони шарифнинг Авомиру навоҳирларини англамасдан ожиз қолурлар. Чунки, фақат тиловатда қодир бўлмак ила анинг амру наҳийларига тушунмак ҳосил бўлмайдур...

Агар Куръонни тиловат қилмоқдан мақсадимиз Аллоҳ таолони юборган Қуронидаги амру наҳийларини англаб, анинг узра амал қилмоқ бўлса ул сувратда қилган тиловатимиз бир савоб ва амалимиз алоҳида бир савоб бўлиб ва шунинг ила иншоаллоҳ фардо рўзи қиёматда подшоҳ ҳақиқий Аллоҳ таолонинг инъому эҳсонидан сарафроз бўлурмиз. Ва агар Куръонни ҳар кун тиловат қилсак ва ул тиловатимиз анинг авомирига яъни, таҳорат намоз, закот, рўза ва ҳам шунга ўхшаш нарсаларга амал қилмоқ қасдида ва навоҳийларида яъни, зино, зулм, ҳиёнат ва қимор, шунга ўхшаш нарсалардан парҳез қилмоқ ниятида бўлмаса, ул сувратда фардо қиёматда подшоҳи ҳақиқий Аллоҳ таолонинг наздида хижолатманд бўлиб, қаттиқ азобу уқубатларига мубтало бўлурмиз...”<sup>17</sup>.

“Иймон ва исломнинг маърифати баёнида”ги саволларда Имоми Аъзамнинг “Фикҳул акбар” китобларига таяниб жавоб берилган. Хусусан, Ислом надур? деб берилган саволга қуйидагича атрофлича жавоб берилган:

Ҳазрати Имом Аъзам раҳимаҳуллоҳу таолонинг “Фикҳул акбар” китобларида исломнинг таърифида дерлар: “Ислом Аллоҳ таолонинг ҳамма амрига зоҳирда ва ботинда итоат этмак, қазо ва қадарига рози бўлуб, ҳар неки хайрдур ё шардур зуҳур этса, ани қабул этмақдур”.

Иймон ва исломнинг маънолари луғатда бошқа-бошқа бўлса ҳам зотан бир-бирларидан жудо эрмаслар. Иймон бор жойда ислом бордур ва ислом бор жойда иймон бордур. Биноан, алайҳи иймон ва ислом мазҳабимизда бир шайъдан иборатдурлар. Ва имом Шофёий

<sup>17</sup> Идора //Ал-Ислоҳ, 1915, 2-сон. –Б. 41-44.



рахимахуллоху таоло бошқа- бошқа дерлар ҳар икки жанобнинг далили, тафсили ақонд китобларида мазкурдур”<sup>118</sup>.

“Уламоларнинг вазифалари” деб номланган мақолада уламоларнинг вазифалари этиб уч нарса санаб ўтилади<sup>119</sup>.

1. Аллоҳ таолонинг амрига бўйсуннишга тарғиб этиш.
2. Пайгамбар (с.а.в.)нинг буйруқларига итоат этиш.
3. Подшоҳларнинг фармонларига итоат этишга тарғиб қилиш.

Чунки, одил подшоҳлар ер юзида Аллоҳнинг ноибидурлар. Ҳақ таоло Қуръони каримда уларга итоат этишни бизларга вожиб қилди.

Бас, уламон киромнинг вазифалари аҳкоми шаръияни батадрин мусулмон биродорларга англамоқ ва мусулмонларнинг вазифалари шариатнинг ҳар ҳукмини эшитгандан сўнгра унга мувофиқ амал этмоқларидур.

“Ал-Ислоҳ”нинг “Танишув” номли мақоласи журналнинг бир нечта сонларидан ўрин олиб, ўзаро мунозарага сабаб бўлган мақолалар сирасига кирилади. Мақолада шарият йўли билан касб қилиш фарз эканлиги ҳақида сўз боради. Унда шундай сўзларни ўқиш мумкин:

“...Жумага ниҳо қилинса, намози жумага шошилишлар. Байъ, ширво ва дунё ишларини тарк қилишлар. Охира тижоратига шошилишлар. Манфаатлироқ бўлмиш Аллоҳнинг зикрига шошилишлар. Ундан ҳам фойдалироқ ва зиёдароқ нарса йўқдир. Шу тариқа дунё тижоратини ташлаб, охира тижоратига шошилишингиз, сизга манфаатли ва хайрлироқдир, агар билсаларингиз. Намоз ўқилгандан сўнг ер юзига тарқалишлар. Аллоҳнинг фазли ва карамини талаб қилишлар. Аллоҳни кўпроқ зикр қилишлар. Шояд нажот топарсизлар”. Тижоратдан қайтаргандан сўнг яна тижоратга буюрди. Лекин, Аллоҳни кўпроқ зикр қилиш шарт билан Аллоҳнинг азоби укубатдан нажот топишига зикруллоҳ сабабчидир. Мақсадига етишиш, мартаба ҳосил қилиш Аллоҳнинг зикридандир. Ҳасан ва Саъид ибн Мусаяб айтадилар (р.а.): Жума намозидан сўнг илм талабига бориш ирода қилишган. Баъзи уламон салафлар дунё ишлари ирода қилинган дейишган. “Тафсири кашшоф”<sup>120</sup>.

Касб ва мол йиғишнинг фарзлиги журналнинг кейинги сонидаги мақоланинг давомида шундай изоҳланади:

<sup>118</sup> Имзосиз //Ал-Ислоҳ, 1915, 4-сон. –Б. 115-117.

<sup>119</sup> А.Н. //Ал-Ислоҳ, 1915, 4-сон. –Б. 113-115.

<sup>120</sup> Мулла Абдуллоҳ хожи муфтий. Танишув //Ал-Ислоҳ, 1916, 17-сон. –Б.494-499.

Чунки, касб ва мол йиғишнинг фарзлиги инсоннинг унга мухтожлигидир. Фарзлиги қатъий ақлан ва нақлан ҳам собит бўлган. Аммо зарурат юзасидан, ҳожатини қондириш учун фарздир. Ҳожатдан ташқариси шаръий йўл билан бўлса, касб билан ҳалол мол дунё топиш мувоҳ. Бунга фатволар ва бошқа китобларда матнан ва шарҳан оят ва ҳадислар далолат қилади. Шунини билиш кераки, касбкорлик ва дунё йиғишнинг ҳалоллиги китоб ва суннат билан собит бўлган бўла олмас. Бир умр қилган касбининг савоби бир марта айтган зикрининг савобига етолмас. Башарият, боринки, тирик жонзот таом ва сувсиз яшай олмайди. Уларни қўлга киритиш касбсиз қийин ишдир. Агар касбсиз ҳосил бўлса ҳам (шаръий бўлса, албатта), фақат икки йўл билан бўлиши мумкин. 1. Гадоёлик. 2. Аллоҳнинг фазли карами билан биринчиси шаръан мазмумдир. Чунки, мўътабар китобларда кўрдимки, касбли инсонларнинг ҳаммаси 12 хил бўлади. Улардан бир тоифаси дангасалар дейилади. Улар шаръий касб қилишга қодир бўла туриб кишлок ва шаҳарларда эшикма эшик юриб мол топарлар. Буларнинг топгани шаръат бўйича ҳаромдир. Демак касб ҳожат вақтида фарз.

Бу баёнлардан тушунилмасинки, касб ва аҳли аёлимга инфоқ фарз эдику, унинг савоби ҳақида мўътабар китобларда муболагалар қилинган эди. Сиз эса бир марта Аллоҳнинг зикрига ҳам тенглаштирмаяпсиз. Буёғи қандоқ бўлди?

Жавоб. Ҳожат юзасидан касб қилиш, аҳли аёлига нафақа қилиш ва шунга ўхшаш тириклик зарурати бор нарсалар фарзми, суннатми, мустаҳаб ё мувоҳми, ҳаммаси Аллоҳнинг зикридир. Ва унинг ибодатига василадир. Баъзилари билвосита, баъзилари бевосита мақсуди аслий ва матлуби ҳақиқийдир. Кўзга кўринган нарсаларнинг яратилишдан аслий мақсуд инсонлар учун хизмат қилишдир. Инсоннинг яратилишидан мақсуди аслий эса ибодуллоҳдир. Агар аслий мақсуди бўлмаса дунё нажосат, захар, олов, зарардир. Унга муҳаббат қўйиб алдаганлар дўзахга лойиқдир. Дунё шундай қабоҳат бўлгани учун ҳам Пайгамбаримиз (с.а.в.)га Макка мушриклари подшоҳликни таклиф қилганда рози бўлмадилар. Аллоҳ тоғларни олтинга айлантириб пойларига ташлашини айтганида, у зот (с.а.в.) кўнмадилар. Дунёнинг ҳақиқати, сифати шу бўлса, уни тўплаш учун касб ва тижорат қилиш қандай қилиб Аллоҳ таолонинг зикридан афзал бўлсин!? Бундай дейишга қайси инсоннинг тили боради?!<sup>121</sup>

<sup>121</sup> Мулла Абдуллоҳ ҳожи муфтий. Танишув //Ал-Ислох, 1916, 20-сон. –Б. 549-555.

Мақоланинг кейинги сонида Аллоҳ зикрининг фазли ҳақида шундай дейилади: Фоний дунё Аллоҳнинг ҳузурнда ҳеч ҳам эътиборга эга эмас, арзимас нарса. Унинг муҳаббатига азоб ва Аллоҳнинг ғазаби бордир. Зикрда эса кадр и улуглик, олий мартаба ва Аллоҳнинг розилиги бор. Аллоҳнинг зикрининг муҳаббатига дунё ва охират саодати бор. Аллоҳ айтади: “Огоҳ бўлинг, Аллоҳнинг зикри билан қалблар ором олади”. Расулulloҳ (с.а.в.) айтадилар: “Аллоҳнинг зикри иймоннинг байроғи, мунофиқликдан узоқлик, шайтон ва Дўзахдан қўргондир”<sup>122</sup>:

“Танишув мақолалари ҳақида” деб номланган мақола танқид усулида ёзилган мақолалардандир. Унда шайхларнинг, эшонларнинг тарикатдаги йўллари танқид остига олинган<sup>123</sup>.

“Ал-Ислоҳ” журналида мазҳаблар, оқимларга тааллуқли мақолалар таҳлил этилса, журналнинг қайси эътиқод тарафдори бўлганлигини аниқлаш имконига эга бўламиз. Шу ўринда савол туғилади? “Ал-Ислоҳ” журнали ҳақиқатдан ҳам бобийлик нашри бўлганми?

Филолог Пардаев Қулдош Узоқовичнинг “Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-Ислоҳ” журнали материаллари асосида)” номли тадқиқотида бу ҳақда фикр юритилиб, қуйидаги фактлар келтириб ўтилади:

“Журнал фаолияти мустамлака маъмурияти хизматининг мунтазам назоратида бўлган<sup>124</sup>. Бунинг натижасида журнал ва унинг таҳририяти кораланган. Бинобарин, “Ал-Ислоҳ” журналига совет мафкураси нуқтан назаридан баҳо берилиши илмий ҳолисликка мувофиқ эмас. Хукмрон мафкура таъсирида ҳатто Абдулла Авлоний ва Чўлпон ҳам журнал ҳақида ҳақиқатга зид фикрларни айтишга мажбур бўлган эди: “Бу журнал эски ҳукумат айғоқчиси ҳамда Туркистонда бобий мазҳабининг бонийси бўлган Абдурахмон Сайёҳ томонидан чиқарилиб, бир қанча давом этиб тўхтади<sup>125</sup>...”

<sup>122</sup> Мулла Абдуллоҳ хожи муфтий. Танишув //Ал-Ислоҳ, 1916, 21-сон. –Б. 567 -571.

<sup>123</sup> А. Муфтийзода. Танишув //Ал-Ислоҳ, 1916, 24-сон. –Б. 607.

<sup>124</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. 461-фонд, 1-рўйхат, 1784-иш, 5-варақ.

<sup>125</sup> Бу ҳақда қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги Ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Нашрга тайёрловчи Ш.Ризаев. Китобда: Миллий уйғониш Т., «Университет» 1993 й., 115-123-бетлар; Чўлпон. Туркистонда матбуот. «Жамият ва бошқарув» ж., 1998 й., 2-сон. Нашрга тайёрловчи Т. Тогаев. –Б. 16.

Аслида-чи? Аслида бу журнал “қора гуруҳ” фаолиятининг маҳсули эдими? дея фикрини давом эттириб, Қулдош Пардаев куйидагича хулосага келади. Масалага холис ёндошув бошқача хулоса чиқариш имконини беради. “Ал-Ислоҳ”ни янгича кўз қараш асосида ўрганиш натижалари Авлоний ва Чўлпон фикрларининг ҳукмрон мафкура талабини ифода этганини кўрсатади. Бинобарин, журнал муҳаррири Абдурахмон Сайёҳ ва барча муаллифлар бобий мазҳабининг Туркистонга кириб келишига қарши чиқиб, журналнинг бир неча сонларида танқидий мақолалар чоп эттирганлар. Жумладан, “Туркистонда бобийлар”, “Умум уламоларнинг таважжухларига жалб этадургон хабарлар” шундай мақолалардан эди. Фикримиз далили учун куйидаги жумлани келтирамиз: Бобий мазҳаби Туркистонга кируб келувидан чоралар изланмаса ғариб, авомларимизнинг тезлик ила бобий мазҳабина кируб кетувлари шубҳасиздир... бунлар дин бузгунчилари эмишлар<sup>126</sup>...дея куйиниб ёзади таҳририят аъзолари”<sup>127</sup>.

Биз ҳам “Ал-Ислоҳ” журналидаги мақолаларни таҳлил этиш жараёнида Қ.Пардаевнинг фикрига қўшилдик. Сабаби, мақолалар ҳақиқатдан ҳам ўша даврнинг етук уламолари, мударрислари, жадидлари томонидан ёзилган бўлиб, унда жадидларнинг ҳам, қадимларнинг ҳам фикрларини баробар акс этганини гувоҳи бўламиз. Зеро, журналнинг ўзида жадид ва қадим деб ажратилишга қарши бўлинганини кўришимиз мумкин<sup>128</sup>. Журналдаги қатор ислом дини тарихи, ақидаси, урф-одатлар ислоҳига багишланган мақолалар “Ал-Ислоҳ” журналини бобийлик нашри бўлганлиги ёки Абдурахмон Сайёҳнинг бобий бўлганлиги ҳақидаги фикрларни тасдиқламайди.

Шу ўринда фикримизни янада қувватлаш учун журналдаги бобийлик ҳақидаги бир нечта мақолаларни келтиришимиз мумкин. Шулардан “Бобийларнинг аҳволи тарихи” номли мақоладир. Мақолада бобийларнинг тарихи шундай баён қилинади: “Туземний газетнинг 17 нўмринда муҳтарам Мулла Олим маҳдум жанобларининг ушбу

<sup>126</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1915, 16-сон.

<sup>127</sup> Пардаев К.У. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-Ислоҳ” журнали материаллари асосида). Филол. фанлари номзоди дисс... –Т.: 2008.

<sup>128</sup> Қаранг: Имзосиз. //Ал-Ислоҳ, 1916, 6-сон. –Б. 162–167.

тубандаги мақолаларини кўруб “Ислох” саҳифаларига кўчурмакни муносиб кўрдик ва ул мақола будур:

“Бобийлар хусусида “Кутуби таворих”дан олгон маълумотимни баён қиламан. “Боб Саййид Муҳаммад Али” ўтган вақтларда Шерозда пайдо бўлуб, бир янги мазҳаб ташкил қилмоқ бўлгон бир одамдурки тасаввуф ила фалсафани аралаштургон “Шайх Аҳмад Зайниддин Ихсоний” шогирдларидин олим бир зот бўлуб, кўп вақт таҳсил ва мутолаа билан умр ўтказганиддин кейин бир неча йиллар қаландарлик ва сукутга кетиб, асло беҳуда сўзламасдан Эрон ва Ҳинд тарафларида саёҳат айлаб, икки мартаба ҳаж тарафига бориб, Шерозга қайтганидан кейин ўйлаган мазҳабини ошкора қилуб, халқни даъват айлаб, кўп одамларни ўзинга тобеъ қилиб, Шерозда бир катта жомеъни каъба ва қибла қилиб олиб, ёлғиз эрта билан икки ракаат намоз бир йилда бир ой рўза фарз қилмиш Бобий наздида ўз мазҳабларида бўлмаганларни қони ҳалол ақида қилмиш. Булар кўпайиб Эроннинг бир неча жойларида исён чиқаргани сабабидин Эрон давлати буларни истиъсол ва маҳвини лозим кўруб, кўп муҳариботлардин кейин ниҳоят 1244 тарихда “Боб” ушланиб Табризда 18 ой ҳибс қилингондин сўнгра қатл бўлинибдур. Лекин, мазҳаби тобора кўпайиб “қурратул айн” демак ила машхур гоятда чиройлик бир хотун эридин чиқиб ҳаё ва ҳижобни рафъ айлаб ўзи гоятда олима ва фасиха бўлгани сабабидин муассар нутқлар сўзлаб халқни мазҳаби даъватига шуруъ айлаб ўзини Бобнинг халифаси деб эълон қилибдур.

Эрон ҳукумати бобийларни қаттиқ ва шиддатлик уқубатларга дучор қилиб ахирн қурратул айинни ҳам тириклай ўтга ташлаб куйдуруб ўлдурубдур. Бобнинг шогирдларидин Яҳё Сабх Азал ила биродари Мирзо Ҳассон Баҳо Богдодга қочиб усмоний мамлакатида яна мазҳаби ботилларини эълон ва нашр қилгон асноларда ушланиб, бири Қибрис оролига ва бири Аккога бадарга қилинибдур. Бобнинг баён унвони ила арабий ва форснй мусажжаъ иборалар ила бир китоби бордур. Ўзларининг заминича “кутуби самовия” деб иддао қилурлар<sup>129</sup>”.

Мақоладан кўрниниб турибдики, мазкур мақолада бобийлик оқимига бирон бир тарғиб қилишга доир фикр учрамайди, маълумот бериш шаклида ёзилган холос.

<sup>129</sup> Имзосиз. //Ал-Ислох, 1915, 18-сон. –Б. 571–572.

“Ал-Ислоҳ” журналидаги Тошкентда Скобелев кўчасида Имом Лутфуллоҳ Фатхиддинов томонидан “Маҳдий ва Дажжол” ҳақида берилган саволда бобийларнинг эътиқодига раддия келтириш уламоларнинг вазифаси эканлиги, мусулмонларни баҳоний каби динларга кириб кетишларни олдини олиш борасида қайгурилганлигини, жадид ва қадим кабиларга бўлинишга қарши бўлганликларини қуйидаги мақоладан кўришимиз мумкин:

Ислом оламининг истиқболига доир Расулulloҳ (с.а.в.)дан содир бўлган ҳадислар орасида “Фитнаи” ҳадислари ҳам бордир. Шу ҳадис шубҳасиз саҳих, аҳамиятли. Масалан: қиёмат шартлари зикр қилинаркан, Расулulloҳ (с.а.в.) Маҳдий ва Дажжол чиқишини ҳам зикр қиладилар. Бу иккаласи ҳақида воқиф бўлган ҳадисларни имоми муҳаддисларнинг энг буюклари ҳам зикр қилиб, ўзларининг асарларига киргизган. Шубҳасиз, бу ҳадисларнинг шаъни буюк саҳихдир. Буни тасдиқлайман.

Лекин, “Ал-Ислоҳ” журналидан сўраймизки, ушбу ҳадисларни зоҳиран қабул қиламизми ёки таъвил тавжиҳ ҳам қилиш керакми? Ҳар ҳолда Имом Маҳдий масаласи бизнинг келажагимиз учун зарур ва ҳал қилиниши лозим бўлган баҳслардандир. Ҳадислар ўзи саҳих бўлса ҳам улардан хато фикрлар олинган. Бир дуруст маъно доирасида беҳуда назариялар, исроилиялар, хурофотлар тўпланган деб билиш керакми?

Маҳдий масаласида Европа уламоларини хато фикрларини бизнинг дарвешларимизнинг ҳам Ислом динига тўғри келмас ҳаёлларини ислоҳ қилиш “Ал-Ислоҳ” журналининг лозим вазифаси деб биламан.

Дажжол баҳси ҳам долзарб вазифа. Ақидавий китобларимизда ҳадиснинг ҳар бир нуқтаси ҳадис эканлиги эътибори билан мулоҳаза қилиниб, Дажжол баҳси зоҳиран қабул қилинса, бу ерда ҳам менимча хато кечиш эҳтимоли бордир?

Зеро, Дажжол худоликни даъво қилса, жаннат ва жаҳаннамлари бўлса, мўъжизаларга эга бўлса, набийлик расулликнинг асослари бўлиш эътибори билан калом китобларида зикр қилинган ҳужжатлар, далиллар вайрон бўлмасми? Бўлмаса, сабаби нимада?

Набийларда йўқ мўъжизалар Дажжолнинг кўлида бўлса, набийларнинг сидқига мўъжизаларнинг далолати қандай собит бўлади?

Муҳтарам “Ал-Ислоҳ” журнали бу тўғрисида муфассал маълумотлар берсангиз деб интизор бўлиб қолдим”.

“Бу савол идорага бир неча ой олдин келганди. У вақтда бунинг ҳозирги заруратини ҳис қилмадик. Лекин, ҳозир Туркистон шаҳарларида эшитишимизча, кўришимизча, Бобий ва баҳоний номи билан фирқалар касб ва тижорат доирасида мажусийлар, яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонларни ўз йўлларига тарғиб этмоқдалар. Шу сабабли саволни “Ал-Ислоҳ” саҳифаларига киритиб, уламоларимизга тақдим этишни муносиб топдик.

Чунки, бу фирқалар Шерозда зоҳир бўлиб, Бобул Аъзам Ислоҳда кутилаётган маҳдий эканлигига, Акка зиндонда яшаётган Баҳоуллоҳнинг тушиши кутилаётган Рухуллоҳлигига, мажусийлардан, Таврот, Инжил, Қуръондан далиллар келтирмоқдалар. Бу далиллари бўйича Европа, Америка, Африка, Осиё китъасида эшитишимизга қараганда миллионга етганмиш.

Бинобарин, барча мусулмон зухурини хуруж ва нузул хабарларини мунтазир қилиб турган маҳдий Дажжол Масих (а.с.) тўғрисида китобларда келган ривоятларни уламолар яна бир бор назарларидан ўтказсалар.

Агар бу зотларнинг келишига эътиқод қилиш вожиб бўлса, уларнинг келадиغان вақтлари тўғрисида бирор ҳадис борми?

Агар бирор бир саҳиҳ ҳадис бўлмаса бобий ва баҳонийларнинг далилларига ишониб дурустми ё дурустмасми?

Агар дуруст бўлмаса, уларнинг Маҳдий ёки Масих эмаслигига далил нима? Уларнинг Масих ва Маҳдий эканлигига келтирган далилларига раддия далиллар борми?

Агар бўлса, бу диннинг мудофааси эмасми? Қалбларга хатар солган бир вақтда бу фирқалар Тошкентда пайдо бўлиб, диндош ва ватандошларимизни ўз йўлларига давъат қилаётган замонда олимларимиз шахсий манфаатлардан Аллоҳ учун кечиб, ҳаво кибрларини пайғамбаримиз Расулulloҳ (с.а.в) учун тарк қилиб, бу масала ҳусусида ўзларидаги кучли далилларни бобий ва баҳонийларга раддия сифатида кўрсатиб бечора диндошларимизга ғамхўр ва ҳамкорлик қилишлари диний мудофаа эмасми?

Ахир, бугунда диндошларимиз “қадим, жадидлар” га бўлинишлари уламоларимизнинг бепарволиги, нафси ҳаво ва кибрга алданганлигининг самараси эмасми?

Барча уламоларда динда яқдил, ҳамжихат бўлиб юрмасдан, қалби қорайиб, адоват билан юрган уламоларнинг кўпайиши афсусланишимизга сабаб эмасми?

Салафи солиҳин (р.а.)лардан олган илмлари, яъни, тафсири, ҳадис, калом, баён ва маънавий лугат ва истеора илмлари, тарих илмлари билан қарши тараф далилларини даф қилиб уларнинг эътиқодий зулмидан диндошларимизни қутқариш вақти келмадими?

Агар ўз одатларига яна бепарволикларида давом этсалар, диндошларнинг “Жадид”, “Қадим” ва “Баҳоний”, “Мухаммадий” ларга бўлиниши аниқ. Бизнинг вазифамиз фақат етказиш<sup>130</sup>.

Ушбу мақолага жавобан журналнинг навбатдаги соннда қуйидаги “Танбеҳул ихвон” номли мақола нашр этилган.

“Ал-Ислоҳ” ўқувчиларига бир оғиз сўзимиз бор. Бугун 1916 йил 6-сон “Ал-Ислоҳ” журналинини кўлимизга олиб ўқишимиз асносида бир савол келдики, сўрагувчининг ибораси мазмунан моҳияти фасодларни ислоҳ қилувчи, охир замон халифаси Махдий ҳазратлари ҳолатига боғлиқ ҳақиқатларни ва Дажжолнинг ҳолатлари ҳақида савол этгандилар. Фурсатдан фойдаланиб, бу хусусда фикримизни баён қилиб, баҳония фирқалардан ижтиноб<sup>131</sup> қилиб, аҳли сунна вал жамоа маслак ва мазҳабидан айримасликларини тавсия қилиб турамизки, уламоларнинг қаламлари ҳаракатга келиб, ҳақиқат майдонини ранглар билан безасин. Бизнинг бу танбеҳимиздан мақсад уламоларимизни имтиҳон қилиш эмас. Узоқ жим қолмаслари учундир. Чунки, жавоблар биродарларимизга тез берилмаса, фитна зўрайиб, биродарларимиз ўша тарафларга ўтиб кетадилар. Уларни қайтаришга кўп вақт кетади.

Мухтарам азизлар, сўз узаймасин учун Махдий ҳақидаги, ҳадисларни келтириб, Дажжол ҳақидагиларни қисқача баён қиламиз... Шу ҳадисдан бошқа ҳадислар ҳам кўпдир. Биз бу ҳадис ва бошқаларининг таржимасини уламоларимизга ҳавола қилиб, узоғи билан 10-сонгача жавоб ёзишларини илтимос қиламиз. Қуйидаги ҳадисларни ҳам таржима қилишлари сўралади:

Мана Махдий киму, Баҳоуддин ким, яъни, Махдий эмаслиги маълум бўлди.

Энди Исо (а.с.) Махдий ва Дажжол ҳақида келгуси 2-сонгача бирор мақола ёзилмаса, камина бунга масъул бўламан. Бунга қадар мўъмин

<sup>130</sup> Имзосиз. //Ал-Ислоҳ, 1916, 6-сон. –Б. 162–167.

<sup>131</sup> Ижтиноб – бош тортиш, сакланиш маъносида.



биродорларимиздан эски эътиқодларида, яъни, Маҳдий, Исо (а.с.) Дажжол ҳақида, салафи солиҳийнлар йўлида бўлишларини илтимос қиламиз. Агар топа олмасак, баҳойликни ихтиёр қилсаларингиз ҳам майли! Аллоҳим мўъмин биродарларимизни шарнат йўлида собит қадам қил. Аҳли сунна вал жамоа мазҳабидан жудо этма, деб хатми калом қилдим<sup>132</sup>.

Ушбу масала юзасидан кейинги сонларда ҳам батафсил ёритилган мақолаларни учратишимиз мумкин. Жумладан, Мулла Абдуҷаббор муфти Нурмуҳаммад ўғлининг “Ожизона узр ва илтимосимиз” номли мақоласидир. Мақолада Маҳдий ва Дажжол ҳақидаги 7 саволга жавоб берилган. Шулардан “Учинчи савол: Маҳдий масаласида Европаликларнинг хато фикрларини ва бизларнинг дарвешларимизнинг Ислом руҳига тўғри келмас гапларни ислоҳ қилиш кимнинг вазифаси? деб берилган. Унга қуйидагича жавоб берилган. Маҳдий ва бошқа масалада хато ва Ислом руҳиятига тўғри келмас фикрлар бўлса, уларни ислоҳ қилиш мумкин бўлса, у фикрларни журнал ёрдамида ислоҳ қилиш уламоларимизнинг вазифасидир. Чунки, оммани уламолар бошқаради. Қачонки уламолар тўғри йўлдан адашсалар, омма ҳалокатга юз тутар<sup>133</sup>”.

Маҳдий ва Дажжол масаласини баҳойликка қандай алоқаси бор, деган савол тугилиши табиий, албатта. Бу Баҳоулло шахси билан бевосита алоқадор. Баҳоулло (араб. –Аллох нури, жилоси; асл исми Мирзо Ҳусайн Али Нури) (1817-1892) –баҳойлик ҳаракатининг асосчиси. Бобийлик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан. Мозандаронда туғилган. Бобийларнинг Эрон шоҳига уюштирган суиқасди муваффақиятсизликка учрагандан кейин Баҳоулло Ироққа кочган (1852), бу ерда ўзини Боб ишнини давом эттирувчи ва худодан ваҳий олган маҳдий деб эълон қилган<sup>134</sup>.

Баҳоулло ўзини ваҳий олган маҳдий деб эълон қилгани сабабли ҳам Маҳдий ва дажжол масаласига журнал саҳифаларидан алоҳида жой ажратилган.

<sup>132</sup> Мулла Абдуҷаббор муфтий Нурмуҳаммад ўғли. //Ал-Ислох, 1916, 6-сон. –Б. 258–261.

<sup>133</sup> Мулла Абдуҷаббор муфтий Нурмуҳаммад ўғли. //Ал-Ислох, 1916, 18-сон. –Б. 510–519.

<sup>134</sup> Ислом энциклопедия. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2004 йил. –Б. 48.

“Умум уламонинг таважжуҳини жалб этадургон хабар” номли мақолада шу ўринда батафсил бериб ўтсак. Чунки, биргина шу мақоланинг ўзи журналнинг ҳам, журнал таҳририятининг ҳам бобий мазҳабига қарши бўлганлигини исботлайди.

1837-номер “Вақт” газетасида “Тошкандда бобийлар” сарлавҳаси ила “Тошкандда Бобий мазҳабини кирувчиларнинг сони орта” булар мусулмонлардан айрилалар” сўнги кунларда Тошканд бобийлари генерал-губернаторга мурожат этуб, ўзларига мақбара учун ўрун сўрадилар. Аризалари шаҳар идорасига юборилди” деб ёзмишдур. Ҳеч билурмусизки Тошкандда бобий мазҳабини кирувчилар кимлардур. Туркустонлиларми? Ё татарларми? Эшитдигимизча назаран икковлариндан эмиш ва шул икковларининг жидди жаҳд ва йўл кўрсатувлари ила мухтарам генерал губернатор жанобларина мурожат этуб, ўзларина айрим мақбара учун ўрун сўролмишлар. Мақбара учун ўрун берилганидан сўнг масжид ва жамоатхона бино қилмакгада ҳаракат қилурлар эмиш ва Тошканд мусулмонларининг тезлик ила гуруҳ-гуруҳ ва жамоа-жамоа бобий мазҳабини дохил бўлуларина эътиمودлари қавий эмиш. Бобий мазҳабини доир китоб ва рисоаларида халқ орасина тарқатуб турмишлар эмиш. Бобийлар тарафиндан халифа ва ҳаворийлик мансабин берилмиш бир икки хос тошкандли ва татаристонлилар аксар авом “ўқув ёзув билмайдургон”ларнинг ёнларинда ўлтуруб дини исломни мазаммат қилмак ва бобий мазҳабини тарғиб этмакда эмишлар. Агар бу хусусида комил таважжуҳ этилмаса ва муддафои диний чоралари изланмаса, ғариб авомларимизнинг тезлик ила бобий мазҳабини кируб кетурлари шубҳасиздур. Чунки, бобийлар камоли заковатлариндан биз узра ўз мусулмонларимиздан халифа ва ҳаворий ва дин бузувчилар таъйин қилмишлар эмиш.

Кўп асрлардан бери бир мазҳаб ва бир машрабда келуб турмиш туркистонликларнинг бир неча йиллардан бери жадид ва қадим икки фирқага айрилиб ота боладан, ака укадан, устод шогирддан, дўст-дўстан мутанаффир бўлув кайфиятин кўруб бирлаштурув чорасин изламакда экан.

Ушбу бобий фирқасининг орамиздан бош кўтаруви ҳар бир қавмий ҳамдардлик ва диний ҳамиятлик кишиларимизнинг фикрларини хаёлларини жалб қилса керак. Эмди бу ғариб мусулмонларнинг динларини ва мазҳабларини, эътиқодларини, васвасалариндан,

ботил эътиқодлариндан, фосид амаллариндан асрамак ва ҳифозат этмак керак ва бу вазифа кимнинг вазифасидур. Бу вазифа муҳтарам уламоларимизнинг вазифаларидур, қаю уламонинг вазифаларидур. Ул уламонинг вазифаларидурки халқ орасинда уламолик ном кўтармишлар ва ноибни расуллик исм ҳосил қилмишлар, варисатул анбиёлик мансабна ўлтурмишлар. Умидки ушбу зикр қилинмиш уламоларимиз ушбу мавқеъда ушбу янги ворид фирқа “бобий”нинг мазҳабиндан эътиқодиндан амалиндан ва аҳволи тарихиясиндан “Ал-Ислоҳ”нинг ҳар нўмринда маълумот ёзуб мусулмонларни огоҳлантурурлар ва шул восита ила ўз вазифан муқаррараларини адо қилурлар ва жадидлар тарафиндан кўпдан бери уламоларимизда пурхўрлик ва пурхобликдан ўзга бирор камол йўқдур. Бадномликни ўзлариндан маҳво этурлар ҳарна ўлсада бу мавқеъда ғайрат ва ҳамният кўрсатмакларин камоли нштинёқ ила кутармиз<sup>135</sup>.

“Мазҳабда матонат ёки ифрат ҳаддан ошишлардан юз ўгириш” номли мақолада фикҳий масалаларда мазҳаб доирасида фикр юритиш зарурлигига алоҳида эътибор берилганлигини қуйидаги жумлалар тасдиқлайди:

“...Муҳтарам Ашурали қўшиқ ва эшитишнинг мубоҳлигига Имоми Ғаззолий жанобларининг сўзларини муфассал кўчирган. Имоми Ғаззолий (р.а.) Ислому уламоларининг етуқларидан бўлиб, у зотнинг илми фазлини эътироф этамиз. Лекин, ҳаром ва ҳалол тўғрисида ҳукм чиқаришда ҳанафий мазҳабини қўйиб, Имоми Ғаззолийнинг мазҳабини ушлаш жоиз эмас. Чунки, мазҳабда собитлик вожибдир. Яъни, ҳар киши ўзи ҳақ деб билган мазҳабда матонат билан туриши вожибдир. “Шарҳи Таҳовий”да айтилган: “Кимки ҳар бир мазҳабнинг мубоҳини олса, тўлиқ фосиқ бўлиб қолади”.

Яъни, ҳар бир киши ўз мазҳабида юриши шарт<sup>136</sup>”.

“Илтимос ва умид” деб номланган мақолада ҳам уламоларнинг мазҳабга эътибор берган ҳолда фикҳий саволларга жавоб ёзишлари сўраб, шундай дейилади:

“Узоқ замонлардан бери мусулмонлар ўрталарида бепарволиклар зоҳир бўлиб, Ислому аҳли нимадан иборат, миллат нималигини билмас даражага етди. Хусусан, ажнабий фирқалар аралашгандан

<sup>135</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1915, 16-сон.

<sup>136</sup> Мударрис Мулла Аҳмадхўжа Эшон. //Ал-Ислоҳ, 1916, 5 -сон. –Б. 137–139.

берн, киёфада, тижоратда ва бошқа нарсаларда ўзгаришлар рўй бериб, ислоннинг усули, фуруси, аҳком ва арконларини ажрата олмай колдик. Гарчи иймон ва мазҳабимиз бир бўлсада, аммо ўртамизда амал жиҳатдан фарқлар бор. Тижорат ва касбимизни шариатга номувофиқ қилардик, қилган эҳсонларимизда беҳисоб тугёну исроф бор эди... Шундай бир пайтда Туркистонда “Ал-Ислоҳ” журнали пайдо бўлиб, ҳаммани суннатга тарғиб қилиб, бидъатдан халос қилди... Яна шунни сўрардикки, уламолар жавобларида ҳанафий мазҳабига асосланиб, ҳанафий китоблардан жавоблар берсалар<sup>137</sup>.

Журнал саҳифаларида танқидий мазмундаги мақолалар ҳам талайгина. Шулардан бири “Рамазон шариф рўзасига доир бир неча сўзлар” номли мақола бўлиб, унда Муса Беков (яъни Муса Биги)нинг рўзага онд фатвоси каттиқ танқид қилиб, халққа шундай мурожат қилинади:

“Ҳаммага маълумки, ҳозир Европага табиатланган уламолар чиқиб, янги мазҳаб ихтиро қилмоқдалар. Тараққиёт, тамаддун номлари билан миллатнинг кўзини очиш миллатга туҳмат қилиш унвони билан Аллоҳ ҳузурда макбул бўлиши Ислон динини ўзгартиришга бор маблағларини сарфлаб, ислонни бошқа динлар билан тенглаштириб, ҳеч ким тутган мазҳаби ва эътиқод билан гуноҳкор эмас, деб даъво қилмоқдалар. Бу ботил фикрларини оммага маъқул кўрсатиш, ҳаммани адаштириш учун тадбирлар уюштиришиб, рисолаю тафсирлар ёздилар. Татар матбуоти уларга жону дилдан хизмат қилиб, уларнинг рисолаларини халққа тарқатмоқдалар. Муслмонлар уларнинг бу асар ва рисолаларини ўқимасликлари лозим. Чунки, улар ўзларининг ботил эътиқодларини шариатга мувофиқ сўзлар орасига киргазиб, оят ва ҳадисларни ўз фикрлари бўйича тафсир қилиб, муддаоларига далил қиладилар. Саводсизлар эса буларга ишонмоқдалар. Шунинг учун ҳар бир муслмон уларнинг рисолаю асарларига қарамаслиги, ҳар бир ишда уламоларимиз ёки фикҳий мўътабар китобларимизга мурожаат қилишлари шартдир.

Туркистон уламолари бу каби хилофи шариат бўлган сўзлар билан тўлдирилган рисолаларни кўрмаяптиларми? Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммад (с.а.в.) учун бу ишларга қарши чиқувчилар кўринмаяпти. Уламолар бу каби бидъатлардан кўз юмиб, мустаҳаб, макруҳ амаллар

<sup>137</sup> Мулла Фазлул Ваҳҳоб қори Марғилоний //Ал-Ислоҳ, 1916, 7 -сон. –Б. 213-216.

устида тортишурлар. Манфаат жалб килишдан зарарни даф килиш яхшироқ. Татарнинг ҳозирда Имоми Аъзамга тенглаштираётган Муса Бековлари бузуқ эътиқодлар билан халқнинг эътиқодларини заҳарламоқда. Буларга биринчи бўлиб қарши чиққан бу “Дин ва маншат” журналидир. Улар шарият ҳилофи бўлмиш сўзларга раддия ёзиб, халқни огоҳлантирмоқдалар.

Лекин, Туркистон уламоларидан ҳеч садо чиқмаяпти. Тўғри, “Ал-Ислоҳ” орқали бир, икки уламолар ёзишиб турибди. Лекин, улар озчилик, балки йўқ ҳисобда. Баъзилари бир даражали масалалар қолиб, кейинги даражали масалаларни ёзмоқдалар. Аллоҳ озми-кўпми илм дастурхонидан ризқлантирган уламолар дин ҳимояси учун ҳаракат қилмай, молу дунё йиғиш, обрў мансаб учун ҳаракат қилишлари Аллоҳнинг наздида ҳам, шариятнинг наздида ҳам яхшимас.

Уламоларимиз миллат ва динга хизмат қилмай, бизнинг иқтидоримиз етмайди, деб ундан одамлар озгина ранжишса, сен мени ҳақорат қилдинг, диндан чиқдинг, хотиннинг талок бўлди, деб умр кечирмоқдалар. Шулардан бири, мана Ислоҳ динининг энг улуг арқони бўлмиш Рамазон рўзасида одамларни рағбатини сусайтириб, зиёли ёшларни рўзадан бутунлай бегона қилиб қўйдилар. Ҳаттоки ёш ва ўрта ёшдагилар рўза тутмай, ҳамманинг олдида бемалол ифтор қилиб, рўзадорларни масҳара қилмоқдалар. Агар қозиларимиз бу ишларга чора кўрганларида ҳар йўлда яшириб ифтор қилармидилар? Шарият бўйича, кимки рўзани ошқор очса, унинг ўлими мубоҳдир, дейилган.

Баъзи уламоларимизнинг, Муса Бековнинг рўза тутиш, ҳақидаги рисоаларини ўқинглар, деб тавсия қилганликларини эшитдик. Муса Бековнинг рўзани қора кунларда тутмай, кейинчалик қисқа кунларда тутса бўлади, деган фатволари Туркистонликларга таъсири кўпроқдир. Бунинг ҳукмлари, мазҳаби нафси аммолага мувофиқ бўлгани учун омма иккиланмай қабул қилмоқда. Агар уламоларимиз бирор чора тадбир қўламасалар, динимизнинг бир рукни йиқилиши шубҳасиздир. “Изоҳ” китобида: “Билгинки рўза ислом рукнларининг энг мустаҳкам ва ишончлироғидир. Ёмонликка буюрувчи рўза билан мағлуб қилиш мумкин. Рўза ейиш, ичиш ва нафси тўсиш ва дилнинг амалидан иборатдир”. Рўзанинг ажри бошқа амалларнинг ажридан кўп. Унинг ажрини ёлғиз Аллоҳ билади.

Рўзанинг фазилатини билиш учун динимизнинг энг мўътабар китобларидан “Саҳиҳи Бухорий”даги қуйидаги ҳадисни билиш

кифоядир. “Билгинки, рўза такводорларнинг унвони, нафс билан курашгувчиларнинг қуроли, аброр муқаррибларнинг риёзатидир”. “Расулulloҳ (с.а.в.) айтадилар: Рўза бу дунёда бандаларнинг нафсини сақлагани каби охиратда дўзах ўтидан парда бўлади. Рўзадор фақш сўзларни айтмайди, бақирмайди масҳара қилмайди ва аклсиз жоҳилларнинг ишини қилмайди. Агар биров рўзадорни ҳақорат қилса, тилда ё дилида икки марта, мен рўзадорман, десин. Менинг жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, рўзадорнинг оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан ҳам хушбўйроқдир. Рўза мен учундир. Унинг савобини мен бераман, дейди Аллоҳ”. Рўзадорнинг ажри шунчалик кўпки, унинг ҳисоби йўқ. Аллоҳ хоҳлаган амалига 10 ё 70 ё 700 марта кўп савоб ёзади. Лекин, рўзанинг савоби беҳисоб. Уламолар иттифоқ қилишганки, беҳисоб савобга эришиш учун рўзадор ҳолатида гуноҳ қилмаслик керак. Бордию гуноҳ қилса, гуноҳичалик рўзанинг савоби кетади. Гуноҳи бошқа кунлардаги гуноҳидан ҳам кўп ёзилади.

Ҳар бир мусулмонга рўзани ҳурмат қилиш, тоат ибодатга ҳаракат қилиш, гуноҳлардан сақланиш ва садақаларни кўпроқ бериш лозим”<sup>138</sup>.

Журналдаги яна шундай танқидий мақолалардан бири “Диний ва эътиқодий бир масала” деб номланган мақоладир. Унда туркистонликларни шариатга зид эътиқодлари баён этилиб, шундай танқид қилинади: “Туркистон ва Олтой шаҳарларидаги мусулмонлар орасида диний ва эътиқодий масалалар Қуръон ва ҳадис билан ўлчанмайди. Эътиқодий масалалар кўпроқ хурофатлар аралашган тасаввуфий китоблардан иборатдир. Бу китобларнинг кўп жойлари Қуръон ва ҳадисга хилофдир. Лекин, бу мўминлар буни билмайдилар. Бунинг асосий сабаби Қуръон ўқимасликдир. Қуръон ўқимасликларининг сабаби эса, бу замонда Қуръон маъноларини билгувчи ва оятлардан Аллоҳнинг иродасини тушунгувчи йўқ, деб эътиқод қилишларидир.

Менимча, Қуръон ислом қонунларини очиқ баён қиладиган бир китоб бўлиб, лафзий ва маънавий таъкиддан устундир, аниқ фасоҳатли, балоғатлидир. Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “Қуръонни ўрганинг ва бошқаларга қам ўргатинг” деган амри бир замонга хос эмас. Бу ўрганишдан мурод лафз эмас, маънодир. Чунки, ҳарфларини ўрганишнинг фойдаси йўқ. Қолаверса, у пайтларда Қуръон қогозга

<sup>138</sup> Мулла Холмуҳаммад Мулла Тўрақули //Ал-Ислоҳ, 1916, 12 -сон. –Б. 375-381.

ёзилмаганди. Яна “Менинг номидан ҳадис айтилса, сиз уни Қуръонга солиштириб кўринг. Агар Қуръонга тўғри келмаса, у менинг сўзим эмас” деган ҳадис ҳам Қуръон ўрганишга чакиради. Чунки, Қуръонни билмай туриб, бошқа сўзларни унга солиштириб бўлмайди. Қисқаси, Қуръон хато иборалардан покдир. Унинг лафзи, маъноси ва қонунлари осондир. Маъносини англаш ва қонунларни амалда бажариш жуда мумкин ва осондир. Чунки, Аллоҳ бандаларни кучи етмайдиган нарсаларга буюрмайди.

Юқоридаги гапларимга далил сифатида Қуръон ва ислом руҳига ҳилоф бўлган баъзи эътиқодларни ёзишни муносиб кўрдим: “Туркистон ва олтойлик мусулмонларнинг эътиқодига, ҳар шаҳарда бирор валий бўлади. Улар Аллоҳ томонидан келган бало ва қозони қайтариб турадилар. Шу сабабли улар “балогардан” деб аталадилар. Агар халқ уларнинг ғазабини келтирсалар, у қаромат билан бало ёғдирадилар. Уларга ҳар мушкул иш осон, ҳар қийин иш мумкиндир. Улар кўкда учадди, сув юзида юрадди. Ҳар-хил маънавий ва ажойиб ишларни, сир ва махфийликларни биладилар. Шунга биноан улардан кўркиш ва улардан умид қилиш лозимдир. Улар худонинг вакиллари, худо тарафидан юборилган валийдирлар, худо билан бандалар орасида воситадирлар. Улар ўлмайдилар. Шу сабабли ҳожатингни уларнинг қабрларидан сўрасанг ҳам берадилар. Улар ҳожатбарордирлар. Мана Туркистонликларнинг эътиқодлари!...”<sup>139</sup>.

Журналдаги мақолаларни таҳлил этар эканмиз, унда мусулмонларни ҳаттоки тасаввуфга кирганларга шайх танлашда ҳам аҳли сунна вал жамоада бўлишига эътибор бериши уқтирилиб, уларни ажрата олиш учун қуйидаги “Комил ва Ботил жоҳил шайхларнинг орасидаги фарқ” номли мақола нашр этилган:

Энди муршиди содиқдан муршиди зиндикни ажратиб олсак. Токи, мусулмон диндошларимиз содиқ шайхнинг хизматида бўлиб, жоҳил тариқат шайхларидан йироғда бўлсалар.

Тасавуф аҳли 12 фирқага бўлинган. Уларда биттаси Аҳли суннат вал жамосидир. Уларга уламолар мактов айтганлар. Қолганлари бидъатчилардир...

Биз эшитган асрнимиз машойихларнинг аҳволларини билганимизча ёздик. Қолганини “Ал-Ислоҳ” муҳаррирларига ҳавола қилдик. Токи

---

<sup>139</sup> Нуширавон Явушуф Хутон шаҳридан // Ал-Ислоҳ, 1916, 24 -сон. –Б. 615- 617

“Танишув” номли мақоламиз ҳам ниҳоясига етиб, “Ал-Ислоҳ” воситасида нашр қилиниб, аҳли Ислом эътиборига манзур бўлгунича, таваккуф қиламиз, деб соқит бўлдик”<sup>140</sup>.

Журналда нашр этилган мақолалардан бири “Қиёфат ва кийим масаласи муносабати билан бир-икки сўз” деб номланган мақолада Восил ибн Ато<sup>141</sup> ҳақида шундай сўзларни ўқиш мумкин:

“Азизлар! Гумроҳ фирқанинг бошлиги Восил Ибн Ато эди. Унинг илмини ўлчашга ҳеч кимнинг қудрати етмас эди. Аллоҳ Таоло ўзи ҳидоят қилмаса, илм билан ҳидоят топиб бўладими? Аллоҳ хоҳласа фосикни ҳам ҳидоят қила олар. Ҳар қанча фосиқ ишларни қилган бўлса ҳам, тавба қилиб, яхши кишилар жумласидан бўлур? Агар Аллоҳ хоҳласа, ҳидоят қилмас. Ҳар қанча олим обид бўлса ҳам, илм, амал ва шуҳратига алданиб, ҳалокатга дучор бўлур”<sup>142</sup>.

Шунингдек, мазкур мақолада Муҳаммад Абду ва Муса Бековларга ҳам муносабат билдирилган.

“Азизлар. Ҳозирги замонда 33 йиллар олдин яна бир фирқа пайдо бўлиб, улар ҳам аввалги фирқалар каби залолат тарафига юзланиб, фасод ишларни ривожига йўл излайдилар. Миллати Исломга қайғурган бўлиб, ҳозир миллати Ислом поймол бўлди, бу поймолликнинг сабаби эса Европа маданиятидан хабарсизликдир. Хабарсизлик эса илгариги чала муллаларнинг Европача кийиниши, Европача юриши харомдир, деб халқни Европа ишларидан қайтаришади. Ўзларининг чопонлари эътиборидан тушишидан хавсираб, халқни ҳунарсизлик, ялқовликка ўргатмоқдалар. Илгарги олимларимизни сўкиб, турли ҳийлалар билан ўз мақсадларига эришмоқ йўлини изламоқдалар.

Халқни назарига тушиш мақсадида миллати исломга қайғурган бўлиб аввали ўтган муллалар билмаган улар 40 йил ўқиганларини биз оз муддатда биламиз. Улар исломни ҳақиқатига ислоҳ қилмаганлар. Уларнинг обрў ва иззатига путур етадиган ҳақиқатни изҳор қилмаганлар. Биз уларнинг яширган нарсаларини юзага чиқарамиз. Улар ислоҳ қилмаганларини ислоҳ қиламиз, деб ўзларини ислоҳотчи олим, миллат учун қайғурувчи қилиб кўрсатиб, натижага эриша олмагандан сўнг исломнинг ҳар тарафидан заҳиралар таъкиб олиб, ҳеч

<sup>140</sup> Мир Абдуллоҳ хожи мударрис Хўжандий //Ал-Ислоҳ, 1916, 16-сон. –Б.480-491.

<sup>141</sup> Восил ибн Ато (699-748)-мўътазиллийлар оқимининг асосчиларидан бири.

<sup>142</sup> Ал-Ислоҳ, 1916, 16-сон. –Б.480-491.



ким бу захираларни еча олмайдиган даражада суннат ва китобга маҳкам ёпишадилар. Агар суннат ва Китоб<sup>143</sup> уларнинг мақсад муддаоларига далолат қилмаса, мақсадларига эриша олмайдилар. Қачонки Китоб ва суннат мақсадларига мувофиқ тафсир қилинса мақсадларига эришишлари мумкин булур.

Шунинг учун ҳам араб тилини ўрганиш учун Арабистонга бориб, омманинг ихлосини жалб этиш учун бирлари Миср, бирлари Макка ва Мадинага бориб, араб тилини ўргана бошлайдилар. Тафсир илмларини ўрганиб, Ватанига қайтиб, “Жоруллоҳ Беков” лақаби остида гоъларини тарқатди. Замахшарий каби усталик билан гоъларини яшира олмаганлиги туфайли тезда мансабидан бўшатилди. Ушбу фиркаларининг раиси Мухаммад Абду бўлиб Мисрда таълим олган. Сўнг бидъату хурофотларни майдонга чиқариб, инсонларга маъқул бўладиган ҳужжатлар келтириб, ўз мақсадига далолат қилувчи “Тафсирул Куръанил карим” китобини ёзган...

Жаноблар, карангларки, Миср муфтийси ва олимлари Абдучалик тафсир қила олмаган, Абдучалик Аллоҳ каломининг ҳақиқатига ета олмаган эмишлар...

Хулоса: Аллоҳ таоло “Албатта биз уни ўзимиз сақлагувчимиз” деб ислом динини ўзи ҳимоя қилажагини айтди. Ваъдасини ҳақлигини кўрсатиб, “ҳар бир бузгунчи олим билан бир қаторда ислоҳотчи олимни ҳам зоҳир қилди. Адашган фиркаларнинг ёмонлигини даф қилгувчи муслиҳ олимларни чиқарди. Шукрки, улар ҳар жойдан чиқиб турибди.

Азизлар, замона бузгунчилари бошлиғи ҳақида озгина зикр қилинди. Унинг қандай одамлигини сизларга маълум қилдик. Гапимизнинг бунчалик чўзилганига сабаб Хўжанд, Бухоро муллаларидан баъзилари Абдунинг тарафидан гапириб, журналимизнинг 17-18 сонларида қиёфат ва кийим ҳақида сўзлаганларидир”<sup>144</sup>.

Ушбу бўлимдан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки: журнал ўз даврида мусулмонларни ҳанафия мазҳабида собит бўлишга чақириш билан бирга уларни турли ҳил бузгунчи фирқа ва оқимлардан огоҳ бўлишга чақирган.

<sup>143</sup> Китоб-Куръони карим маъносида.

<sup>144</sup> Мулла Абдуҷаббор Нурмуҳаммад ўғли //Ал-Ислоҳ, 1916, 1-сон. –Б. 6-16.

### 3.2. ХАЛҚ МАРОСИМЛАРИ, УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Миллий кадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ҳодиса эмас. Миллат тараққиёти билан боглиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориши, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари ўзгариши билан миллий кадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади. Ҳар бир кадрият маълум конкрет давр, шароит ва эҳтиёжларнинг маҳсулигига эмас, балки унинг кўзгуси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан кадриятларга баҳо беришдан олдин улардан фойдаланишда икки омилга алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг биринчиси-қайси бир кадриятларнинг юзага келишидаги аниқ тарихий шароитлар, иккинчиси ўша даврларга хос бўлган имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олиш, шунингдек, умумбашарий демократик кадриятларнинг қандай замин асосида вужудга келганилигини, улар ўртасидаги уйғунликни, ворисийлик масалаларини ҳам ўрганиш зарур.

Қадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этади.

Қачонки миллий кадриятлар умуминсоний демократик кадриятлар билан уйғунлаштирилса, шундагина жамият тараққиётининг ривожланишида унинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ҳар бир халқнинг ўзига яраша урф-одатлари, маросимлари бўлади. Агар биз дунё халқларининг ҳаётига назар ташласак, бир-бирига ўхшамаган, турли-туман маросимларни кўрамиз. Маросимлар жамият, халқ ва шахс ҳаёти фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар билан боглиқ бўлиб, улар ибрат орқали тарбиялаш, руҳий-эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Маросимларда миллий, диний урф-одатлар ва расм-русумлар ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек халқининг пайдо бўлиши тарихи қанчалик узокқа бориб тақалса, унинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик теран тарихий илдизга эга. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари заминида пайдо бўлиб, шаклланиб,

сайқалланиб ўз мазмунида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларининг мужассам этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ, миллат, элат уларни кўз қорачигидай авайлаб-асрашни, тараққий эттиришни, келгуси авлодларга маънавий қадрият сифатида етказмоғи лозим. Дарҳақиқат, анъаналар, урф-одатлар маросим ва байрамлар халқнинг, миллатнинг маънавияти, қадриятларининг ажралмас қисмидир.

Халқ турмуш тарзи ва маънавиятининг таркибий қисмини унинг азалий удумлари, одат, маросим ва байрамлари ташкил қилади. Шу туфайли Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий тикланиш ҳақида гапирганда халқнинг азалий қадриятларни тиклаш ва ислоҳ қилиш борасида олиб борилган ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

2002 йил 28 декабрда Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг “Тўй маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида Фатво”си эълон қилинди.

Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг “Тўй маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида Фатво”сида эса, Фатво талабларидан биринчиси, “Марҳумлар дафнидан кейин одат тусига айланган 7, 20, 40, йил, ҳайит кунларидаги фотиҳахонлик каби маросимларнинг шаръий эмаслиги, балки бидъат ишлардан эканлиги тушунтириб борилсин. Киши вафот бўлгандан сўнг таъзия уч кун эканлиги тушунтирилсин”, деб кўрсатиб ўтилган.

Бу масала бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, тўй, маърака ва маросимларни ислоҳи “Ал-Ислоҳ” журнали саҳифаларидан ҳам кенг ўрин олган эди. Мазкур масалалар журналнинг савол-жавоб рукнида бериб борилган.

Ушбу масала юзасидан Тўқмоқлик Хайитхўжа Ҳизрхўжа тарафидан берилган саволга Тўқмоқлик Мулла Олимхон Шокирхўжа ўғли тарафидан қуйидагича жавоб берилади: “Агар никоҳ тўйи бўлса, бидъат ва ғайри шаръий ишлардан ҳаммасидан ҳолис бўлган тақдирда, никоҳ жумласидан саналиб, шаръий яхши иш бўлур. Фикҳ ва ҳадис китобларидан маълумдир. Агар хатна тўйи бўлса, асли шаръий санади борлиги маълум эмас. Агар исроф, риё, миннат, фаҳрга ўхшаш ношаръий ишлардан ҳоли тутилиб, ҳамда тўй соҳиби шукрона ва барчага эҳсон ниятида шу ишни қилса, бу суратда мусулмонлар учун

зиёфат жумласидан бўлур. Шаръан ва ақлан яхши иш деб аталса керак. Лекин, айни замонда шуҳрат топган, халқ кўзида лозим даражасида кўринган маърака оши, йил ошига ўхшаш майитнинг учиди, қиркида тайин қилиб, берилган ошлар бидъат ва беаслдир. Шариад китобларида бирор санади шаръийси йўқдир, балки макруҳ, бидъатдир. “Фатхул кодир”да айтилган: Майитнинг уйида таомланиш макруҳ, чунки, зиёфат хурсандчиликда жорий қилинган, хафагарчиликда эмас”<sup>145</sup>.

“Жаҳолатимизга бир назар” номли мақолада маъракада йиглаш одати қаттиқ танқид остига олинади: “Бизнинг Туркистонда, вилоятларда бир қанча бидъати саййиат жоҳиллар орасида узоқ муддатдан бери бор. Бу бидъатлар туркий эътиқодларга ҳам хос эмасдир. Улардан бири ўлим мусибати айтганда сабрсизлик билан аёллар қичқириб йиглайдилар. Шариадимида эса бу ҳаттоки, паст овоз билан йиглаш ҳам мумкин эмас. Уларга ҳеч ҳам фойда бермас, балки қичқириб йиглаганларга ва уларнинг эшитганларга ҳам лаънату укубат бўлмай. “Канзул ибода”да ва Ибн Масъуд (р.а.) ривоят қилинган ҳадисларда ҳам бу маъни қилингандир. “Мусибат етганидан юзларига урса, ёқаларини йиртса ва жоҳил каби йигласа, у киши биздан эмас” дейилган. Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Бурда (р.а.) дан ривоят қилади. Абу Мусо (р.а.) бехуш бўлдилар. Хотинлари Умму Абдуллоҳ баланд овоз билан йигладилар, хушига келгач, хотинига деди: Билмайсанми, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳадис бор. У зот айтдиларки, мусибат айтганда сочини юлса, баланд овоз билан йигласа ва ёқасини йиртган кишидан мен узоқман деган.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдиларки, “баланд овоздаги йигиларни эшитгувчиларга Аллоҳ, фаришталарининг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин”.

Абу Саид Худрий (р.а.) айтдилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) қичқириб йиглагувчига ва уни эшитувчига лаънат айтдилар”. Бу йигилар майитнинг азобига сабаб бўлади. “Мишкот”да айтилган: Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Майит ўзининг баъзи аҳлларининг йигиси туфайли азобланади”.

Юз ва қўлларини қорага бўяш, юзларига уруш, ёқаларини йиртиш бошига тупроқ сочиш, сон ва кўкракларига уриш, қабрларда олов ва шам ёқиш буларнинг бари жоҳилия аҳлининг одатларидандир. Буни ҳеч бир ақл инкор қилмас. Чунки, бу ишлар шармандалиқ ва

<sup>145</sup> Савол-жавоб. //Ал-Ислох, 1916, 1-сон. –Б. 22-23.

казодан норозилиқдир. Лекин,, паст овозда қичқирмасдан йнглашдан уламоларимиз маън қилмаганлар.

Ибн Аббос (р.а.) айтдириларки, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Зайнаб исмли қизлари вафот қилдилар. Хотинлари йнгладилар. Умар (р.а.) камчиси билан уларни ура бошладилар. Умар (р.а.)ни Расулуллоҳ (с.а.в.) қўллари билан тўсдилар ва айтиларки, оҳиста бўл, Умар. Расулуллоҳ (с.а.в.) хотинларга айтдилар: “Ўзингизни шайтоннинг овозларидан узок қилинглар”. Сўнг айтдилар: “агар йнги қалб ва кўздан бўлса, у Аллоҳдан, агар қўл ва тил билан бўлса у шайтондандир”. Лекин, бизларда йнги бундай бўлмайди. Аксар ҳолларда аёлларимиз маййит ўлгандан бошлаб, қабрга қўйгунча ҳовли ва кўчаларда қичқириб йнглаб, бечора майитнинг ўзи қилган гуноҳлари етмагандек унга, мана бу азобларни ҳам олиб қўй деб, ўзимизнинг ҳам гуноҳларимизни уларга юклаймиз. Аллоҳ Таоло маййитга тил берганида бизга минатдорчилик билдириб, биздан мусибатларни кетказармиди? Йўқ, аксинча, бизга маломат қилади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Аёл киши қабрни зиёрати учун уйдан чиқса, Аллоҳ ва унинг фаришталарининг лаънатида бўлади. Уйдан чиқиши билан у аёлга ҳар тамондан шайтон илашади. Ортга қайтса то уйига етгунча Аллоҳнинг лаънатида бўлади”. Бошқа хабарларда айтилишча: “Қайси аёл қабрни зиёрати учун уйдан чиқса, уни етти осмон ва етти қават ердаги фаришталар лаънатлайдилар. У Аллоҳнинг лаънатида юради”. Абу Хурайра (р.а.) ривоят қилдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Қабрни зиёрат қилувчи аёлларни Аллоҳ Таоло лаънатлади”. Термизий бу ҳадисни саҳиҳ ҳасан деганлар.

Ҳар тақдирда ҳам қичқирки билан қабрларга боришлари маън қилингандир. Уламолар бу ҳадис Расулуллоҳ (с.а.в.) қабрларни зиёрат қилишга рухсат бермаган вақтларида ворид бўлган, кейинчалик рухсат берганларида, аёллар ҳам бу рухсатга даҳлдор бўлдилар ва жоиз бўлди. Биз ҳам буни тасдиқлаймиз. Бу нозик масалаларни ўқиган кишига биринчидан ўзини бу феъллардан покламоғи ва иккинчидан ўз аҳлини сақламоғи лозим. Айниқса, ҳукумат аъзоларига ўз фуқароларини бу ёмон ишлардан қайтаришлари, керак бўлса, жазоламоқлари лозим. Ўтган ва келгусидаги гуноҳларимизни Аллоҳдан кечиришни сўраймиз. Аллоҳим бизни тоқатимиз етмайдиган нарсаларга буюрма. Бизни

авф эт, кечир, ва раҳм қил, сен бизнинг мавлонимизсан. Бизни кофир қавмнинг устидан галаба қозонтир. (Бақара сураси, 286 –оят).

Мен ўқувчилар ҳатоларимни топиб, маҳфий тарзада ислох қилишдан умидворман. Чунки, инсон унутнш ва хатодан иборатдир. Тўғрилиқ фақат Аллоҳга хос<sup>146</sup>.

Журналнинг кейинги сонида ҳам “Жаҳолатимизга бир назар” сарлавҳаси остида маъракаларда эшнк олдида бел боғлаб ўтириш, етти, йигирма, қирқ ошларини қилиш кабилар қаттиқ танкид қилинади:

У бидъати саййиалардан бири маййит аҳли белларини боғлаб, эшнк олдида ўтиришларидир. Бу одатлари фосид эътиқодларига, муҳим тарк қилиб бўлмас ишлардан. Маййит аҳли олим бўлсалар ҳам, бу одатларни чорасиз бажо қиладилар. Ҳатто қаттиқ совуқда ва иссиқда ҳам тарк қилмаслар. “Канзул Ибод” да келади: “ховли эшигида ўтириш макруҳ. Чунки, у якохимият аҳлининг амалидир. Расулуллоҳ (с.а.в) бундан қайтарган”.

Яна бир бидъатлардан хотинлар азадорлик кайфиятида йигирма, етти, қирқ ва йил ошларини қилиб, исроф қилишларидир. Бир неча жамоа бу ошларда ҳозир бўлиб, ғижжак, танбур чалурлар. Айниқса отинлар, билмадим, дийдиё китобиданми шеър ва кўшиқларини куйлаб йнглашади. Шайтон васвасасига ўйнайдилар. Аслида бу отинлар бор жойда шайтонларга ҳожат ҳам йўқ. Отинлар эрларидан бу ишларни қилишдан қайтаришини кўрмайдилар, эшитмайдилар. Керак бўлса ўша эрлари закотни ҳам адо қилмаслар<sup>147</sup>.

Ушбу мақолада бугунги кунда ҳам давом этиб келаётган Бибисешанба одати ҳақида сўз боради: Яна бидъатлардан бири хотинлар орасида урф бўлган Бибисешанбадир. Ушбу кунда ахмоқлардан бир нечтаси махсус вақтда бир уйга тўпланиб, ўрталарига суфра келтириб, у суфрага, эътиқодларига, таомлари билан бир товоқ ун қўйиб, отин аёл бошчилигида халқа олиб, “Бибисешанба онам китоблари” номли қандайдир тўкима китобни тавозеълик билан хатм қиладир. Тугмас ва ҳомиладор хотинларни мажлисларга киргизмаслар. Эркакларга ҳам ижозат бермаслар. Чунки, ўша “оналари” келиб таомланар экан. Агар эркак киши бўлса, агарчи балоғатга етмаган бўлса ҳам, кирмас экан. Тугагандан сўнг, товоқдаги ундан ҳаммаси юзларига суртади ва Бибисешанбадан фарзанд сўрайдилар. Агар фарзанд берсанг икки-

<sup>146</sup> Мулла Саййид Мубашширхон. //Ал-Ислох, 1916, 5-сон. –Б.130-137.

<sup>147</sup> Мулла Саййид Мубашширхон. //Ал-Ислох, 1916, 6-сон. –Б.181-185.

уч марта Бибишешанба дастурхонини ёзаман деб назр қиладилар. Бунни бажаришни вожиб деб билурлар. Ҳолбуки уларнинг кўпи ўз зиммасидаги вожиб ва фарзларни адо қилмайдилар. Ажабланарлиси шуки, эрлар хотинларига бундай мажлисларга боришга рози бўладилар. Агар хотини шу вазифани бўйнига олиб, ўз уйида ўтказмоқчи бўлса эрлари уларнинг хизматида бўладилар. Бу эрларнинг бундай ишларга розилиги азобсиз қолмаса керак.

Менимча “Ҳар бирингиз чўпонсиз, ҳар бирингиз қўл остингиздагиларга масъулдирсизлар” деган ҳадисдаги замон ушбу замонамиздир.

Яна ҳадисда келадикки: “Умматимга шундай замон келадикки, инсонлар суннатимни кийимни йиртгандек йиртурлар. Бидъатларни пайдо қилурлар. Кимки суннатимга эргашса, ғариб бўлиб, ёлғиз қолади. Ким бидъатга эргашса 70 ва ундан кўп дўст топур”.

Ушбу ҳадис ҳам тепадаги фикрим исбот далилидир. Аллоҳ барча инсонларга тавфиқ ва инсоф берсин”<sup>148</sup>.

Мулла Бўриқўжадан Бибишешанба ҳақидаги саволга Қорабулоқдан Мулла Юсуфхон Ҳожини Мулла Умар ўгли куйидагича жавоб берган:

“Миллат ходими бўлмиш “Ал-Ислоҳ” журнали воситасида уламоларимиздан сўраймиз. Замонамизда машҳур бўлган Бибишешанба ва хотинларнинг ўрталарида маълум тариқада қилинадиган назрлари, мажлисларига бирор асос, асл борми? Катта катта одамлар уни тўғри деб эътиқод қиладилар. Шу тўғрисида кўп музокара бўлди.

Жавоб: Бу ишларнинг ҳаммаси шариятга ҳилоф бўлгани учун, албатта, асли йўқ, бидъатдир. Бу назр ва мажлислар дунё талабида бўлганлар тўқиб чиқарган нарсалардир, ёлғонларга тўла китобдир. Бу китоблар шариятда ҳеч қандай қийматга эга эмас. Залолат ва гумроҳликдан иборатдир. Бу мажлислардан хотинларни қайтариш ҳар бир мусулмонга лозимдир. Хусусан маҳала имомлари бу ишларни йўл қўймасликлари лозим”<sup>149</sup>.

Савол-жавоб рукнида авлиёларга назр қилиш масалалари ҳам кўтарилган бўлиб, назр қилишнинг шаръий далилига алоҳида аҳамият берилади. Шулардан бири Мулла Муҳаммадхўжадон Муфтий Саййид Муҳаммадхўжа ўғлидан саволлардир.

<sup>148</sup> Мулла Саййид Мубашширхон. //Ал-Ислоҳ, 1916, 6-сон. –Б.181-185.

<sup>149</sup> //Ал-Ислоҳ, 1916, 12-сон. –Б.393-395.

Ушбу савол-жавоблар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмагани боис кўйида улардан бир нечасини келтириб ўтишни жоиз деб топдик:

Савол: “Авлиёларга, масалан, Султонул Орифийнга 9 танга, ёки бошқа нарса, Ғавсул Аъзамга 2 танга, Баҳоуддинга 7 танга, ёки 7 та нон, 7 жуфт шам назр дедилар. Бу каби назрлар амма оғизларида машхурдир. Бунга далил борми?”

Жавоб: Шаръан бу назрлар ҳаром ва ботилдир. Асло шариат қонунларига тўғри келмайди. Лекин, назрини Аллоҳ учун деб, лекин, фалон авлиё ёки шайхнинг оstonасидагилар олсин ё есинлар деса, саҳиҳ ва жоиздир.

1. Фатавои азизия.
2. Фатавои Муҳаммад Абдулҳай.
3. Фатавои хайрийя.
4. Фатавои оламгирия.
5. Тариқатул Муҳаммадия.
6. Шарҳи дурар.
7. Шифоул илал.
8. Дуррул Мухтор.
9. Раддул Мухтор.
10. Баҳрур Роик ва бошқа мўътабар китобларда аниқ баён қилинган”.

Савол: “Ҳар бир шаҳарда мазорга сайр қилиб чиқамиз деб, баҳор пайти тўпланишиб, тамошо учун мазорларни оёқ ости қилишиб юрадилар. Баъзи шаҳарларда хотинлар ҳам чиқадиладар мусулмонлар қабрининг устида бегона йигит-қизлар ҳаё қилмай бирга юрадилар. Бу ишлар дурустми?”

Жавоб: Бу тариқа сайр ва тамошо учун қабристонга бориб, қабрларни оёқ ости қилиш макруҳи таҳримадир. Бу мўътабар китобларда аниқ баён қилинган. Шу ўринда яна бир зарур масалани ҳам баён қилиб ўтишни муносиб кўрдим. Китобларга мувофиқ зиёрат қилганидан сўнг, фақат Аллоҳдан ҳожатларини сўраш лозим. У улуғ зотнинг қабридан сўраш мумкин эмас. Масалан, эй, Зангиота, эй, Шайх Хованд Таҳур, эй, Баҳоуддин, эй, Султонул Рифийн, менинг ҳожатимни раво қилинг, менинг ҳожатимни Аллоҳдан сўраб беринг, менга шафоатчи бўлинг деб айтиш жоизмас. Бу сўзлар “ат-Таҳрир ал- Мухтор” да бордир”.

Савол: “Бир одамнинг ўғли ёки давлати бўлмаса, у авлиёларнинг бирига назр қилиб, бироздан кейин Аллоҳ унга ўғил ёки давлат берса,



у фалон авлиёни зиёрат қилгандим, у менга ўғил ёки давлат берди, ўғлимнинг боши унга назр, деса, бу гаплар шаръан қандай бўлади?

Жавоб: Шаръан авлиёлар фарзанд ёки давлат беради деб эътиқод қилиш ботилдир. Уларнинг ҳеч бири, Аллоҳдан бошқа, фарзанд ёки давлат беришга қодир эмас. Шунинг учун одамлар зиёрати қабрга бориб, ўзлари кўп гуноҳларни орттириб келадилар. Аллоҳ ҳаммани ҳидоят қилсин омин.

Ўғилнинг бошини қабрга назр қилиш шаръан ҳаром ва ботилдир. Чунки, назр Аллоҳ учун бўлади. Махлуқ учун жоиз эмас. Хоҳ танга, хоҳ кўй назр қилсин, барибир жоиз эмас”.

Савол: “Бир одам ўзи авлиёларнинг авлодларидан бўлиб, тани соғ, касб қилишга қодир бўла туриб, мазор остонасида эртадан –кечгача назр таъмасида бўлиб ўтирса, ўтган одамларга ҳазратга атаганининг бўлса бериб кет, бўлмаса зарар қиласан, дейиши шаръан жоизми?”

Жавоб: Тани соғ, касб қилишга қодир одамга таъма қилиш ҳаромдир”<sup>150</sup>.

Халқ кундалик турмуш-тарзида учраб турадиган зарурий саволлардан яна бири Мулла Муҳаммадхўжа қориннинг қориларнинг хатми Қуръон қилиш эвазига олган пуллари ҳақида бўлиб, пул эвазига Қуръон ўқиш лозимми? деган савол ўртага ташланган. Бу саволга Маркийдан Мулла Холмуҳаммад Мулла Тўра ўғли қуйидагича жавоб берган:

“Мутааххир уламоларидан Балх уламолари истехсон юзасидан Қуръон ўргатиш, имомлик, азон айтиш, илм ўқитишларга ҳақ тўлашнинг жонзлигига фатво берганлар. Аслга хилоф бўлса ҳам, бунга заруратни иллат қилишади. У зарурат Қуръоннинг зое бўлиш хавфидир. Лекин, кироатнинг ўзи учун ҳақ олиш жоиз эмас. “Жавҳар”да келадикки, кироатнинг ўзи учун ҳақ олиш баъзиларнинг наздида жоиз, баъзиларнинг наздида эса ножоиздир. Ножонзлиги саҳифадир. Тожушшариъа “Ҳидоя”нинг шарҳида айтилади: ҳақ билан ўқиган кироатдан на майит учун, на қори учун савоб бўлмайди, алломан Айний гуноҳкор бўладилар деган. Хулоса шуки, замонамизда ҳақ учун кироат жоиз эмас. Чунки, бу ерда, кироат қилиб, менга савобини бағишла, деган буйруқ бор. Қориннинг нияти ҳам моли дунёдир. Шунинг учун уларга савоб бўлмас. Агар пули бўлмаса, ҳеч ким Қуръон

<sup>150</sup> Ал-Ислоҳ, 1916, 11-сон. –Б.340-350.

ўқимайдн, бу замонда. Улар Куръондан молу дунё тўплаш мақсадида фойдаланадилар. Шайх Хайриддин Румлий айтадилар: Куръон ўргатниш учун ҳақ олиш жоиз. Лекин, ёлғиз қироат учун ҳақ олиш жоиз эмас. Маййит мен ўлганимда қорига Куръон ўқитиб шунга пул беринглар, деб қилган васияти, ёки қорига силаи раҳм қилиб берилган ҳақ ҳам жоиз эмасдир. Қабрдаги қироатда ҳеч қандай зарурат йўқ. Агар Куръон таълимига ҳақ берилмаса, муаллимларга эшиклар беркилиб, Куръон зое бўлади. Шунинг учун жоизлигига фатво берилган.

Одамларнинг, хатми Куръон 45 танга деб айтишлари мазҳабдан ташқари, хилоф ишдир.

Бу масалани аниқлашда андиша қилиб, сўнг ёзган бўлсакда, барибир қаноат ҳосил қилмадик. Уламоларимиз бу масалада қатъий далиллар билан исбот келтирсалар, омма учун улуг иш бўларди. Ҳақ қайси томонда бўлса, биз ҳам ўша томондамиз. Бу масаланинг жавобида қатъий маълумотим бўлмагани учун уламолардан аниқ жавоб кутиб қоламан”<sup>151</sup>.

“Ал-Ислоҳ” журнали шу қадар мусулмонларни дастурул амал қўлланмасига айланганки, унда берилаётган саволлар халқ турмуш-тарзини барча томонларини ўзида қамраб олган. Яна шундай саволлардан бири, кўшнилари ўртасида озиқ-овқат маҳсулотларини қарзга олишга бағишланган Муҳаммад Азим ибн Рўзи Муҳаммад Сўфийнинг саволидир.

Мазкур саволга қуйидагича жавоб берилган:

“Қарз бериш ва унинг савоби садақа бериши ва унинг савобидан яхшироқ ва кўпроқдир. Абу Амома (р.а.) айтадилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: Мен жаннатнинг эшиги қарзнинг савоби 18 савоб, садақаники 10 савоб деб ёзилганини кўрдим ва Жаброил (а.с.) дан бунинг сабабини сўрадим. Жаброил (а.с.), чунки, қарз фақат муҳтожга берилади. Шунинг учун қарзда фазилат кўп, дедилар”. Яна Расулуллоҳ (с.а.в.) буюрдиларки, “кўшнининг кўшида 10 та ҳаққи бор. Биринчиси: Қарз сўраса, имкони борича қарз бериш”.

Уламоларимиз кўшниларида, урф бўлган қарз олиб туришларини, лекин, нонни иккитадан ортиқ олмасликни жоиз саналганлар. Имоми Муҳаммад (р.а.) ҳожат тақозаси урф бўлгани учун нонни ҳам вазнан, ҳам ададан қарз олишни жоиз деганлар. Қиёс таомул билан тарк

<sup>151</sup> Ал-Ислоҳ, 1916, 10-сон. –Б. 308-314.

килинади. “Кудурий” соҳибни имом Кудурий (Абул Хусайн Аҳмад) бу фатвони чиройли санаганлар. Лекин, Имом Абу Юсуф нонни сони жихатдан қарз бериш жонз эмас, деганлар. Демак, қўшнилар орасидаги нон ва дон кабиларни бериб олишда ярим саядан ошмаса қанча катта ва кичик, ё кўп ва оз бўлса ҳам зарари йўқ бўлиб рибо бўлмайди. Лекин, мош бериб, гуруч олганда қанчалик оз бериб, кўп олса, ёки аксинча бўлса ҳам, агар нақдма нақд бўлса, зарари йўқ. Лекин, насияси дуруст эмас. Чунки, жинси ҳар хилдир. Ғалла бериб нон олганда ёки аксинча бўлганда, оз ё кўплигининг зарари йўқ. Лекин, уларнинг бири насия бўлса, уламоларнинг орасида ихтилофлар кўп.

Агар одам гуручни арзон вақтида олган бўлса, бериш вақтида қиммат бўлса, ўша олган миқдоридагини бериши лозимдир. Чунки, қарзнинг миқдори арзон ё қиммат бўлиш билан ўзгармайди. Лекин, қарз олган нарсаси бозорда қолмаса ёки касодга учраб манфаатдан қолса, қарз олган вақтидаги қийматини беради.

Қарз олган одам қарзга олган нарсасини қўлга киритмасдан туриб, фойдалана олмас. Чунки, қарз қарзга берилган нарсага қарз оладиган одамни молик қилишдир. Баъзи уламолар, қарз орият (вақтинча бериб туриш)дир, деганлар. Ушбу сўзлардан, қарзда кенгчилик бўлиб, рибодан ҳоли бўлиш тушунилади”<sup>152</sup>.

“Ал-Ислоҳ”нинг тўққизинчи сонидagi Тўқмоқлик Мулла Наср Қори Абдулқодир ўғлининг ўзи ўлган молнинг ёгини сотиш жоизми ё йўқ? Деган саволларига Мулла Юсуфхожи қуйидаги жавоб берган:

“Раддул Мухтор” соҳибни айтади: Нажосатли ёгни сотишга ва бошқа манфаатларда фойдаланишга рухсат берамиз, ейишга эмас. Лекин, ўзи ўлган молнинг ёгини сотиш мумкин эмас.

Совунгарлар олиб, қозонга солиб, совун қилишлари жоизми?

Мазкур масалага биноан жоиз эмас. Лекин, ўзи ўлган молнинг ёғи билан поклашга заруртни иллат қилиб, фатво берганлар. Бу “Раддул Мухтор”нинг биринчи жузъида зикр қилинган<sup>153</sup>.

Ислоҳ саҳифаларида онлавий масалалар, эр-хотин муносабатлари ҳам кўтарилган бўлиб, қуйидаги савол-жавобларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

<sup>152</sup> Ал-Ислоҳ, 1916, 13-сон. –Б. 406-414.

<sup>153</sup> Ал-Ислоҳ, 1916, 19-сон. –Б. 534-538

– “Бир киши хотинига талоқ сиёсатини қилиб, бор отанг ё онангникига кет ёки бор кетавер, кўзимга кўринма, деса, талоқ бўладими?”

– Бир киши хотини билан ҳазиллашиб турганида, хотини қўйинг, ё қўйиб юборинг ё қўйсангизчи, деса, мана қўйиб юбордим деса, лекин, талоқни ният қилмаса, знёни йўқми?”

– Бир киши қайнотаси ёки қайнонасининг қизи талоқ деса, хоҳ ҳазорат ёки мутойиба билан бўлсин, хотини талоқ бўладими?”

Саволларга шундай жавоб берилган:

“Бор, кетавер, отангнинг уйига бор, кўзимга кўринма қўйиб юбордим, деган иборалар талоққа хос лафзлар эмас. Балки киноятан талоқнинг бир қисмидандир. Ушбу лафзлар билан ҳақ ғазаб ва сиёсат ҳолати бўлсин, хоҳ талоқ музокараси, хоҳ хурсандчилик, хоҳ ҳазиллашиб турган бўлсин, ниятсиз талоқ тушмайди. Агар эр бу лафзлар билан бир, икки ёки уч талоқни ният қилса, эрнинг ниятига қараб талоқ тушади.

Агар эр хотинининг йўқлигида номини зикр қилмай беният талоқ деса, қайнотаси ё қайнонасига қизи талоқ деса, ёки хотинининг болаларига она талоқ деса, талоқ тушмайди. Чунки, талоқда хитоб қилиш, хотинининг номини зикр қилиш лозимдир. Масалан, талоқсан ёки фалончи хотинимни талоқ қилдим, деса талоқ бўлади.

Ўқувчилардан хатоларим бўлса, кечириб, тўғрилаб, дуоларида унутмасликларини сўрайман”<sup>154</sup>.

Конибодомлик Мулла Исмоилхўжанинг нафақа ҳақидаги саволига Чустлик Мулла Абдулҳамид жавоб бериб ёзади:

“Хутбаи никоҳда 4 шаръий иш машхурдир: 1. Шаръий сабабсиз хотинни урмаслик. 2. Бой бенафақа ташлаб кетмаслик. 3. Хотинининг ижозатсиз устига хотин олмаслик. 4. Хотинининг ижозатсиз сафарга олиб чиқиш. Хотинга ғурбатда машаққат кўп бўлади. Яна сўраган эканларки, агар 6 ойдан камроқ фурсатда келса, нафақа лозим бўладими?”

Жавоби: Олти ой ҳоҳ тўлиқ, ҳоҳ тўлиқ бўлмасин барибир нафақа оят, ҳадис билан собит бўлган. Нафақа ихтибос (уйида, ушлаб туриш) нинг жазосидир. Яъни, хотин ўзини эрига “ҳибс” қилиб топширдими,

<sup>154</sup> Ал-Ислоҳ, 1916, 13-сон. –Б. 406-414.

эрга нафақа вожибдир. Аллоҳ айтди. “Эрга уларнинг ризки ва кийинтириши (вожибдир)”. Бошқа оят, ҳадислар ҳам бор”<sup>155</sup>.

“Умид ва илтимос” номли мақолада саволларга берилётган жавоблар ҳақида фикр юритилиб, хусусан шундай дейилади: “Мухтарам мақола ёзувчилардан илтимосимиз шуки, саволга жавоб ёзилгач, икки жавобга заҳмат чекмай, биринчи жавоб билан қаноатлансангизлар. Лекин, биринчи жавобнинг хатоси бўлса, албатта иккинчи жавобни ёзиш керак. Танқидчилардан илтимос шуки, аввало мақолани диққат билан мулоҳаза қилсинлар. Сўнг мақола соҳибига хайрихоҳлик билан баён қилсалар. Чунки, мақола ёзувчи ҳам умумий фойдани кўзлаб ёзади. Журналнинг ҳам мақсади шу. Мутолааси йўқ савдогарларга ҳам диний, ахлоқий ва бошқа зарурий нарсаларни ҳам тушунтира олиш керак. Шунинг учун журналда ўринсиз, мақолалар мажалланинг фойдали саҳифаларини банд қилмоқда. Чунки, бу танқидий мақолаларни аҳли савдогарнинг тушуниши кийин”<sup>156</sup>.

Инсонлар ўртасидаги муомалага боғлиқ турли масалалар ҳам “Ал-Ислоҳ” воситасида равшанлашган десак янглишмаган бўламиз.

Хусусан қуйидаги Шаҳрихонлик мулла Ҳошим саволларига Мулла Абдулқодир Тошкандийнинг жавоби шулар жумласидандир:

“Савол: Ноҳақликни билиб туриб, қасам ичган кишилардан сақланиш шаръан лозимми?

Жавоб: Ноҳақликни билиб туриб қасам ичишнинг икки тури бор. Масалан, шу тариқа қасам ичиш билан Худонинг бандасига зарар бўлса, бу қасам иттифоқан қасами ғамусдир. Аммо қасам билан мусулмонга зарар тегмаса ҳам қасами ғамус бўлишлигида ихтилоф бор. Ғамус қасам эса гуноҳи кабиралардандир. Бунинг далили Бухорий (р.а.) ривоят қилган ушбу ҳадисдир: “Гуноҳи кабиралар Аллоҳга ширк келтириш, ота онага оқ бўлиш, ноҳақ одам ўлдириш ва қасами ғамусдир”. Пайгамбаримиз (с.а.в.) “Кимки ёлгон қасам ичса, Аллоҳ уни дўзаҳга киргизади”, деганлар. Биз кишилар фосиқлар ҳисобланиб, улар то тавба қилмагунларича, улардан сақланишлари лозим. Чунки, муфсидлар билан биродарлик қилиш шарифатимизда маън қилинган.

Савол: Ноҳақ қасам ичганларига шариятнинг ҳукми қандай?

<sup>155</sup> Ал-Ислоҳ. 1916, 20-сон. –Б. 548-549.

<sup>156</sup> Аҳмадхўжа. Умид ва илтимос //Ал-Ислоҳ, 1916, 13-сон. –Б. 417-420.

Жавоб: Ҳанафий маҳзабида улар шариат бўйича тавба ва истиғфор этишлари вожиб. Каффорат вожиб эмас. Ҳидоя ва бошқа китобларда ҳам шундай дейилган, яъни, қул озод қилиш ёки 10 мискиннинг ҳар бирига фитр садақаси миқдорича таом ёки унинг қийматини бериш, ёки 10 мискинни бир кун эрталаб ва кечқурун қоринларини тўйдириш ё либос бериш, буларга қодир бўлмаса, уч кун пайдар пай рўза тутиш ғамус қасам ичганларга вожиб эмас. Бу ишлар, яъни, қасам каффоратига боғлиқ қасам ичса, ва уни бузса, унинг зиммасигагина каффорат вожиб бўлади. Шу ўринда қасами мунъақид билан қасамни лағув ҳақида гапириб ўтиш керак. Бир киши келажакда бир ишни қилишга қасам ичса, масалан, шу молимни эртага сотаман, ёки бу шаҳарда турмайман деса, бу қасам мунъақида ва маъқуда дейилади. Агар қасамини бузмаса зиммасига ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Бордию бузса, зиммасига юқоридаги каффорат вожиб бўлади.

Бир киши ўтган замонда бир ишни қилганлиги ё қилмаганлигига қасам ичса, ёки шу иш бўлган ё бўлмаган деб гумон қилиб, қасам ичса, бу кишининг гумони воқеликка мувофиқ бўлмаса, бу қасам лағув қасам дейилади ва унга каффорат вожиб бўлмайди. “Ҳидоя”да, “бу қасам соҳибини Аллоҳ азобламаса керак деб умид қилинади”, дейилган. Чунки, у қасддан ёлғон қасам ичгани йўқ. Бир одам бошқа одамни бировга ўхшатиб айтсаки, Аллоҳга қасамки, бу Зайд, деб, кейин билинса, у Амр экан, у ҳам қасами лағудир. Бу қасамларга далил қуйдаги ояти карима “Аллоҳ сизларнинг лағу қасамларингиз учун азобланмас. Лекин, дилингизда вафосини қасд қилган қасамларингиз учун азоблайди”. Бу каби ношаръий қасамлардан барча мўъминларни сақлашини Аллоҳдан сўраб, хатми калом килди<sup>157</sup>”.

“Эҳтикор” номли мақолада ҳам халқнинг кундалик ҳаётдаги оғриқли нуқтаси ҳақида сўз боради:

“Эҳтикорнинг маъноси халқ ҳаёти учун зарур нарсаларни сотиб олиб, сақлаб бу нарсаларга эҳтиёж тушганда қиммат нарҳда сотиш. Бу шариат бўйича ҳаромдир. Баъзилар гуноҳи кабира дейишган. Ушбу катта уруш туфайли кўр нарсаларнинг бозори ўзгарди, қимматлади. Бу табиий ҳолат. Харажатнинг қўғлиги, ишнинг озлиги буларга сабаб бўлади.

---

<sup>157</sup> Ал-Ислоҳ, 1916, 14-сон. –Б. 439–443.

Лекин, бозор хонлари, виждонсизларнинг ёмон ҳаракатлари билан баҳоларни кўтарилиши халқни қийнаб қўйди. Бу виждонсиз савдогарлар халққа зарур нарсаларни сотиб олиб, омборларда ҳечкимга бермай, беркитиб сақлай бошладилар. Шу сабабли нархлар ниҳоятда кўтарилди. Бойлар огирлик, фақирлар очарчиликни бошдан кечира бошладилар, халқ бундан озор чека бошладилар. Ушбу уруш сабабли неча хонадон ҳам ғуссага гирифтор бўлди. Баъзи ожиз ва фақир одамларнинг 4, 5 та ўғил Ватан ҳимоясига кетган қарилари уй қўриқлаб қолганлар. Эркаклар кетгаж шу қадар ҳасратга гирифтор халқни огирини енгил қилиш ўрнига инсофсиз савдогарлар уларнинг огирини янада огирлаштирмоқдалар. Халқнинг очлигидан унинг киссалари пулга тўлмоқда. Инсониятга тўғри келмас даражада ўзларини лаънатга мустаҳик этадилар.

Эҳтикорнинг ақлан ёмон, шаръан ҳаромлиги ҳам шундадир. Ҳадисларда эҳтикор ҳақида жудаям қўрқинчли ваъизлар келган. Бундай пайтларда ҳокимларнинг бундай итлоотсиз ноинсоф савдогарларга жазо таъйинлашлари таҳсинга сазовор ишдир. Муслим ва Абу Довуд (р.а.)лар ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в) айтдилар: Таомни эҳтикор қилиш гуноҳдир. Баззор ва ҳокимнинг айтишига ким бир таомни 40 кун эҳтикор қилса, у Аллоҳдан безиган, Аллоҳ ундан безиган бўлур. Халқнинг орасида бир киши оч қолса, эҳтикор сабабли бўлса керак.

Ҳоким айтди: Четдан мол келтирувчи ризқли ва барақалидир. Эҳтикор қилувчи Аллоҳнинг раҳматидан бенасибдир.

Ибн Можа айтди: “Ким таомни эҳтикор қилса, Аллоҳ уни фақирликка мубтало қилади”. Разийн айтди: “Эҳтикор қилувчилар киёматда ноҳақ қон тўкувчилар билан бирга турғизилади, ва уни Аллоҳ дўзах оловининг энг қатта қисми билан азоблайди”. Бунга ўхшаш ҳадислар кўп. Шунга биноан, муслмонлар ўзларини эҳтикордан сақлашлари керак. Вақтинчалик дунёга қизиқиб, шайтоннинг гапига кириб, Аллоҳнинг ҳузурини шарманда бўлишдан қўриқиб керак. Мазкур ҳадислар фақат галланинг эҳтикорини ман қилган бўлсада, фақиҳлар муслмонларнинг ҳаёти учун зарур нарсаларни сотиб олиб, қимматлашни кутиб сақлашни ҳам эҳтикордан санаганлар. Аммо халқнинг ҳаётига дахли бўлмаган зийнат асбобларига ўхшаш нарсаларни сақлаш жоиз. Ўз экинини сақласа, муслмонларда бу қиммат бўлмаса зарари йўқ. Яна ўзи учун бир йиллик озуқа олиб қўйишда ҳам зарар йўқ”<sup>158</sup>.

<sup>158</sup> Мулло Олимжон ал Борудий. Ад Дин валадаб сохиби. Эҳтикор. //Ал-Ислох, 1916, 21-сон. –Б. 558-560.

Жамниятда тарқалган одатлар юзасидан ҳам савол-жавоблар берилган. Жумладан:

“Ушбу замонада шаръидурки агар бир киши хотун олмоқчи бўлса киз тарафидаги кишилар масалан қизнинг отаси ё оғаси ё ўзга қавм ва қариндошлари куёвнинг тарафидаги кишилардан олуғ-солуғ қилмоқ учун баъзи ишларни шарт қилиб сўрайдулар. Чунончи кизнинг тарафидаги одамлар айтурларки агар куёв бўлиш киши ботмандан ғалла берса, ё икки ботмандан ғалла берса яна бир тўккуз ё икки тўккуз қўй берса, яна бирор дона ё икки дона от берса ва шунга мувофиқ нон ва ҳалво берса яна 10 сўм ё 150 сўм ё 200 сўм ё 250 сўм ё 100 сўм ё 500 сўм берса бизлар қабул қилиб қизимизни никоҳ қилиб берурмиз ва агар шул мазкур бўлмиш пул ва ғаллани эшон куёв қабул қилмасдан камроқ берурман деса бизлар қизимизни никоҳ қилиб бермасмиз. Қачон бизлар айтган пул ва ғаллани қабул қилса ўшал вақт тўй тамоша бирлан никоҳ қилиб берурмиз дейдулар. Мана шу тариқа олуғ-солуғ бирлан куёв тарафидан олгон пул ва ғаллар шаръан қиз тарафидаги кишиларга дуруст бўлурми? Ё асло дуруст эрмасму?

Саволга Ибод ал-Назирхўжа ал-Тоҳирий қуйидагича жавоб йўллаган:

Ушбу мазкур бўлмиш олғу солғудаги мустаҳкам сўз шулки ағ кизга қарашлилик кишилар куёвдан бирор нарса сўраб олсалар чунон ғалла ё қўй ва от ё пул мана шул тариқа олуғ-солуғ бирлан куёвдан сўра олгон пул ва ғаллалар шаръи шарифда дуруст эрмасдур. Агар куёв бўлмиш киши ўз ихтиёри бирлан нима нимарса берса мана бул тариқа суромасдан ўз ихтиёри бирлан бермиш нимарсалар ҳадя қабиласиндан бўлуб шаръи шарифда дурустдур”<sup>159</sup>...

*Учинчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:*

1. Журналдаги ислом тарихи ва таълимотини ақс эттирган мақоллар салмоғининг кўплиғи журнални ислом дини таълимоти ёритишга бағишланган журнал бўлганлигини кўрсатиб турибди.

2. Ислом тарихига бағишланган мақоллар ислом динининг илк давридан бошлаб, то бугунги кунгача кенг қамровли бўлиб, бунда ислом динидаги кўзга кўринган шахслар ҳаёти ва асарларига алоҳида ўрин берилган.

<sup>159</sup> Ал-Ислоҳ, 1915, 5-сон. –Б.146-152.



3. “Ал-Ислох” журнални тадқиқ этиш асносида журналдаги бобийлик мазҳабига қарши руҳда ёзилган мақолалар журнални бобийлик нашри бўлмаганлигига асос бўлади.

4. “Ал-Ислох” журналидаги мунозаралар, савол-жавоблардан кўриниб турибдики, журнал таҳририяти мазҳаб масаласига алоҳида эътибор билан қараган. Ҳар бир шаръий масалада ислом динининг ҳанафий мазҳабига доир фатво китобларидан жавоб берилиши тарафдори бўлган. Турли бошқа мазҳаб манбааларига ҳам суяниш ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолатда дарҳол мунозара уюштирилиб, танқидий мақолалар чоп этилган. Бу эса, журналнинг ҳурфикр нашр бўлганлигини кўрсатади.

5. Журналдаги урф-одат, анъаналарни ислоҳ этишга бағишланган мақолалар ислом шариасти нуктаи назаридан манбааларга суянган ҳолда ўз даврининг етук дин уламолари томонидан ёритилган бўлиб, бу мақолалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан қадрлидир.

## ХУЛОСА

1905-1918 йиллар оралиги ўзбек вақтли матбуоти бизга ўша бўронли, суронли даврнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий аҳволи қай даражада бўлганлигини, ислохотчилик гояларини қай тарзда кириб келганлигини ва қандай ривожланганлигини ўрганишда жуда катта материаллар бериши шак-шубҳасиздир.

Агар тадқиқ қилинаётган йилларда ўзбек вақтли матбуоти бўлмаганда (“Туркистон вилоятининг газетаси”, “Тараккий”, “Хуршид”, “Шухрат” ёки “Садойи Туркистон”, “Садойи Фаргона”, “Улуғ Туркистон”, “Нажот”, газеталари ёки “Ойина”, “Ал-Изоҳ”, “Ал-Ислоҳ” журналлари бўлсин), ўша давр ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётига аниқ баҳо бериш бирмунча мураккабларди.

Ўша давр матбуоти хусусан, “Ал-Ислоҳ” журналининг йўналишини асосан илғор фикрли зиёлилар, уламолар белгиладилар. Шунинг учун ҳам улар даврнинг энг асосий, долзарб масалаларини халқ манфаатлари нуқтаи назаридан туриб ёритишга интилдилар

Монографик тадқиқот натижаларидан қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келиш мумкин:

1. Даврий матбуот XX аср бошидаги Туркистоннинг ижтимоий-маънавий ҳаётидаги янгилианишнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида намоён бўлди ва миллатнинг уйғонишида муҳим рол ўйнади. Шу боис бўлса керак, ислохотчилик гояларининг тарқалиш манбалари бўлиб, матбуот хизмат қилган десак янгилишмаган бўламиз. Ҳар қандай матбуот эмас, айнан “Ал-Ислоҳ” каби ислохотчилик гоялари билан йўғрилган журналлар ислохотчилик гояларини тарғиб қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

2. “Ал-Ислоҳ” журнали ўз даврида Туркистон мусулмонлари ҳаётида муҳим ўрин тутиб, бир сўз билан айтганда уларнинг дастурул амал қўлланмасига айланган.

3. Абу Наср Курсавий, Шаҳобиддин Маржоний, Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду, Исмоил Гаспринский, Олимжон Баруди,

Ризоуддин Фахриддин, Хусайн Файзхонов каби ислоҳотчиларнинг гоялари Туркистонга кириб келиб, Туркистон маърифатпарварларининг ислоҳотчилик гоялари билан уйғунлашди ва унинг тарихий илдиэларига айланди.

4. Туркистондаги ислоҳотчилик гоялар диний-маърифий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотчилик йўналишларда бўлган.

5. Туркистонда ислоҳотчилик асосий икки йўналишда, яъни, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва матбуот воситасида бўлган.

6. “Ал-Ислоҳ” журнали ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаёт фаоллашувининг муҳим кўрсаткичи сифатида кескин жонланганини кўриш мумкин.

7. Журналда Туркистоннинг сиёсий аҳволи, давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий муаммоларига кенг ўрин берилган. Туркистон матбуотининг миллий уйғониш билан долзарб масалалари, янги китоблар хабарлари, муайян асар ҳақидаги адабий мулоҳазалар бериб борилган. Шунингдек, тарих ҳақидаги мақолаларда Туркистон ўтмиши, осори атиқаларимиз, муқаддас қадамжолар ёритиб борилган.

8. Журналдаги урф-одат, анъаналарни ислоҳ этишга бағишланган мақолалар ислом шарияти нуқтаи назаридан манбаларга суянган ҳолда ўз даврининг етук дин уламолари томонидан ёритилган бўлиб, бу мақолалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан қадриlidir.

9. “Ал-Ислоҳ”даги марҳумлар хотирасини ёд этишга қаратилган маросимлар, Бибисешанба одати, авлиёларга назр қилиш ёки шаръий никоҳда куёв томондан қиз тарафнинг пул ва озик-овқат талаб қилиш одати, қарз беришнинг фазилати, талок, эҳтикорнинг ҳукми, ноҳақ қасам ичганининг ҳукми каби масалалар Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар ва мазҳабимиз доирасидаги фатво китобларига асосланиб ёзилган бўлиб, бу савол-жавоблардаги мунозаралар, мақолалар миллатнинг маданий ҳаётини кўрсатиб бериш билан уни ислоҳ қилишга қаратилганлиги диққатга сазовордир.

10. Журналдаги ислом тарихи ва таълимотини акс эттирган мақолалар салмоғининг кўплиги журнални ислом таълимотини ёритишга бағишланган журнал бўлганлигини кўрсатиб турибди.

11. Ислом тарихига бағишланган мақолалар ислом динининг илк даврдан бошлаб, то бугунги кунгача кенг қамровли бўлиб, бунда ислом динидаги кўзга кўринган шахслар ҳаёти ва асарларига алоҳида ўрин берилган.

12. Журналдаги мақолаларнинг илмий таҳлили шуни кўрсатадики, журналда ҳалол ва ҳаром масалаларига катта эътибор билан қаралган. Бунинг воситасида эса, ислом шариатининг турли долзарб масалалари ёритиб борилганлиги аҳамиятга моликдир.

13. “Ал-Ислоҳ” журналидаги мунозаралар, савол-жавоблардан кўриниб турибдики, журнал таҳририяти мазҳаб масаласига алоҳида эътибор билан қараган. Ҳар бир шаръий масалада ислом динининг ҳанафий мазҳабига доир фатво китобларидан жавоб берилиши тарафдори бўлган. Турли бошқа мазҳаб манбааларига ҳам суяниш ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолатда дарҳол мунозара уюштирилиб, танқидий мақолалар чоп этилган. Бу эса, журналнинг хурфикр нашр бўлганлигини кўрсатади.

Монография мавзуси юзасидан илмий хулосаларга келар эканмиз, Туркистондаги XIX аср охири XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётни очиб бериш, миллий истиқлол мафкурасини мустаҳкамлаш мақсадида келгусида ушбу йўналишда қуйидаги вазифаларни бажариш кераклиги билан боглик тақлиф ва тавсияларга келинди:

1) Туркистондаги ислоҳотчиликнинг асосий намоёндалари уламолар, маърифатпарварлар бўлган. Уларнинг муборак номларини тиклаш, шахсини аниқлаш, улар ҳақида тегишли маълумотлар тўплаш ҳам вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак;

2) Маълумки, уламолар қўлида узоқ тарихимиз ва маданиятимизга бағишланган нодир қўлёзма асарлар сақланган бўлиб, улар ҳам диний ҳам дунёвий характерда бўлган. Миллий кадриятларимиз тикланаётган ҳозирги даврда қўлёзма асарларни излаб топиш, уларни келажак авлодга етказиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди;

3) Туркистондаги XIX аср охири - XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётни очиб беришга қаратилган оммабоп рисола, китоб ва матбуот мақолалари чоп этилса ҳамда қисқа метражли фильмлар яратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

### I. Расмий адабиёт ва ҳуқуқий-меъёрний ҳужжатлар

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. –Т.:Ўзбекистон, 1994. - 196 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тарққиёт йўлида. 6-жилд. –Т.:Ўзбекистон, 1998. - 414 б.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т. 7. –Т.:Ўзбекистон, 1999. - 142 б.
4. Каримов И.А.Юксак маънавият – энгилмас куч.–Т.: Маънавият, 2008.-4 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 бет.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик–ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак (ўзбек ва рус тилларида). –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –104 бет.
7. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –592 бет.
8. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. II жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 508 бет.
9. Мирзиёев Ш. М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. III жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 396 бет.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2020 йил 1 октябрь, № 207.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2020 йил 1 октябрь, № 207 (7709).

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 25 январь.

## II. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА) ҳужжатлари, ҳужжатлар тўплами

1. И-1-фонд – Туркистон генерал-губернатори канцелярияси
2. И-1-фонд – Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги дипломатик амалдор
3. И-461-фонд – Туркистон район муҳофаза бўлими
4. Р-34-фонд – Туркистон халқ маорифи комиссарлиги
5. Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917-1924 гг.). Сборник документов. –Т.:Ўзбекистон, 1973. Т. I. - 541 б.
6. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. –Т.: Изд. АНУЗССР, 1963. Т. I. - 660 с.

## III. Илмий адабиётлар

1. Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Улуғ октябрь социалистик революциясининг арафаси ва гражданлар уруши даврида ўзбек позицияси. Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат университетининг асарлари, янги серия. –Самарқанд.: ЎзДУ, 1958. – 10 б.

2. Абдуазизова Н. Печать и строительство социализма. Ташкент, 1977. - 38 с.

3. Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. –Т.: Академия, 2000. - 238 б.

4. Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX– I четверти XX вв. – Т.: Университет, 1999. - 162 с.

5. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: Академия, 2002. - 162 б.

6. Абдуллин Я.Г. Джадидизм среди татар: возникновение, развитие и историческое место. –Казань: Иман, 1998. - 44 с.

7. Абдуллин Я.Г. Марджани и его место в истории общественной мысли // Марджани: ученый, мыслитель, просветитель: Тез.докл. науч. Конф.–Казань: Татарское книжное издательство, 1990. - 190 с.

